

Сайфиiddин ЖАЛИЛОВ

ШАҲЗОДА БОБУР

*Дунёга келиши ва
болаликдаги тарбияси*



Тошкент 2013

MAJBURIY NUSXA

УЎК: 94(575) (092) Бобур

КБК: 63.3(5Ў) - 4- 938 тарихи

Ж 21

Улуғ юртдошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур нисбатан қисқа, лекин қўлаб умрларга татиғулик ҳаёт йўли давомида амалга оширган гоят улкан сиёсий, ижодий, бунёдкорлик ва бошқа хайрли ишлар эндиликда бутун дунёга маълум ва машҳур. Тақдир тақозосига кўра, ёш ўсмир чоғидаёқ тахтга ўтириши билан талатўпли воқеалар гирдобига шўнғиган инсон боласининг шунча ишлар қилишига улғургани ҳайратланарлидир. Бунинг учун, шак-шубҳасиз, инсоннинг авлодлардан ўтган қонида илоҳий куч-қудрат жо бўлиб, у муносиб таълим-тарбия воситасида тўғри эътиқод ва ҳаракат омилига, мустақил пойдеворга айланган бўлиши лозим, албатта.

Бироқ айрим тарихий манбалардаги ўта мухтасар чизгиларни ҳисобга олмаганда, шаҳзода Бобур қандай муҳитда туғилиб, тарбия топгани ҳақида етарли маълумотлар йўқ. Ҳатто Бобурнинг ўзи ҳам таржимаи ҳолини тахтга ўтирган чоғидан бошлаб баён этади.

Ушбу рисола муаллифи – ардоқли олимимиз бобурушносликдаги шу кемтикни тўлдириш борасида илк уринишга бел боғлаб, камтарин изланишлари бу соҳада жиддий тадқиқотларга туртки бўлишига умид қилади.

Жалилов Сайфиддин


Шаҳзода Бобур / С. Жалилов; муҳаррир Ш. Холмуродов.

– Тошкент: «Movarounnahr», 2013. – 112 б.

УЎК: 94(575) (092) Бобур

КБК: 63.3(5Ў)

ISBN 978-9943-12-250-5



© Сайфиддин ЖАЛИЛОВ

© «Movarounnahr» нашриёти, 2013.

Сўзбоши

Киндик қони Андижон диёрига тўкилган, номи жаҳонга машҳур Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кимлигини эндиликда тушунтиришга-ю исботлашга ҳожат йўқ. Темурийларнинг Фарғона мулки подшоҳи, кейинчалик улуғ Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг Ҳиндистондаги давомчиси, буюк саркарда, беқиёс шоир ва серқирра олимлигидан ташқари яна бир қанча улуғ сифатларга эга бўлган у зотнинг салобати ва салоҳияти йиллар ўтган сари бутун жаҳонни лол қолдириб келяпти.

Мана қаранг: тарихчи, географ, табиатшунос, геолог, тилшунос ва ҳ.к. Ҳатто янги ўзбек алифбосини яратгани ҳам бутун оламга маълум. Ваҳоланки, биргина «Бобурнома»нинг ўзи муаллифи номини аллақачон шону шуҳратга чулғаб, дунё миқёсида абадийлаштириб қўйган. Истиқлолимиз туфайли Бобур Мирзо шу барча мақому мартабалари билан асрлар оша ўз Ватанига, халқига қайтди. Унинг тарихий, илмий ва адабий мероси халқимиз маънавий мулкига айланди.

Бобур камтарин ва халқпарвар инсон, билимдон олим, ҳассос шоир, ажойиб саркарда ва адолатли ҳукмдор сифатида нафақат Осиё халқлари, балки эндиликда бутун жаҳон тан олган буюк даҳолардан ҳисобланади.

«Оврупа олимларининг эътирофларича, «Бобурнинг тарихдаги ўрни ўтмишдаги шахзодалар орасида энг юқори мақтовга сазовордир».

Инглиз тадқиқотчиси ва бобуршунос олим Эдуард Холден Бобурнинг барча хислатларини ўрганиб, уни «Буюк Юлий Цезар билан бир қаторда туришга арзийдиган шахс», деб ҳисоблайди. Бошқа бир инглиз олими: «Агар даври ҳисобга олинмаса, Бобур ўрта аср шарқининг Юлий Цезаридир», деган эди. (Биз айнан мана шу иқролга асосланиб, «Бобур ва Юлий Цезар» номли асаримизни яратишга қўл урганмиз.)

Таниқли инглиз бобуршуноси Вилян Эрскин самимият билан таъкидлаб: «Осиёлик шаҳзодаларнинг ҳеч бири Бобурга тенг келолмайди ва унинг ёнига қўйиш учун лойиғини топа олмаймиз», деб ёзади. Бу каби баҳоларни кўплаб келтириш мумкин.

Афсуслар бўлсинки, бизга маълум ёзма манбаларда шундай инсоннинг туғилиши, бу улў сифат ва фазилатларига мустаҳкам пойдевор бўлган гўдаклик чоғлари, болалик даври ва ҳар томонлама тарбияси ҳақида айтарли хабар келтирилмайди. Тўғри, Хондамирнинг «Ҳабибус сияр», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъус саъдайн ва мажмаъул баҳрайн», Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарларида Бобурнинг болалик даврига оид айрим воқеалар қайд этилади. Улў шахснинг гўдаклиги ва тарбиясини ўрганишда улардан фойдаланиш мумкин. Бу масалада Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» номли асари ишончли манбалардан саналади. Бобурнинг ўзи эса, шох асари бўлмиш «Бобурнома»ни ўн икки ёшида Фарғона мулкига подшоҳ бўлганидан бошлайди.

Нафсиламрини айтганда, шу давргача Бобур ва унинг ижодига доир адабий асарларда ёки қилинган тадқиқотларда бу улў инсоннинг ҳозир бизни қизиқтираётган болалик йиллари ёки шу палладаги тарбияси масаласи унчалик эътиборни тортмаган кўринади. Эндиликда бобуршунослик бобида қилинаётган ишлар кўлами кенгайиб боргани сари бу жиҳатларнинг ҳам зарурлиги, ҳатто муҳимлиги сезилиб, алоҳида бир мавзу тусини олмоқда.

Бобур Фарғона подшоҳи Умаршайх мирзонинг бош фарзанди, тўнғич ўғли, буваси ва бувиси учун биринчи ўғил набира, бинобарин, Фарғона мулкининг меросхўри, қонуний тахт вориси бўлган. Шуни ҳисобга олиб, ушбу рисолада шаҳзода Бобурнинг дунёга келиши ва тарбияси, тарбияткунандалари, она шахри Андижоннинг ўша даврдаги маданий ва маънавий му-

хити ҳақида фикр юритилади. У зот туғилган гўша – катта она Эсон Давлатбегимнинг «Бобурнома»да тилга олинган Андижон шимолида жойлашган, лекин асрлар давомида юз бериб турган табиий офатлар натижасида ном-нишони қолмаган чорбоғи тарихини ўрганиш бобида узоқ йиллар олиб борилган изланишлар хусусида, шахзоданинг дунёга келиши, истиқболда ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан, шунингдек, эътиқод бобида баркамол инсон бўлиб етишувига тамал қўйган ўқитувчиларию тарбиячилари ҳақида ҳикоя қилинади.

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад улуг шоир ҳам эди. Китобда унинг шу рутбага эришувига бевосита таъсир кўрсатган адабий муҳит – Фарғона мулки пойтахти Андижонда XV асрнинг иккинчи ярмида гуркираб ривожланган маданий ва маънавий ҳаёт ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

Ушбу рисола шу буюк инсоннинг болалиги ва тарбияси ҳақида арзигулик асар яратиш ва бобуршуносликдаги бу кемтикни тўлдириш учун бўлган дастлабки уринишдир. Кечган тарихий воқеаларни ва уларга боғлиқ инсоний ички кечинмаларни тасаввур қилишда ёзувчиларга бериладиган тасвирлаш ва илм бобида йўл қўйиладиган илмий таҳмин ва фаразлар баён этиш ҳуқуқидан ҳам бир оз фойдаланишга ҳаракат қилдик. Шунинг учун масалага ёндашувимизда ва шахсий мушоҳадаларимизда баъзи ноқисликлар ва мунозараталаб фикрлар ҳам бўлиши мумкин. Зеро, ҳар бир янги ишнинг бошланишида ва дастлабки изланишларда айрим камчиликларга йўл қўйилиши табиийдир. Бинобарин, муаллиф илмий жамоатчиликнинг ҳар қандай ҳолисона фикр-мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қилади.

Мазкур рисола Бобур номли халқаро жамғарма тавсияси билан ёзилди.

ШАҲЗОДА ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАДНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ

Бобур аждодлари ва Фаргона диёри

Агар эътибор берадиган бўлсак, узоқ мозийда ҳукмронлик қилиб яшаб ўтган буюк кишиларнинг аниқ таржимаи ҳоллари (биографияси) улар ҳаётлигида ёзиб қолдирилмаганига гувоҳ бўламиз. Бирмунча даврлар ўтгач, тарих бўлиб қолган ижобий ёки салбий хотиралар асосида ёзилган манбалар эса кўп ҳолларда ўша машҳур шахсларнинг ҳақиқий ҳаётига мос келмайдиган даражада ёритилган, ҳатто афсоналашиб ҳам кетган. Қадимги Эрон шоҳлари Кайхисрав, Доро ёки Искандар Мақдуний (Александр Македонский)-лар ҳаётининг ёритилиши бунга мисол бўла олади. Машҳур Юлий Цезарнинг ҳаёти, айниқса, насл-насаби ҳақидаги ҳикоятлар афсоналарга йўғрилган эртақнамо оғзаки нақллар асосида ёзилган ва ўша ҳукмдорнинг маълум мақсадга мўлжалланган буйруғи билан китобийлаштирилган. Бундай мисолларни ўрта асрларда Европада ўтган бошқа давлат арбоблари ҳаётидан ҳам келтириш мумкин.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур насаби ва фаолияти ҳақида эса бундай афсона йўқ. Бизгача сақланиб қолган маълумотларнинг барчаси асл ҳақиқат, хоҳ ижобий томонга, хоҳ салбий томонга бўлсин, уларда ҳеч қандай тўқима йўқ, бирламчи ҳужжатлар билан китобат қилинган. Бинобарин, ҳужжатлар асосида ёзма манбада ифода этилган воқеа-ҳодиса баёни асрлар, ҳатто минг йиллар ўтса-да, асло бузилмайди ва афсонага ҳам айланмайди.

Бобур ота томонидан Соҳибқирон Амир Темур авлодидан экани ҳам аниқ ҳужжат ва тарихий ҳақиқатдир. Ҳурматли ўқувчиларга янада тушунарлироқ, аниқроқ қилиб айтсак, у зот улуғ Соҳибқироннинг бешинчи ав-

лоди, яъни чеварасининг фарзанди бўлади. Шарқона қоидага кўра, бу қуйидагича ифодаланади: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ибн Умаршайх Мирзо ибн Абу Саид Мирзо ибн Султон Муҳаммад ибн Мироншоҳ ибн Амир Темур. Она томонидан ҳисобласак, машҳур Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойга ўн иккинчи авлод бўлмиш Юнусхоннинг неварасидир.

Бобурнинг насабидан баҳс қилар эканмиз, бу ерда она томони Юнусхон (1416–1487) ҳақида қуйидаги маълумотни ҳам келтириш жоиздир: Улуғбек Мирзо ҳарбий юришларининг бирида ҳижрий 832 (милодий 1428–1429) йили ёш мўғул хони Юнусхонни асир олган. Ўшанда 12–13 яшар Юнусхон ақли ва ўқишга қобилияти билан Улуғбекнинг диққатини тортади. Шу сабаб Шохрух Мирзо (1377–1447) буйруғи билан машҳур тарихчи олим ва шоир Шарафуддин Али Яздий унга устоз этиб тайинланган, акаси машҳур қипчоқ беклари авлодидан бўлган. Юнусхон шунчалик билимдонлик касб этиб тарбияланганки, мўғул хонлари ичида кейинчалик ҳам билимда ва ибодатда унга тенг келадигани чиқмаган. Устози Шарафуддин Али вафот этгач (1454), у кўп сафар қилиб, сўнгра Шерозда узоқ яшаб туриб қолганида ҳунармандлик билан шуғулланаркан, ҳурмат-эътибор топиб, «Уста Юнус» номини олган, ўша пайтда олимлар даврасида ҳам кўп бўлган. Абу Саид Мирзо Самарқанд тахтига ўтиргач, Юнусхонни чақиртириб олиб, унинг Мўғулистон хони Эсон Буғахон ўрнига тайинланишига ёрдамлашган.

Шу ўринда оммавий китобхонни назарда тутиб, алоҳида аниқлик киритадиган бир масала бор. Ўзбекистон тарихида «Мўғулистон», «мўғул хонлиги» каби атамалар остида ҳозирги Мўғулистон (Монголия) мамлакатидан фарқли ўлароқ, чигатой улуси парчаланиши натижасида XIV аср ўрталарида ташкил топган давлат тушунилади. Унга Қашқар, Еттисув ва Или воҳаси қараган. Шу ҳудудлардаги мўғул қабилаларнинг бир қисми кейинчалик Мовароуннаҳрга кўчиб келиб,

эгаллаган жойларидаги туркий қабилалар билан бир-галикда ўзларини мўғуллар ва мамлакатларини Мўғулистон деб атай бошлайдилар. Шу тариқа улар му-сулмончиликни қабул қилган ва туркий тилли улусга бишлашиб кетадилар.

Юнусхоннинг опасига уйланиб, Мўғулистоннинг янги хони билан яқин алоқа ўрнатишни мақсад қилган Абу Саид Мирзо шу тариқа қайин укаси билан янада кадрдонлашиб, ундан Фарғона, Шош ва Туркистон то-монларга ҳарбий юришлар қилмаслик ҳақида сўз ола-ди. Ўшанда Юнусхон Мўғулистоннинг энг ҳурматли бекларидан Сарғичи тумани ҳокими Шер Хожибек кизи бўлмиш Эсон Давлатбегимга уйланган. Унинг эътиборли фарзандлари шу хотинидан дунёга келган. Абу Саид Мирзо кейинча Юнусхон билан «қўш қуда» бўлишига сабаб (икки кизи унга келин тушган), би-ринчидан, сиёсий мулоҳазалар бўлса, иккинчидан, (буниси ҳам муҳим) Юнусхон мўғуллар орасида илм-га берилган энг ўқимишли киши бўлганидир. (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий», 108–109-бетлар) Юнусхон Тошкентда вафот қилди, қабри Шайх Хованд Тахур мазоридадур).

Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо эса, Соҳибқирон Амир Темур ўғли Мироншоҳга неvara бўлган Абу Саид Мирзонинг тўртинчи ўғли (яъни, Султон Аҳмад Мир-зо, Султон Муҳаммад Мирзо ва Абубакр Мирзоларнинг укаси). Демак, Бобур – отаси томонидан Мироншоҳ Мирзо авлодидандир. Мироншоҳ Мирзо эса, Амир Те-мурнинг учинчи ўғли (Умаршайх ва Жаҳонгир Мирзо-дан кичиги), яъни Шохрух Мирзонинг акаси эди. Абу Саид Мирзо яхши орзу-ният билан кичик ўғлига катта бобоси Амир Темурнинг иккинчи ўғли бўлмиш Умар-шайх Баҳодир исмини (1356–1394) қўйган эди. Ҳижрий 860 (мил.1456) йили Самарқандда туғилган Умаршайх Мирзо гўдаклигидаёқ Кобул ҳокими этиб тайинлана-ди. Кўп ўтмасдан, 1462 йили Умаршайх Мирзони Ко-булдан Самарқандга келтириб, суннатга ётқизадилар.

Шу муносабат билан ёш Мирзоларнинг Самарқандда шоҳона тўйи бўлиб ўтади. Афсуски, бу тўй маросимлари манбаларда тасвирланмаган. Ўтган асрда улуғ Соҳибқирон Амир Темур Фарғона мулкига Андижонни пойтахт қилиб, ўғли Умаршайх Баҳодирни ҳоким қилиб тайинлаган эди. Абу Саид Мирзо ҳам улуғ бобосига тақлид қилиб, ўша тўй ўтказилган 1462 йилиёқ Умаршайх Мирзони Фарғона мулкига тайинлайди ва Худойберди Туғчи Темуртош деган ишончли кишини унга бек атка тайинлаб бирга жўнатади¹.

Абу Саид Мирзо аввалига Фарғона мулкининг пойтахти қилиб кўҳна Аҳси шаҳрини танлаб, андак чекиниш қилган. Аммо кейинги текширишлар кечган тарихий воқеалар бу шаҳарнинг пойтахт қилиб танланиши аслида тасодифий бўлганини кўрсатмоқда. Тўғри, Аҳси қадимда Фарғонанинг бош шаҳри бўлган. Ҳарҳолда у мудофаа деворлари билан ўралган, атрофдан душман киришини мушкуллаштирадиган чуқурлик – хандақлар ҳам қазилган эди. Шунинг учун бўлса керак, Бобур ҳам «Фарғонада бунчалик берк кўргон йўқдур», деб ёзади. Шаҳар Сирдарёнинг шундоққина қирғоғида жойлашгани, бинобарин, хушҳаволиги ҳам, эҳтимол, Абу Саид Мирзо фикрини Аҳси томон бургандур.

Аммо шаҳар XV асргача бўлган даврда илгариги мавқеини аллақачон йўқотганига Абу Саид Мирзо эътибор бермаган. Қолаверса, шаҳарнинг бир қисмини Сирдарё ювиб кетган эди. Айни шу пайтдан бошлаб Андижон Фарғона мулкининг асосий шаҳрига айланиб қолади. Тарихий манбада ёзилишича, XIV асрнинг иккинчи ярмидаёқ Андижонга «Қуббатул ислом» деган мўътабар ном берилган. Фарғонага ҳоким тайинланганда, унинг номига хутба намози Андижон масжидида ўқилган. «Намозгоҳ» деб аталадиган катта

¹ Бек атка – ёш подшоҳларнинг тарбиячиси ва маслаҳатчиси. Алоҳида маънода «бек» – давлат идорасида ҳарбий вазифага тайинланган шахсга бериладиган унвон. «Атка» – «ота» ва «ака» калимасидан ташкил топиб, туркийда «буюк қадрлаш» маъносига ишлатилган. Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Вақоий». «Бобурнома»нинг туркчаси, 2-жилд. Анқара, 1989, 579, 590-бетлар).

масжид-мадраса қурилган эди. («Бобурнома»да сиёсий воқеалар муносабати билан ушбу масжид бир неча бор тилга олинади.) Шу сабабли бўлса керак, Соҳибқирон Амир Темур 1375–1376 йиллари Фарғона вилоятини ўғли Умаршайх Баҳодирга қолдирганидаёқ Андижонни пойтахт қилиб белгилаган. (Соҳибқироннинг ўзи ҳам Андижонга келган. Қаранг: Шарафиддин Али Яздий. «Зафарнома», Т., 1997, 80-бет). Шундан бошлаб барча сиёсий воқеалар Андижон атрофида рўй беради.

Бинобарин, яна таъкидламоқ лозимки, Абу Саид Мирзо томонидан Ахсининг Фарғона мулкига пойтахт қилиб белгиланиши тасодиқий ҳол бўлган, яъни шунчаки унинг қадимий мавқеига урғу бериб танланган эди. Қолаверса, Ахси Фарғонанинг шимол томонида Сирдарёнинг ўнг бетида бўлгани сабаб бу томонга тоғ ортидан мўғуллар тез-тез ҳужум қилиб туришарди. Ўшандай ҳужумларнинг бирида Ахсини мўғуллар босиб олади. Олима Сабоҳат Азимжонованинг ёзишича, бу воқеа 1468–1469 йиллари рўй берган. Шундан сўнг пойтахт Андижонга кўчирилган. Демак, Ахси бор-йўғи, 4–5 йил пойтахт бўлиб турган, холос. Шаҳар мўғуллардан қайтариб олинган эса-да, пойтахт қайтиб Ахсига кўчмаган, балки у подшоҳнинг ёзги қароргоҳи бўлиб қолган².

Бобур ҳам ёзганидек, Андижоннинг, Фарғона мулки марказида жойлашгани («Васатта вақе бўлибтур») ва Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш (Шаҳрисабз)дан сўнг учинчи катта шаҳар бўлгани эътиборга олинса, илгари мўғул хонлари, сўнгра Соҳибқирон ҳам Андижонни бекорга пойтахт шаҳарга айлантирмагани аён бўлади. Мўғулистон сарҳади шимолда Фарғона водийига чегарадош бўлгани сабабли мўғуллар, хусусан, ушбу водийга тез-тез ҳужум қилиб туришарди. (Айнан шундай ҳужумларнинг бирида Ахси вақтинча қўлдан кетган эди.)

Мовароуннаҳр тахтини эгаллаган Абу Саид Мирзо Юнусхоннинг Мўғулистон хони этиб тайинланиши-

² С. Азимжанова. К истории Ферганы второй половины XV века. Т., АН Уз. 1975, с. 20.

га ёрдам бергач, минтақада тинчликни таъминлаш мақсадида у билан янгидан қудачилик алоқаларини ўрнатган. Шу муносабат билан Юнусхон, Мирзо Ҳайдарнинг гувоҳлик беришича, шундай деган: «Султон Абу Саид Мирзо мўғуллар билан ўртадаги ғанимликни дўстлик билан алмаштирди, энди мен бу дўстликни қардошлик ишлари билан мустаҳкамлайман». Юнусхон бу қарорини тасдиқлаш учун Куръони каримнинг Нисо сурасидан қуйидаги оятни ўқиган:

«Сизларга биров тилак билан салом берса, сизлар унга яхшироқ салом берингиз, ҳеч бўлмаганда унга тенг жавоб қайтарингиз». Шу мақсадда катта қизи Меҳр Нигорхонимни Абу Саиднинг катта ўғли, яъни Умаршайх Мирзонинг акаси Султон Аҳмад Мирзога никоҳ қилади. Кейинроқ – 1476 йили Меҳр Нигорхонимнинг синглиси – Қутлуг Нигорхоним Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзога унаштирилади. (Юқорида қачонлардир Абу Саиднинг ўзи ҳам Юнусхоннинг описига уйланганини айтиб ўтдик.) Албатта, шоҳона тўйлар бўлгани муқаррар. Афсуски, манбаларда бу никоҳ тўйи қаерда ўтгани ҳам тилга олинмайди. Фикримизча, ушбу тўй, шубҳасиз, пойтахт Андижонда ўтган. Чунки ўшанда 20–21 ёшларда бўлган Умаршайх Мирзо ўша ерда эди.

Мўғулистон билан ўрнатилган бу қудачилик алоқалари Абу Саид Мирзо ҳамда Юнусхон дипломатиясимиди ёки подшоҳу хонлар ўртасидаги анъанавий удумлармиди, биз бу ҳақда фикр юритмаймиз. Гарчи улар ўртасидаги тинчлик нисбий бўлиб, мўғуллар ўз аҳдларини тез-тез бузиб турган эсаларда, ҳарҳолда Абу Саид Мирзо узоқни кўзлаб, яхши ният билан иш кўрган. Бу қуда-андалик муносабатларининг биз учун муҳими – бўлғуси Бобурга доир нуқтасидир. Биз мавзуимизга кўра кечган воқеаларнинг подшоҳликка, умуман, сиёсатга дахлдор жиҳатларини эмас, балки одамийлик, инсонийликка алоқадор томонларини, қудаларнинг орзу-умидларини назарда тутмоқдамиз.

Бобур таваллуди

Хонлар кайфиятининг нозик, инжиқ томони шунда эдики, Юнусхоннинг катта куёви, яъни Самарканд хукмдори Султон Аҳмад Мирзо Меҳр Нигорхонимдан ўғил фарзанд кўрмаётган эди. (Бир ўғил фарзанди чакалоқлигидаёқ нобуд бўлиб, фақат бешта қизи бор эди.) Тарихдан маълумки, ўз ҳаёти давомида бўлғуси тахт ворисини дунёга келтириб қолдириш барча подшоҳу хонларнинг эзгу орзуси бўлган. Тахт эса, азалий анъанага кўра, албатта, ўғил фарзандга қолади. Қизига она, куёвга қайнона сифатида бу орзу Юнусхоннинг хотини, онаизор Эсон Давлатбегимнинг қалб қатларида ҳам яширинган эди. Шунинг учун ўртанча қизи Қутлуғ Нигорхоним Абу Саиднинг тўртинчи ўғли Умаршайх Мирзога узатилгач, қайнона-қайнота ўғил неvara орзусида бутун умидию нигоҳини Фағонага – Андижонга қаратган эдилар. Шу сабабдан бўлса керак, куёв-қайнота ўртасида борди-келди алоқалари жуда мустаҳкам эди.

Тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг ёзишича, қайнота Юнусхон билан куёв Умаршайх ўртасида ота-болалардек самимий муносабатлар ўрнатилган. Куёв гоҳо Мўғулистонга таклиф қилиниб, меҳмонда ойлаб қолиб кетар эди. Худди шунингдек, қайнота ҳам Андижонга келганида, узоқроқ муддат қолиб «икки сув орасида» ов қилиш билан машғул бўларди. Фикримизча, бу дўстлик замирида ўзаро хурматдан ташқари подшоҳларга хос ўғил набира орзуси ҳам борлиги шубҳасиздир. Бунинг исботи яна шуки, ҳатто қайнона Эсон Давлатбегим пойтахт – Андижонга келиб туради. Куёви Умаршайх Мирзо шаҳар шимолидаги «Қўш тегирмон» мавзеида қайнонасига алоҳида чорбоғ қурдириб бергани тарихдан маълум.

Онахон ўғил неvara умидида кўпроқ шу ерда яшарди. У киши билан бирга келган икки мингга яқин мў-

гул навкари эса, ўз оилалари билан «Икки сув ораси» деб аталмиш кенг ўтлоқ мавзегга келиб ўрнашганди³.

Наманган вилоятининг Норин ва Учқўрғон туманига тобе бу ерларда ҳозирда ҳам «Катта мўғул» номли қишлоқ борлиги маълум. (Бу қишлоққа икки марта уюштирган махсус сафаримиз чоғида кўп одамлар билан суҳбатлашганмиз. Улар хотираларида катта оталарининг номларини ўша кўчиб келган мўғул уруғлари билан боғлайдилар. Булар ҳақида ишнинг илова қисмига қаралсин).

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Умаршайх Мирзонинг қайнотаси Юнусхон Фарғона мулки пойтахти – Андижонга, яъни Эсон Давлатбегим чорбоғига тез-тез келиб турар, деярли ҳар йили қишни Андижонда ўтказар эди: «Бобурнома»да ёзилганидек, «Икки сув ораси» чангалзор, ўрмонзор бўлгани сабаб ниҳоятда овбоп ерлар эди. Шу боис улар қишни ов билан ўтказишарди.

Биз 70–80-йиллари қилинган ишларимизда Захриддин Муҳаммад Бобурнинг Андижонда туғилганини таъкидлаб ва исботлаб берганмиз-у, лекин шаҳарнинг қайси гўшасида – Умаршайх Мирзо Арки ичидами, ёки чорбоғдами эканига эътибор қилмаганмиз. Зотан, илгари бундай савол қўйилмаган, муҳими – шаҳзоданинг Андижонда таваллуд топганини таъкидлаш эди. Мана энди бобуршунослик илми янада кенг қулоқ отиши муносабати билан бу масалага ҳам аниқ тўхталиш фурсати етди.

Эсон Давлатбегим набира умидида «Кўштегирмон»даги чорбоғида истиқомат қилар экан, бас, маълум бўладики, қизи Қутлуғ Нигорхоним ҳам бўлғуси Бобурга ҳомиладорлик ойларини ўша чорбоғда онаси ҳузурида ўтказган. Бинобарин, шу ерда кўз ёргани ҳам шубҳасиздир. Мантиқан қаралганда, ҳомиладор аёлга онасидан кўра меҳрибонроқ одам бўлмаслигидан

³ «Икки сув ораси» – ўрта аср манбаларида «Миёнрудон» номида ҳам келади. Бу мавзе Норин ва Қорадарё орасида бўлиб, шарқда Учқўрғон, ғарбда Мингбулоққа, яъни ушбу дарёлар қўшилган жойгача бўлган масофани камраб олган.

Қутлуғ Нигорхоним чорбоғда – онаси Эсон Давлатбегим кучоғида яшаган ва унинг ҳар кунги аҳволидан фақат ўша киши, баъзида унинг махсус канизаклари хабардор бўлиб турган. Ҳомиладорга енгил ҳазм бўладиган таомлар – парранда гўштию турли мевалар, умуман, барча озиқ-овқатлар мўғул бахши (табиб) аёл тавсиясига биноан Эсон Давлатбегим буйруғи билан муҳайё қилинар эди.

Ниҳоят, қайнота Юнусхоннинг ва қайнона Эсон Давлатбегимнинг ҳамда куёв-қайлиқ Умаршайх Мирзо ва Қутлуғ Нигорхонимларнинг Оллоҳдан кутган орзу-умидлари рўёбга чиқадиган кун яқинлашиб келди. Ҳижрий 888 йил муҳаррам ойининг бошларидан Қутлуғ Нигорхоним кайфиятида сўз билан ифодалаб бўлмайдиган, ҳомиладорларга хос қандайдир ўзгаришлар содир бўла бошлади. Қоринда гоҳо оғриққа ўхшаш, кўнглини беҳузур қиладиган ҳолат юз беради. Бир куни кечки овқат ботмади. Табиб аёл рад қилдириб ташлатди. Аччиқтош едирдилар, кейинги кунлари бундай ҳолат яна қайтарилиб турди.

Муҳаррам ойининг бешинчи куни қаттиқ оғриқ бошланди. Эсон Давлатбегим дарҳол табиб – бахши мўғул кампирни чақиртирди. Табиб Қутлуғ Нигорхонимнинг томирларини ушлаб кўриб, қандайдир дори берди, оғриқ бир оз юмшагандек бўлди. Аммо бу вақтинчалик енгиллик бўлди: янги фарзанд таваллудининг соатлари тобора яқинлашаётган эди. Она-бола хобхонада ёлғиз қолдилар. Ҳа, тўлғоқ бошланмоқда...

Гарчи киш фаслининг сўнгги ойи бўлса ҳам, ҳаво қаттиқ совуқ. Қутлуғ Нигорхоним ётган уй ўчоғида доим ўт ёниб турибди. Ниҳоят, муҳаррам ойининг олтинчи куни (мил. 1483 йил 14 феврал) тонг саҳарда чорбоғдан чинқириб йиғлаётган чақалоқ овози эшитилди. Қутлуғ Нигорхоним кўзи ёриди, қарасалар, ўғил экан. Ҳа, ўғил фарзанд дунёга келди! Қутлуғ Нигорхонимнинг кўзларида севинч ёши. Чақалоқни дар-

хол йўргакладилар. Сўнгра Куръони каримнинг қайсидир бир сурасидан воқеага тегишли бир оятни ёддан ўқиб, ажойиб кайфиятда юзига ғотиҳа тортди ва севинч ёшларини рўмолининг учи билан артиб, чой хўплади. Сўнгра савдар (хос хизматкор) аёлни чакириб, тезда озрок жўжа шўрваси тайёрлашни буюрди ва меҳмонхоналардан жой ҳозирлаш учун яна бир хизматчини чакиртирди – ҳадемай барча барият муборакбод этиш учун келиб қолади.

Чақалоқ туғилгач, махсус қуролли мўғул навкарлари Қутлуғ Нигорхоним ётган уй атрофида қўриқчилик қилишди: удумга кўра, чақалоқ ва онасини гўё «алвасти зиёнидан қўриқлаш» учун қандайдир тутатқи ёндирилиб, мўғулча одатлар ҳам ижро этилди. Махсус тайинланганлардан бошқа ёт аёллар киритилмади. Хона ўчоғида ўт ўчмасди. Бошқалар ҳам манқалдоққа ёқилган оловда кечаю кундуз исиниб туришди.

Куръони каримнинг Аҳқоф сурасида, жумладан, бундай дейилибди: «Инсонни... онаси унга қийналиб, ҳомиладор бўлди ва уни қийналиб туғди ва унинг ҳомиласи ва кўкракдан ажратиши ўттиз ойдир». Қутлуғ Нигорхоним Оллоҳнинг муборак каломида изҳор қилинган машаққатли дарднинг дастлабки ойларини эсон-омон ўтказди. Энди мурғак чақалоқ тарбиясининг ҳам севинчли, ҳам масъулиятли дастлабки кунлари бошланади.

Афсуски, тоат-ибодатли мўғул хони Юнусхон билан қардошлик ўрнатган катта ота Абу Саид Мирзо ўн тўрт йил илгари (1469) у дунёга рихлат қилган. Энди бу суюнчилик қувончли хабарни она томонидан катта ота Юнусхонга – Мўғулистонга етказиш керак. Қутлуғ Нигорхоним кўз ёрган куни нонушта чоғидаёқ хушхабар билан хон отага чопар кетди. Юнусхон учун ҳам бу чақалоқ ниҳоятда мўътабар, чунки узатган уч қизидан кўрган биринчи ўғил неварга эди-да! (Иккинчи ўғил неварга олти йил ўтгач, кичик қизи Хўб Нигорхонимдан туғилди. Бу – Бобурга холавачча бўлмиш Хайдар

мирзо эди). Бир вақтнинг ўзида севинчли хабар билан Самарқандга – Умаршайх Мирзонинг пири «Ҳазрати Эшон» Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга ҳам чопар юборилди. У зотга янги меҳмонга исм қўйиб беришни сўраб махсус нома ҳам ёзилди. Хожа Аҳрор Валий (ўшанда 79 ёшда эдилар) Мовароуннаҳр подшоҳи, ҳазратнинг собиқ валийнеъматини бўлмиш марҳум Абу Саид Мирзо даъвати билан Самарқандга келиб туриб қолди. Унинг фарзандлари тарбиясида Хожа маънавий устозлик қилди. Шу сабабдан ниҳоят Аллоҳ Умаршайх Мирзога ўғил фарзанд ато қилганидан пири ҳам ғоятда хурсанд бўлиши табиий эди.

Чақалоқ дунёга келганининг эртасиданоқ Эсон Давлатбегим чорбоғига Умаршайх Мирзонинг бекларию амирлари, қўшни шаҳар ҳокимлари тўп-тўп бўлиб муборакбод қилиш учун кела бошлашди. Умаршайх Мирзо қайнотанинг келишини кутмасданоқ, икки ҳафта ўтгач, шукроналик зиёфати берди, ҳадя-эҳсонлар таркатди. Бу орада Мавлоно Мунир Марғилоний исмли олим шоир чақалоқ таваллуд кунига атаб форсийда ушбу тарих-шеърни ёзиб келибди: «Чун дар шаши муҳаррам зод он шаҳи мукаррам, Тарихи мавлудаш ҳам омад «шаши муҳаррам».

(Мазмуни: Бу шоҳи мукаррам муҳаррам ойининг олтинчисига туғилгани боис, таваллуд тарихи ҳам «Шаши муҳаррам» бўлди)⁴.

Шарқ мумтоз шеърини қондасига кўра, «Шаши муҳаррам» калимасидаги арабча ҳарфларнинг арифметик йиғиндиси «абжад» ҳисобида ҳижрий 888 (мил. 1484) йил чиқади.

Табриққа келган аркони давлат учун, албатта, шоҳона дастурхон ёзилган бўлади. Умаршайх Мирзонинг табиати чоғ, кайфияти ниҳоятда кўтаринки ҳолда – у ўғил фарзанд кўрди. Барча шаҳарлардан ул зотга содиқ сардорлар – доруғалар (шаҳар ҳокимлари), йирик қишлоқ катхудо (оқсоқол)лари ҳукмдорларини ян-

⁴ Доктор Халилуллоҳ Халилий. Оромгоҳи Бобур (форс тилида). Қобул, 2007, 8-бет.

ги фарзанд билан муборакбод қилишга ошиқадилар. Меҳмонларнинг кети узилмайди.

Катта она – оқила аёл Эсон Давлатбегим тилаб-ти-лаб олган янги набирасини йўргаклар экан, кучоғига босади, кўркам, келишган йигит бўлиб ўсишини, маш-хур, буюк инсон, жаҳонгир подшоҳ бўлиб етишмоғини Яратган Эгамдан илтижолар қилади, ҳар намозида узоқ-узоқ дуолар ўқийди. Чакалоқ онаси кўксидан 40 кун сут эмгач, подшоҳлар хонадонининг удумига кў-ра, махсус энагага эмизишга бердилар.

Қалби қувончга тўлган Умаршайх Мирзо меҳмон-ларни олийҳимматлик билан қабул қилиб, тавозе би-лан кузатиб қўймоқда. Улар янги чакалоққа яхши ни-ятлар билдириб, дуолар қилишяпти.

Фарғона тахтининг меросхўри бўлмиш ўғил фар-занд дунёга келгани сабаб отанинг юраги қувончга тў-либ-тошарди. Чунки Умаршайх Мирзонинг икки қи-зидан кейин кўрган тўнғич ўғли эди-да!

Ҳозирча нимжон она Қутлуғ Нигорхоним ҳам тез-тез дам олиб, аёл меҳмонлар – пошшалар, ойимларни қабул қилар ва кузатар, чарчаганида бир оз дам олар-ди. Чорбогдан кечгача меҳмон узилмасди.

Юқорида Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарига суяниб, Ҳазрати Эшон – Хожа Аҳрор Валийдан чакалоққа исм қўйиб беришларини сўраб чопар кетга-нини айтган эдик. «Улар (яъни Умаршайх Мирзо хона-дони) Ҳазрати Эшондан чакалоққа исм қўйиб бери-шини сўрадилар», деб ёзади муаррих. Ҳазрати Эшон «Захириддин Муҳаммад», деб исм қўйиб беради»⁵.

Лекин бунинг учун Хожа Аҳрор ҳазратлари Анди-жонга махсус келганми ёки Фарғона тахтининг кела-жакдаги вориси бўлиб етишувини валийларга хос башорат қилиб, исмни ёзиб юборганми? Бу савол ҳо-зиргача муаммо бўлиб қолмоқда.

Эсон Давлатбегим чорбоғини излаб тўплаган хо-тира маълумотларимизда Хожа Аҳрор Андижонга

⁵ Муҳаммад Ҳайдар. «Тарихи Рашидий», 212-бет.

келгани ҳақида хабар бор. Иккинчи томондан, Бобур туғилганда саксонга кираётган у зот қартайиб қолгани сабаб келолмаган ва исмни номада ёзиб юборган бўлиши эҳтимол. Нима бўлганда ҳам, чақалоққа Заҳириддин Муҳаммад деган гўзал исмни Умаршайх Мирзонинг пири бўлмиш Хожа Аҳрор Валий қўйиб бергани аниқ⁶.

Бу орада хушхабар билан жўнаган элчи Мўғулистонга – катта ота Юнусхон ҳузурига етиб боради, хон ҳам бошқача хуш кайфиятда дарҳол Андижон томон сафар тараддудини кўради. Тахминан бирор ой ўтгач, (балким, ўша муҳаррам ойининг охиридами) Юнусхон мўғулча туғлар кўтарган хос кўриқчилари ҳамроҳлигида карнай-сурнайлар садоси остида янги набирага аталган хонларга хос суюнчи-туҳфалар ортилган туя карвонини бошлаб Андижонга – аҳлияси Эсон Давлатбегим чорбоғига шаҳарнинг шимолий дарвозаси орқали тантана билан кириб келади. Катта она 60 ёшни қоралаб қолган бўлса ҳам, тетик, салобатли аёл эди. Ҳамон дармонсиз ётган қизи атрофида парвона, ўғил набирага жонини ҳам беришга тайёр. Шундай бўлсада, ёш она гарчи уй тўрида пар ёстикқа суянган ҳолда аёл меҳмонларни хайр-хуш қилиб кузатиб ўтирган бўлса ҳам, кечга бориб толиқиб, чарчаб қолар эди.

Мана чол-кампир – Юнусхон ва Эсон Давлатбегим хос хобхонада ётган қизи Қутлуғ Нигорхоним ҳузуридалар. Энагадан чақалоқни келтирдилар. Юнусхон йўрғакланган «янги меҳмон» – тўнғич ўғил набирасини қўлига олиб эркалатгач, пешонасидан ўпаркан, кўзларидан оққан севинч ёшларини дастрўмоли билан артди-да, ўзича дуо қилиб, юзига фотиҳа тортди.

Мирзо Ҳайдар юқорида тилга олинган мўътабар асарида чақалоқ исмига қандай қилиб «Бобур» номи қўшилиб қолгани сабабига ҳам тўхталиб ўтади. Қисқача баён қилинган сабаб қуйидагича:

⁶ Заҳириддин – арабча «заҳир» сўзидан олинган, «диннинг ҳамкори, унинг ривожига кўмак берувчи» маъносини беради.

Биринчидан, гарчи аллақачон Ислом динини қабул қилиб, мусулмон халқ бўлган мўғуллар бир қадар қўпол саҳройи табиати боис китобий-арабий номлар талаффузига қийналар эдилар. Шу сабаб уларга «Заҳириддин Муҳаммад» исмини айтиш оғирлик қиларди.

Иккинчидан, гарчи чақалоқ ҳали кичик – бир-бир ярим ойлик бўлса ҳам, анча «диркиллаган», катта ота-она кўзига сергак кўринган кўзлари порпираб, ўзгача жонли ёниб турар эди.

Бобоси ва у билан бирга Мўғулистондан келган меҳмонлар чақалоқни бир-бир қўлга олиб, ниҳоятда завқланишди. Юнусхон эса шу завқ таъсирида Заҳириддинни «йўлбарсим», «шерим» деган маънода «Бабр-бабр» деб эркалатган. Юқорида тилга олинган афғон олими Халилий ҳам биз иқтибос келтирган асарида «Заҳириддин» исми мўғуллар учун талаффузда андак қийин бўлгани боис оддийроқ қилиб «Бабр» деб атаганларини таъкидлайди. Мана шу сабабларга кўра, бўлғуси шаҳзода номи «Заҳириддин Муҳаммад Бобир» деб, кейинчалик «Бобур» деб ёзиладиган бўлди⁷.

«Беш-олти кундин сўнг Чорбоққа чиқиб, Хумоюн валодатининг тўйи бўлди. Бек ва бегот, улуғ-кичик сочик (яъни, совға) келтирдилар, қалин оқ танга тўкулди (яъни, жуда кўп кумуш тангалар тўпланди), ондин бурун онча қалин оқ ёрмоқни бир ерда кўрилмайдур эди, хейли яхши тўй бўлди»⁸. Фарзандларга бағишланган шоҳона тўй маросимлари ҳақида бошқа Шарқ манбаларида ҳам кўплаб маълумотлар учрайди.

⁷ Бобир – арабчадаги «бабр» – йўлбарс сўзидан, араб тили изоҳли луғатида (Ал-Мунжид, Байрут, 26-нашри) «Бабр» – қорни оқ, усти қора йўл-йўл чипор йўлбарс деб берилган. Йиллар ўтиши билан бизда «Бобир» – деб талаффуз қилинадиган бўлди. Афтидан, бу арабча «Собир» («Сабр»дан). «Носир» («Наср»дан) номларига мослашиб кетган. Филология фанлари номзоди Ф.Исҳоков ҳам «Бобир» аталишининг тўғрилигини исботлаб берган. (Қаранг: Ф.Исҳоков. «Бобур»ми ё «Бобир»ми? Шоир таваллудининг 520 йиллигига бағишланган илмий анжуман материаллари. Андижон, 1993 йил, 21-бет. Шунингдек, С.Жалиловнинг «Фарғона давлати» китоби. Тошкент, «Фан», 1995. 10–11-бет.) Бироқ шоирнинг 500 йиллик юбилейи арафасида эълон қилинган бир мақола тазйиқи билан ушбу ном форс-тожик тилидаги «Бобур» шаклида ёзиладиган бўлиб қолди. Фикримизча, «Бобир»га қайтишимиз лозим.

⁸ Бобурнома. Т., «Шарқ», 160-бет.

Бинобарин, Бобур Мирзо туғилганда ҳам, юқорида таъкидланганидек, чексиз хурсандчиликлар, меҳмондорчиликлар бўлган. Гарчи «Бобурнома»да тилга олинмаса ҳам, Бобур Мирзога ҳам шоҳона дабдабали суннат тўйи маросимлари ўтказилгани, чақалоққа атаб хайр-эҳсонлар тарқатилганини фақат тасаввур қилиш мумкин. Ушбу тўй ҳам албатта, Андижонда – Эсон Давлатбегим чорбоғида ўтган деб бемалол хулоса қилса бўлади. Аммо ушбу тўй шаҳзода Бобурнинг неча ёшида ўтказилгани, умуман, тўй маросимига алоқадор тадбирлар ҳақида ҳам фақат тахмин қилишга тўғри келади. Модомики у тахт вориси ва Умаршайх Мирзонинг биринчи ўғил фарзанди экан, тўй ҳам эртароқ – унинг бир ярим-икки яшарлигидаёқ ўтган бўлиши керак, деб хулоса қилишга асос бор.

Шундай қилиб, бўлғуси шаҳзода, эндиликда номи бутун жаҳонга машҳур Заҳириддин Муҳаммад Бобур Андижонда – катта онаси Эсон Давлатбегим чорбоғида хижрий 888 йил муҳаррам ойининг олтинчи (яъни, 1483 йил 14 феврал) куни тонг отар чоғда ёруғ дунёга келди. Ўша кунлари ва кейинча ҳам катта она чорбоғи ўғил набирани қутлаш учун ҳар тарафдан ташриф буюрган олий мартабали меҳмонлар билан ойлаб обод бўлгани тайин.

Шундай экан, савол туғилади: Қани ўша Эсон Давлатбегимнинг Бобур таваллуд топган чорбоғи? Ундан қандайдир из қолганми?

Афсуски, асрлар шамоли, юз берган зилзилалар оқибатида Умаршайх Мирзою Бобир давридаги машҳур Андижон арки, «Бобурнома»да тилга олинган «Намозгоҳ» номли масжид-мадраса ва бошқа йирик иншоотлар қатори «Кўш тегирмон»даги ўша чорбоғ ҳам омон қолмади.

Чорбоғ ҳақида

«Бобурнома»да ўқиймиз: «Улуғ хон кўриқнинг ёнида менинг улуғ онам Эсон Давлатбегимнинг боғигаким, Кўш тегирмонга мавсумдир, тушди. Икки кундин сўнг Ўшдин келдим, Улуғ хонни Кўштегирмонда, яъни чорбоғда-муаллифлар кўрдим»⁹.

Гоҳо чорбоғ деб ҳам тилга олинади. Аввало, «чорбоғ» тушунчаси ҳақида: умуман, бугунги ўқувчи чорбоғ деганда нимани тушунади? Шарқ мамлакатларида атрофи девор билан ўраб олинган кўшк, айвон ва бошқа бинолар билан маълум тартиб асосида барпо қилинган катта боғ тушунилади. Бундай чорбоғ қуриш тажрибаси Шарқнинг иқлим шароити билан боғлиқ бўлиб, ҳоким ёки подшоҳ оиласининг баҳор ойларидан ушбу боққа кўчиб чиқиб, бутун ёзни шу ерда ўтказиши одат бўлган. Бундай боғлар шаҳар четида, кўпинча оқар сув бўйларида қурилган. Боғнинг қўрғон девори атрофларига соя берувчи турли дарахтлар экилган бўлади. Ундан сўнг тартиби билан ҳар хил мевали дарахтлар ва турфа гуллар экилади. «Қурилган бинолар аксари икки қаватли, айвонли. Ўртада атрофини айвонлар ўраб олган чордара хона бўлиб, иккинчи қаватга бино буржларидаги зиналар орқали чиқилади». (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. Тошкент, 2004, 644–645-бетлар).

Ушбу иқтибосдан маълум бўлмоқдаки, бундай шохона чорбоғлар қуриш Шарқ меъморчилик анъанасининг ажралмас қисми ҳисобланган. Бу анъана темурийлар ва бобурийлар даврида, айниқса, раванк топган. Масалан, Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанд атрофида бино қилинган 14 та боғи ҳам аслида чорбоғлар эди. Улар Амир Темур оиласи ва сарой аҳлининг баҳор-ёз ойларида кўчиб чиқиб, истироҳат қилишига мўлжалланган. Шунингдек, Бобур ва бобурийлар ҳам

⁹ «Бобурнома» – янги нашри, 93-бет.

Афғонистон ва Ҳиндистонда кўплаб чорбоғлар яратгани тарихдан маълум.

Чунончи, Кобулда ўрнашиб олгач, Бобур севган машғулоти – турли боғлар яратиш билан шуғулланган. Ҳинд олими М.Рандхаванинг инглизчадан рус тилига таржима қилинган «Сады через века» асарида келтирилишича, (М.,1981), Бобур Афғонистонда эканида қуйидаги номларда ўнта боғ қурдирган: 1. Боғи Шаҳри оро. 2. Чорбоғ. 3. Боғи жиловхона. 4. Ўрта боғ. 5. Сурат боғ. 6. Боғи Моҳитоб. 7. Боғи Оҳухона. 8. Боғи Вафо. 9. Боғи Наврўзий. 10. Боғи Беҳиштий. Яна бир манбада келтирилишича, айрим шаҳарларда «Бўстон-сарой» боғи, «Боғи нур», «Боғи Хилват» каби ажойиб ва бетакрор чорбоғлар бунёд этилган.

Бобур Ҳиндистонни эгаллаганидан сўнг ҳам, дарҳол Агра шаҳрида боғлар яратишга киришди. Шулардан бири «Боғи гули Афшан», «Боғи Ором» (Жамна дарёси бўйига жойлашган бўлиб, Бобур вафот қилганда дастлаб вақтинча ушбу боққа дафн этилган эди. Боғ ўрни «Ром боғ» номи билан ҳозир ҳам зиёратгоҳ жойдир. (Биз 1993 йили халқаро илмий экспедиция чоғида шу боғда бўлганмиз.)

Боғ яратиш одати кейинчалик бобурийларга ҳам юккан. Ҳумоюн, Акбаршоҳ, улардан кейинги бобурий шоҳлар ҳам кўплаб чорбоғлар бунёд қилгани ҳақида маълумотлар бор.

Кейинча чорбоғлар яратиш тартиби бир оз ўзгариб кетди. XIX асрда Бухорода қурилган «Ситораи моҳи хоса», Андижоннинг Ойим қишлоғида барпо этилган «Моҳлар Ойим» чорбоғи энг сўнгги шундай қурилишлардандир.

Андижон шимолида «Кўштегирмон» мавзеидаги Эсон Давлатбегим чорбоғи ҳам ўша анъанавий қурилишлар қаторида туради. Кечган воқеалар тафсилоти Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо бунёд эттирган ушбу чорбоғ у зот Юнусхонга куёв бўлгач, яъни 1470 йиллари қурилганини кўрсатади. (Ардоқли ёзувчимиз

Пиримқул Қодиров «Бобур» романида чорбоғ биноларини Хиротдан келган меъмор Фазлиддин қурган, деб ёзади.) Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 1958 йил апрел ойида ўтказилган 475 йиллик юбилей издиҳоми¹⁰ муносабати билан бошланган илмий изланишларда юз берган бир қатор зилзилаларда вайрон бўлиб кетган шаҳар арки деворларию ўша чорбоғ ўрнини излаш, аниқлаш ва ўрганиш ҳам алоҳида мавзу сифатида белгиланган эди. Андижоннинг Умаршайх Мирзо ва Бобур Мирзолар давридаги ҳолати, унинг арки ва мудоффа деворлари, шунингдек, суғориш тармоқлари алоҳида ўрганилиб, ёритилган. (Қаралсин: С.Жалилов. «Бобур ва Андижон». Т., «Ўзбекистон», 1993.) Бирок Эсон Давлатбегим чорбоғи ҳақидаги изланишларимиз айрим сабаблар билан чала қолиб кетган эди.

Чорбоғ ҳақида «Бобурнома»нинг бор йўғи-икки жойида келтирилган қисқа сатрли хабардан бошқа бирон манбада маълумот учратмадик. 1970 йиллардан бошланган қидирув ишларимиз, кексалар билан ўтказилган суҳбатлар, кейинча шу атрофда пайдо бўлган маҳалла ва ҳовлилар оралаб юриб текширишларимиз давомида оз бўлса ҳам, муайян маълумотларга эга бўлдик. Айрим эски бино қолдиқлари ва баъзи қадимий қабр-мозорлар, кўҳна ариқ излари, шунингдек, топонимик маълумотлар синчковлик билан ўрганилгач, чорбоғ Андижон шаҳрининг шимоли-ғарб томонидаги бугунги «Қўшариқ»нинг ғарброғида жойлашгани аниқланди.

Бироқ ҳаётий сабабларга кўра, изланишларимиз танаффуслар билан бир неча йилга чўзилиб кетди. Кейинги текширишларимиз давомида аниқландики, бугунги «Қўшариқ»нинг «Хўжа маҳалла» деб аталадиган мавзеи ва унинг этак қисмидаги эски «Хўжалар қабристони» ҳам ўша Бобур давридан қолган. Бу атроф «Бобурнома»да «Қўштегирмон» номи билан аталган.

¹⁰ «Бобурнома», 35-бет.

Демак, номидан маълум бўляптики, бу ерда иккита тегирмон ва уни юргизиб турган ариқлар бўлган. Кейинча бу жой «Қўшарик» деб атала бошлагани Андижоннинг ўрта асрлардаги сув таъминоти тарихи билан ҳам боғлиқдир. (Ушбу масала, яъни водий ирригацияси тарихи устоз Яхё Ғуломов раҳбарлигида ўрганилиб, Андижон атрофи ерларини ўзлаштириш ва суғориш муаммоси алоҳида тадқиқ қилинган.)

Андижон атрофи, жумладан, «Қўштегирмон» («Қўшарик») даҳасининг сув таъминоти тарихи қуйидагича: қадимдан Андижон ва унинг қишлоқлари жануб томондан, яъни Туркистон тизмасидан бошланиб, Ўшни оралаб оқиб келадиган Оқбўра дарёси суви билан таъминланган. Шунинг учун бўлса керак, «Бобурнома»да ушбу дарё «Андижон руди» деб тилга олинади. «Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи билан ўтиб Андижонга борур», деб ёзади Бобур.

1960 йиллари академик Яхё Ғуломов бошчилигида олиб борилган Фарғона водийи ирригацияси тарихига доир текширишларимизда Оқбўра, яъни «Андижон руди»нинг Ўшдан оқиб ўтиб, Андижон шарқиғача оқиб келган излари аниқланган эди. Андижоннинг шарқи жанубидаги собиқ «Пахтакор» ширкат хўжалиги ерларини оралаб ўтган ушбу дарё ўзани ҳозиргача сақланиб қолган. Эски ўзан ўрнида ер ости суви тўпланиб оқади ва Андижон – Қўрғонтепа катта йўлини кесиб ўтиб, бугунги Андижонсой рудхона (пойма)сига бориб қўшилади. Ушбу ўзан халқ хотирасида «Қолган дарё» бўлиб сақланган.

Қисқа сатрларда бўлса ҳам, ўқувчиларга тушунтириб ўтмоқ лозимки, қадимда Андижон ва унинг атрофи ўша «Андижон руди», яъни Оқбўра дарёси суви билан таъминланган. Дарё Андижоннинг шарқ томонидан айланиб оққан ва давоми бугунги Андижонсой ўрнидан, ҳозирги Оқёр қишлоғи («Қўшарик» этаги) орқали Қорадарёга қўшилиб кетган. Юқорида айтилганидек, Андижон шаҳри ва унинг атрофидаги барча

ерлар XVIII аср охиригача ўша Оқбўра дарёсидан сув ичган.

(Шайбонийлар давридан бошлаб кўчманчиларнинг ўтроқлашуви тезлашиб, суғорма деҳқончилик миқёси кенгайиб борди, кўплаб ерлар ўзлаштирилди. Бора-бора Оқбўра суви етишмасдан, XVIII аср иккинчи ярмидан бошлаб аста-секин бугунги Андижонсой анҳори ишга тушиб, Кампирровот тўғони орқали Қорадарёдан сув олинган.)

Фарғона водийи жануби-шарқий томонларининг суғориш тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳозирги баҳсимиз мавзуи бўлмиш Эсон Давлатбегимнинг чорбоғи ҳам ана шу Оқбўра дарёси, яъни, Бобур тили билан айтганда, «Андижон руди»дан чиқарилган ариқлар орқали сув билан таъминланган. Ушбу ариқлар устига ўрта аср иқтисодий ҳаётининг муҳим омиллардан бўлган тегирмонлар қурилган. Шу боис ҳам бу мавзе тарихда, «Бобурнома»да ёзилганидек, «Кўштегирмон» номи билан аталиб келган. Текширишларимиз натижаси, қариялар билан олиб борилган суҳбатларда тўпланган этнографик маълумотлар шуни кўрсатадики, ушбу мавзе йиллар ўтиши билан «Кўшариқ» деб атала бошлаган ва бизнинг давримизгача ушбу ном сақланиб қоляпти.

Юқорида айтилганидек, Эсон Давлатбегим чорбоғи ҳақида «Бобурнома»дан бошқа тарихий манбаларда маълумот учрамагани сабаб ушбу мавзу узок йиллар очик қолди. Ниҳоят, XX аср 80-йилларидан, яъни Бобур таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан текширишларимиз яна жонланди.

Манбаларда маълумот бўлмагач, этнографлар тажрибасидан фойдаланиш, яъни ҳаёт тажрибасига эга инсонлар хотира-ёдномаларини тўплаш йўли билан иш бошладик. (Этнография фанида халқимизнинг ўтмишидаги урф-одатлари, маънавий маданияти, маросим ва анъаналарини чуқур илмий ўрганишнинг ягона усули – суҳбатлар орқали хотира тўплаш ҳисоб-

ланади.) «Қўшариқ» даҳасига юриш қилиб, қарияларга, оқсоқолларга мақсадимизни тушунтириб, бу ерга кўп қатнадик.

Сухбатларимиздан, айниқса, Мухтор қори Тожибоев ва Абуллахон Камоловлар билан бўлганлари анча мазмунли ва айнан мақсадимиз атрофида ўтди. Мухтор қори акамиз 80-ёшдан ўтган, эътиқоди мустаҳкам, шу билан бирга назм таъбли ва маҳаллий тарихимиздан ҳам маълумоти бор зукко табиатли инсон экани маълум бўлди. Биринчи учрашгандаёқ сухбат мавзуини «Қўшариқ»қа бурдик.

У кишининг эслашича, унинг болалик йилларида, яъни XIX аср охирларида «Қўшариқ» қишлоғида кичрайиброқ қолган қадимий иккита ариқдан сув оқар ва бирида «бир тошли» тегирмон ишлаб турар эди. Қадимий катта тегирмону абжувозлар аллақачонлар бузилиб кетган. Аммо кейинги йиллар, яъни бизнинг давримизда бу мавзенинг сув таъминоти бошқа ирригация тармоқлари асосига ўзгариб, илгариги қўшариқларга эҳтиёж қолмади. Кейинги йилларда тўрт қаватли янги турар жой иморатлари қурилиб, «Қўшариқ» даҳасининг кўпчилик қисми шаҳарга қўшилиб кетди. Эндиликда шу қадимий ариқлардан бири кичиккина ҳолда сақланиб қолган, иккинчиси устида иморатлар қурилиб кетган.

Мадраса таълимини олиб, анчагина исломий билимга эга бўлган Мухтор қори акамиз уйига қатнаб, бу мавзуда бир неча марта сухбатлашдик, Бобур даврини эладик, ўтган бошқа улуғларни ёдга олдик. Қори акамиз кўп китоб ўқиган ёддош одам эдилар. (1980 йиллар охирида 86 ёшда вафот қилдилар. Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин.)

Қори акамизнинг айтишича, қадимий қишлоқ ҳисобланган «Қўшариқ»нинг «Хўжа маҳалла»сида XX аср бошида эл орасида катта ҳурматга эга Нажмиддин Эшондада деган зот ўтган. Ўша пайтда ёш муллавачча бўлган Мухтор қори ёдида Эшондаданинг: «Бу атрофда илгари хонлар чорбоғи бўлган, қўш тегирмон, абжу-

возлар юриб турарди», деган гаплари мухрланиб қолган. Қори акамиз эшитганлари, билганларини батафсил ёзиб қўймаганидан афсусланди. (Манбаларда тилга олинмаган айрим воқеалар тарихий жойларни ўрганиш, айрим муҳим шахслар ҳақида маълумотлар тўплаш, аниқ тасаввур пайдо қилиш ва уларнинг халқимиз, юртимиз тарихидаги ўрнини белгилаб бериш, уларга асосланиб илмий хулоса чиқариш тадқиқотчига анча қийинчилик туғдиради. Шунинг учунмикан, айрим олимларимиз ўтмишни ўрганишда манбаларда эслатилмаган мавзу-воқеаларни кўпинча четлаб ўтадилар). Ҳозир бизни қизиқтираётган ва айнан Эсон Давлатбегим чорбоғи билан боғлиқ муаммолар «Бобурнома»да ҳам, Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида ҳам тилга олинмагани (бошқа манбаларни-ку қўяверинг) ёки унча эътибор қилинмасдан, бир жумладагина эслаб ўтилгани, албатта, тадқиқотчига қийинчилик туғдиради. Ваҳоланки, Андижон тарихида кечган воқеалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Эсон Давлатбегим чорбоғи ва катта онанинг ўзи ҳам Умаршайх Мирзо ва Бобурнинг давлат фаолиятида сезиларли ўрин эгаллаган. Бу тарихий ҳақиқатга бир мисол: Бобур катта онаси ҳақида шундай деб ёзади: «Хотунлар орасида раъй ва тадбирда менинг улуғ онам Эсон Давлатбегимча кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш-куч аларнинг машварати била бўлур эди»¹¹.

Хўш, Бобур бу билан нима демоқчи? Шахзода Бобурнинг давлат сиёсатида бу оқила кампирнинг нуфузи ва сиёсий машваратлар ўтган чорбоғи ҳақида гап кетмаяптимики? Набиранинг қисқагина бу икки жумласи Фарғона давлати ҳаётига доир йиғилишлар айнан чорбоғда ўтганига ва муҳим сиёсий масалалар асосан шу ерда ҳал қилинганига ишорадир. Умуман, «Бобурнома» таҳлилидан шундай хулоса қиламизки, уни ўқишда шошилмаслик, ҳар бир жумла, мавзуга жиддий эътибор қаратмоқ матлубдир. Зеро, эндилик-

¹¹ «Бобурнома», 14-бет.

да тадқиқотларда муҳим аҳамият берилаётган айрим воқеа-ҳодисалар «Бобурнома»да кўпинча бир сатрда, баъзан йўл-йўлакай тилга олиб ўтилган, холос. Демак, хоҳ Умаршайх Мирзо, хоҳ кейинча ёш Бобур Мирзо бошчилигидаги давлатга дахлдор амирлар, беклар муҳим сиёсий масалалар муҳокамасида чорбоққа тўпланишган ва бундай машваратларда, албатта, Эсон Давлатбегим иштирок қилган, унинг оқилона маслаҳатларига барча қулоқ солган.

Бобур Мирзонинг катта онасига берган таърифидан фақат шундай хулоса қилиш мумкин. Бас, шундай экан, Умаршайх Мирзонинг ҳам, Бобурнинг ҳам кундалик ҳаётида, давлат ишларида чорбоғнинг тутган ўрни ва аҳамияти ўз-ўзидан маълум бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу чорбоғ ҳақида хотира тўплаш ишимизнинг муҳим қисмини ташкил қилди.

Эсон Давлатбегим чорбоғининг қурилиш жараёни, умумий кўриниши, расамади, меъморий сифати ҳақида ҳам манбаларда бирон маълумот учратмадик. Юқорида айтилганидек, «Бобурнома»да бир жумлада эслаб ўтиш билан чорбоғнинг кундалик давлат ишларидаги ўрни муҳим бўлганига алоҳида урғу берилган.

Таниқли инглиз адибаси Маргарет Румер Годеннинг (1907–1998) Бобур қизи Гулбаданбегимга бағишлаган асарида¹² Эсон Давлатбегим чорбоғи тасвирланган икита миниатюра берилган. Бирида ёш Бобурнинг катта онаси билан суҳбати тасвирланган. Миниатюрада чорбоғ ички-ташқи деворининг дарвоза қисмлари шарқона акс эттирилган. Бир неча хизматчиларнинг суратлари ҳам берилган. Уларнинг бирида ташқи девор дарвозасига пиллапоядан кўтарилиб келаётган кишини дарвоза соқчиси кутиб олмоқда ва нимадир тушунтирмоқда. Сўнгра чорбоғнинг ички девор қисми, эшиги ва атрофида юрган хизматчилар акс эттирилган. Энг тепада кўшк-айвонда шаҳзода Бобур катта онаси Эсон Давлатбегим билан суҳбатлашиб ўтиришибди.

¹² «Шарқ» нашриёти Т. 2007. Инглизчадан Холида Сўфиева таржимаси. Китоб Бобур Халқаро жамғармаси томонидан нашр этилган.

Иккинчи миниатюрада чорбоғдаги Бобурга Умаршайх Мирзонинг Ахсида юз берган ҳалокати ҳақидаги хабар етказилган пайт акс эттирилган. «Бобурнома»да ёзилганидек, бу нохуш хабар, аввало, чорбоққа келган. «Умаршайх Мирзога бу воқеа юз берганда мен Андижонда, чорбоғда эдим... изтироб ила отланиб, қошимдаги навкар ва савдар билан кўрғон азимати қилдим», деб ёзади Бобур.

Миниатюрада, афтидан, чорбоғнинг ташқи томони акс эттирилган: мулозимлар отда келган хабарчини ҳаяжон билан кутиб олмоқдалар. Пастда туя ва унинг жиловдори, одамлар кайфиятида бесаранжомлик ҳолати... Бу икки миниатюра чорбоғ ҳақидаги тасаввуримизни анчагина кенгайтиради ва бизни бу борада янги маълумотлар тўплашга ундайди.

Пиримкул Кодиров «Бобур» романида Эсон Давлатбегим чорбоғини хаёлан қисқа иборада акс эттирган: «Шаҳарнинг шимолидаги кўркем чорбоғ баланд девор билан ўралган. Дарвозаларга соқчилар қўйилган»¹³.

Бу таъриф миниатюрада акс эттирилган кўринишига ҳам айнан мос келади. Чорбоғ ичи, ундаги бинолар ёзувчи тасаввурида шундай намоён бўлади: кўшк, мармар ҳовуз, ҳовуз бўйида тиллақори шийпон, эшиклари нафис ўймакорликлар билан безалган хоналар.

Шунингдек, романда Эсон Давлатбегимнинг махсус хонаси, дарсхона ва алоҳида мударрис хонаси ҳам тасвирланган.

Годен китобидаги миниатюрада гарчи барча хоналар тасвир этилмаган бўлса ҳам, қисман кўшк, ҳовуз ва баъзи ташқи бинолар кўриниши бор. «Бобур» романининг Эсон Давлатбегимнинг чорбоғи ҳақидаги саҳифасини ўқир эканмиз, ёзувчи таърифлаган чорбоғ бизнинг тасаввуримиздан ўтади. Миниатюрадаги чорбоғ кўринишлари ёзувчи ифодаси билан қўшилиб, бу масалага оид билимимизни анча кенгайтиради.

¹³ Пиримкул Кодиров. «Бобур». Т., «Шарк», 2002, 34-бет.

Аммо, афсус ва надоматлар бўлсинки, юқорида айтилганидек, асрлар шамоли, рўй берган бир қатор зилзилалар, бошқа табиий офатлар, биргина чорбоғни эмас, шаҳарда қўли гул инсонлар яратган кўплаб маҳобатли қурилишларни, масжиду мадрасаларни Умаршайх ва Бобур Мирзо давридаги қалъа деворини, арк биноларини йўқ қилди. «Бобурнома»да тилга олинган машҳур катта «Намозгоҳ» масжидининг ҳатто қолдиқлари ҳам бизнинг давримизгача сақланмаган. Фақат биттагина устун тагидаги тош тасодифан сақланиб қолган. Шунингдек, Андижоннинг Бобур таърифлаган учта дарвозасидан ном-нишон йўқ. Бизнинг давримизда тарихий обида, деб ардокланаётган қадимий мухташам биноларнинг қолдиқлари, Бобур давридаги Андижон арки XVIII аср бошларида ва сўнгги марта 1902 йили кеч кузда рўй берган қаттиқ зилзилалар оқибатида омон қолмади. Арк деворларининг ост қисмлари эса, Иккинчи жаҳон урушидан олдин қурилган ҳовли-жой бинолари остида қолиб кетди. Бундай аҳвол ҳозир асосий мақсадларимизнинг бир қисми бўлмиш Эсон Давлатбегим чорбоғи изларини қидириб топиш учун бошланган ишимизни ҳам анча мураккаблаштиради. Шундай бўлгач, изи ҳам қолмаган чорбоғ ва қўш тегирмон ҳақида халқ хотирасида нима ҳам сақланиб қолган бўлиши мумкин? Аммо «ноумид шайтон» деганларидек, яхши ният билан ишни, юқорида айтилганидек, айрим ёддош, хотираси кучли кишиларни қидиришдан бошладик. Чорбоғ масаласида биринчи излаганимиз Аҳмаджон хожи Каримов бўлди. Ҳожи ака новчадан келган, буғдой юз, ёши етмишга борган бўлса ҳам, серҳаракат, майда савдо дўкандори эди. Эшитишимизча, ҳожи акаemiz жаҳонгашта инсон эканлар. У киши ҳақида қисқа маълумот шуки, 12 ёшида отаси йирик савдогар мулла Тешавой билан биргаликда 1929 йили Ғулжа шаҳрида уйғур мактабида ўқиб, савод чиқарган, айрим тилларни ўрганган.

Кейинча китобларга мухаббат қўйиб, Навоий, Хофиз Саъдий, Фурқат асарларини мустақил равишда мутолаа қилган ва анчагина билимли бўлиб вояга етган. Отаси баҳонасида савдогарлик касбини эгаллаб, кўп саёхатлар қилган, Осиёдаги деярли барча мамлакатларни кезиб чиққан. Шунингдек, Англия, Франция, Марокашда ҳам бўлган. Ниҳоят, замонлар ўзгариб, 1956 йили Кошғардан она юрти Андижонга кўчиб келган.

Эсон Давлатбегим чорбоғи ҳақида гап кетганда, Аҳмаджон ҳожи Каримов хотиралари бизга жуда қўл келди. Ўтган асрнинг 80-йилларидаги суҳбатимизда бизни чорбоғ ва унинг излари қизиқтираётганини фаҳмлаб, у ҳақда ва Эсон Давлатбегим ҳамда унинг навкарлари тўғрисида Кошғарда дадасидан эшитганларини эслади. Маълум бўлдики, у Кошғардан Андижонга қайтгач, 1960 йиллари чорбоғ ўрнини бориб кўрган.

Ҳожи аканинг сўзлари бизга гўё ноёб бир топилмадек туюлди. Кумуш излаб худди олтин топгандек сездик ўзимизни. У кишининг хотираларига биноан, чорбоғ бўлган жойга биргалашиб сафар уюштирдик. Ваъдалашган кунимиз «Бобурнома»да тилга олинган ўша тарихий «Қўштегирмон» (яъни, шаҳар шимолидаги ҳозирги «Қўшарик» мавзеи томон йўл олдик. «У ерда катта кўча бўйлаб андак юргач, маҳалла оралаб замонавий ҳовлилар ёқалаб бордик. Ҳозирда одам кам юрадиган тупроқли тор кўча қадимда серқатнов бўлгани эҳтимол. Шу боришимизда катта сайхон жойдан чиқдик. Майдон атрофи дарахтзор, дарахтлар ости чорва боқишга ҳам арзимайдиган, сувсизликдан қовжирай деб қолган кўкатзор майдон.

Аҳмаджон ҳожи акамизнинг отасидан эшитган хотирасига қараганда, мана шу сайхон жой ўрнида Эсон Давлатбегимнинг чорбоғи бўлган. Бир оз дам олгач (сентябр ойи ўрталари бўлса ҳам, кун анча иссиқ эди) сайхонликни аста айландик. Онда-сонда, оёқ остида қадимий тўртбурчак пишиқ гишт бўлаклари учрайди, гоҳо турли безаклар берилган мовий рангдаги кошин

парчаси тупрокқа беланиб ётгани кўзга ташланади. Улардан иккитасини қўлимга олдим. Бу иккита кошин парчаси ёзувчимиз Пиримқул Қодиров хаёлан таърифлаган ўша Эсон Давлатбегим чорбоғидаги қайсидир бир бино гумбази ёки пештоқини безаб тургани шубҳасиз эди. Бошқа бирон арзигулик нарсa учратмадик. Ҳожи акамиз чарчагани ва кун ҳам кеч бўлиб қолгани сабаб уйга қайтдик. Назаримда, худди далада шамол кидирган кишига ўхшаб қолгандик. Қани бу обод чорбоғ, қани бу ердаги бинолар, ёзувчимиз таърифлаган мрамар ховузлар, фавворалар..! Барчаси замонлар ўтиши билан ва юз берган офатлар оқибатида йўқ бўлиб кетган, афсус. Орзусига етмаган зиёратчидек сазардик ўзимизни.

Аҳмаджон ҳожи акамизнинг отасидан олган маълумотларга асосланиб, ишонч билан таъкидлашлари-ча, тахминан бир ярим гектарча келадиган бу қаровсиз ер қадимий чорбоғ ўрнига тўғри келади. Биз текширишларимизни 1984 йил сентябр оyi бошларида ўтказган эдик. Кейинги йиллари бу ерлар янги уй жойлар остида қолиб кетди. Аниқлашимизча, ҳозирги айни «Қўшариқ» мавзеининг ўзагини ташкил қилган «Хўжалар маҳалласи» ҳам чорбоғ тарихи билан боғлиқ. Онахон Эсон Давлатбегим ҳурмати юзасидан «Қўштегирмон» мавзеига келиб қолган айрим эътиборли кишилар, масжид ходимлари сал берида, кўчанинг бу юзида жойлашган ўша «Хўжа маҳалла»да истиқомат қилганлар. Хотираларга қараганда, ушбу маҳалла тарихи ҳам 500 йилга боради.

Аҳмаджон ака 1920 йиллар бошида (6–7 ёшлар чоғи) дадаси билан бирга бу жойларни келиб кўрганида Мулла Абдуманноб исмли масжид имоми «Хўжа маҳалла» ҳақида анча-мунча маълумотларни айтиб берган. Ҳамроҳларимиз ёшлигида эшитганларини кейинчалик ёзиб қўймаганидан афсуслар қилди. Дарҳақиқат, кўп тарихий воқеалар ва улар иштирокчиларининг номлари хотираларда муҳрланиб қолади. Лекин йил-

лар ўтиши билан хотиралар тарих учун ўзига хос гувоҳнома, ҳужжат бўлишига ҳамма ҳам эътибор қилавермайди. Биз тўплаган халқ хотираларида ҳам, айтилишича, бундан юз йиллар муқаддам, яъни XIX асрнинг сўнгги чорагида мана шу сайхон жойдаги қадимий бир ҳовлида Шерпошша хола деган табиб кампир яшаган. Кампирни маҳалладаги қариялар «Бобур авлодидан» дейишаркан. Аҳмаджон ҳожи акамиз билан қилган ҳисобимиздан маълум бўладики, табиб онахон XVIII аср охирлари ёки XIX аср бошларида туғилган. Демак, онахон Қўқон хонлиги даврида яшаб, табиблик билан ном чиқарган, чоризм босқинини кўрган. Хотираларда сақланиб қолган шу табиб кампирнинг исми диққатимизни кўпроқ жалб қилди.

Шу ерда «Бобурнома»да келтирилган бир воқеани эсга олиб ўтамиз. 1502 йил ёз ойларида Андижон учун бўлган жангда Бобур оёғидан каттиқ яраланади. Бундан хабар топган тоғаси Атика бахши исмли синиқчи табиб кампирни чақиртиради. Бобур таърифича, «Атика бахши жарроҳликда бисёр ҳозиқ эди; осон муолажа қилур эди». Табиб Бобур ярасига муолажа қилади, ўсимлик илдизига ўхшаш қандайдир дори ҳам едиради ва у тезда тузалиб кетади¹⁴.

Атика бахши ўз даврида ниҳоятда машҳур бўлган. Хатто бир навкарнинг тизза суягидан шапалоқдек қисми мажақланиб кетганида тиззани очиб, суяклари ўрнига қандайдир майда толкон дори қўйган. Маълум вақт ўтгач, бу дори қотиб, суяк ўрнини босган. Бунга ўхшаш ажойиб воқеалардан Бобурга Атика кампирнинг ўзи ҳикоя қилиб берган. «Вилоят жарроҳлари андоқ мудавиддин (яъни, даволашдан) ожиздирлар»¹⁵, деб ёзади Бобур жарроҳ кампирдан мамнун бўлиб.

Асосий мавзуимиз Шерпошша табибга қайтайлик. Юқорида ёзганимиздек, халқ хотирасида у «Бобур авлодидан» ҳисобланарди. Аслида, у ўша Атика бахши

¹⁴ «Бобурнома», 94-бет.

¹⁵ Уша жойда.

авлодидан бўлса, не ажаб. Унинг изига тушмоқ, авлодини изламоқ керак. Бизда ажиб ҳолат пайдо бўлган эди. Шеригимиз табибдан биз орқали хабардор бўлди ва масалага қизиқиб қолди. Суриштира кетдик... Маълум бўлдики, «Шерпошша табиб» кампирдан Моҳирахон исмли бир қиз қолган. Аммо у ҳам аллақачонлар вафот этиб кетган. Учраган қариялардан, баъзан ҳовлиларга кириб, катта ёшли аёллардан Моҳирахон ҳақида сўраб-суриштирдик. Маълум бўлдики, Моҳирахон ая 1937–38-йиллари, тахминан 95 ёшларида вафот қилган. Аммо ундан Оминахон исмли бир қиз қолган экан-у, у онахонимиз ҳам 1971 йили 84 ёшда дунёдан ўтибдилар.

«Тарвузимиз қўлтиқдан тушиб» турган эдики, хурсандчилик келтирадиган бир хушхабар ҳам топдик: айтишларича, марҳума Оминахоннинг Сожидахон исмли бир қизи бўлиб, ҳозир онасининг эски ҳовлисида яшар эмиш. Ҳовлини топиб бориб, қўшниларидан сўрасак, афсус, Сожидахон ўша куни уйда йўқ экан. Хафсаламиз пир бўлиб, чарчаганимиз ҳам сезилди. Бу аёл билан кўришмоқни бошқа кунга қолдирдик. Эртаси куни юқорида тилга олинган «Хўжа маҳалла»ни айландик. Шаҳардан келишда асосий катта кўчадан ўнг томонга бурилганда ҳозирги «Кўшариқ» даҳаси бошланади. Унинг шарқий томонига тўрт қаватли янги иморатлар қурилиб, аллақачон шаҳар тасарруфига ўтиб кетган. Шу сабабли даҳанинг тарихийлигидан аломат сақланмаган, илгариги ариқлардан бири иморатлар остида қолиб кетган. Катта кўчадан шимоли-ғарб томон озроқ юрилса, қадимий «Хўжа маҳалла»га кирилади. Биз маҳалла томонга юриб, «Хўжалар қабристони»га етиб бордик. Айтишларича, қабристон илгариги ҳолатидан анчагина кичрайиб кетган. Боиси – маҳаллада бошқа янги қабристон ишга тушган.

Атроф жимжит... Хаёлимиздан тарих ўта бошлади: бу кўҳна «индамаслар макони»да кимлар, қандай азиз инсонлар ётибди экан. Изланишларимиз бизни қаергача олиб боришига қизиқиб қолган шеригимиз Аҳ-

маджон ҳожи ака йўлда учраган бир қариядан Камолхўжа деган авлодни суриштира кетди. У кишининг таърифича, Камолхўжа асли шу ерлик хўжалардан, саводхон, жуда кўп воқеаларни биладиган, ёддош одам бўлган. Бу фарзандлар оталаридан эшитганларини билишади, албатта, демак, бизга ёрдамлари тегади.

Ўша куни марҳум Камолхўжа баҳонасида икки-уч қария билан суҳбатлашдик, уларга мақсадимизни тушунтирган бўлдик ва маслаҳатларини олдик. Ўшанда ёзиб қўйган суҳбатимиздан айрим битиклар: Маълум бўлдики, Камолхўжа «бундан ўттиз йиллар аввал» (демак, 1950 йиллари) 95 ёшда вафот этган. Ундан қолган уч ўғилдан ҳозир икки нафари – Абдуллахон ва Убайдуллахўжалар ҳаёт. Умидимиз катта ўғил Абдуллахондан эди.

Афсуски, бу киши 80 ёшга яқинлашганида дардга чалиниб, фалаж (инсульт) бўлиб ётиб қолибди. Бемор эшигини суриштириб, ўзбекчилик қондаси билан кўргани кирдик. Салом-аликдан сўнг Абдуллахон акага мақсадимизни айтган эдик, юзини бизга ўгириб ётган бемор тетиклашди ва отасидан эшитганларини эслаб, қийналиб бўлса ҳам, секин гапга тушди, мен қўлимга ён дафтарчамни олиб, аста ёза бошладим.

Бемор хотирасидан шу нарса маълум бўлдики, XIX аср охирида халқ ҳурматига сазовор Нажмиддин Эшон исмли улуғ киши ўтган. Уни «Ҳиротдан келиб қолган» Шамсуддин Сарбароҳна деганнинг авлоди, дейишар эди. Ҳозирги «Қўшариқ» даҳасининг марказидаги аллақачон бузилиб кетган эски дўкон биноси ўрнида қадимий масжид ва мадраса бўлиб, Нажмиддин Эшон ушбу мадрасада дарс айтар эдилар, одамлар ихлосини қозонган киши бўлган.

Қизиқ, «Ҳиротдан келиб қолган» Шамсиддин Сарбароҳна ким бўлди экан? деган янги савол туғилди ўшанда бизларда. (Нажмиддин Эшон авлодлари эса ўтган асрнинг 30-йилларида авж олган машъум қатағонлик сиёсати оқибатида қўлга олинган, улар тақдири маъ-

лум эмас). Ушбу суҳбатдан биз учун янгилик Шамсиддин Сарбароҳна эди. Кейинги кунлари юқорида тилга олинган Шерпошша табиб авлодини излашни давом эттирдик. Яна собиқ чорбоғ ўрни – ўша катта сайхон жойга «юриш қилдик» ва ўзимизга таниш хонадонларда бўлдик. Ниҳоят, вафот қилиб кетган – юқорида номи келтирилган – Оминахон опанинг қизини суриштириб топдик. – Омина опанинг оналари Моҳирахон хола – яъни «Бобур авлоди» деб танилган Шерпошша табиб кампирнинг қизи – 1937 йили 95 ёшида оламдан ўтган (Демак, у 1843 йили туғилган бўлади ва Қўқон хонлигию чоризм босқини даврида умргузаронлик қилган ва янги XX асрда халқ бошига тушган азобу ташвишларни кўриб, сўнгра ёруғ дунёни тарк этган.) Моҳирахон кампирнинг набираси, яъни Оминахоннинг Сожидахон исмли қизини, учинчи марта боришимизда, ниҳоят, уйдан топдик. Бу қидиришларимиз тафсилоти бир неча дафтардан иборат. Чоққина ҳовли этагидаги эски усулда солинган икки уй, олди айвон. Нураб қолган иморатга кириб бордик. Тахминан 50 ёшлардаги буғдой юзли, озғингина аёл бошига рўмол олиб бизни қаршилади. Салом-аликдан сўнг катта оналарини эсладик, мақсадни тушунтирдик. Суҳбат чоғида опахон айнан шундай деди:

– Катта бувим бўлмиш табиб онамнинг чоли – менинг катта отам, Абдурайим қори деган киши экан. Қори бувам айтишларича, бизнинг катта боболаримиз Бобуршоҳ навкарлигида хизмат қилган. Чорбоғ эса, бизга ота-бувамиздан қолган мерос экан.

Ушбу маълумот учун опахондан ниҳоятда хурсанд бўлиб, мавзу юзасидан анча суҳбатлашдик. Чорбоғни опанинг эсига солиб, мақсадимизни тушунтирдик.

Суҳбат охирида опахон яна шуни кўшиб қўйдики, катта бувиси бўлмиш Шерпошша табибнинг уруғ-аймоқ, қариндошлари Ҳаққулобод томондаги «Катта мўғол» деган қишлоқда яшар эмишлар. Илгарилари тўю азаларда улар билан борди-келди бўлиб турар экан.

Аммо «бесаранжомлик йиллари» (1932–37-қатағон йиллар назарда тутилмоқда) она уруғи билан қариндошлик алоқалари узилиб қолган. Сожидахоннинг ўзи ҳам бу қишлоққа тетапоя пайтида онаси билан қандайдир маъракага борганини эслайди, холос. Аммо у ердаги қариндошларидан ҳеч кимни танимайди.

Тан олишимиз керак, қўшни Наманган вилоятида халқ орасида «Катта мўғол» деб аталадиган қишлоқ борлиги бизларга қутилмаган янгилик бўлди. Андижонда яшаб туриб, қўшни вилоятдаги ушбу қишлоқ номини эшитмаганимизни қаранг!

Шундай қилиб, буюк инсон, Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган, болалиги ўтган ва тарбия олган макон бўлмиш катта она Эсон Давлатбегимнинг асрлар қарида йўқ бўлиб кетган машҳур чорбоғини излаш билан боғлиқ ишларимиз ниҳоясига етгандай бўлди. Аммо охири кўриниб қолай деган бу ишимизга «Катта мўғол» қишлоғига ҳам бориб, суҳбат у суриштирув ишларини давом эттиришдек қўшимча вазифа қўшилди. Шундай қилмасак, бошлаган ишимиз кемтик бўлиб қоладиганга ўхшади.

Сожидахон опанинг айтишича, бу чоққина қишлоқ Хаққулободдан ўтгач, «Кўғай» темир йўлига яқин эмиш. Бу жойлар «Бобурнома»да неча мароталаб тилга олинган «Икки сув ораси» деб номланган кенг ҳудуднинг бир бўлагидир. У ерга сафаримиз ҳақидаги ҳисоботни кейинроққа қолдириб, яна ҳурматли ўқувчиларимиз эътиборини Бобурнинг таввалуд кунларига қаратамиз.

Бошда айтганимиздек, шахзода Бобур Андижонда катта онаси учун қурилган мана шу чорбоғда таввалуд топди. Умаршайх ўғлини, Эсон Давлатбегим набира-сини қутлаш учун келган меҳмонлар кети узилмади. Демак, Заҳириддин Муҳаммад Бобур XVI асрнинг сўнгги чорагида дунёга келди. Галдаги вазифамиз ўша даврдаги Андижон ва умуман, Фарғона мулки ҳукмрон бўлган ижтимоий-маданий ҳаётни ёритишдир. Зеро, Бобур тарбияси ўша маданий муҳитга боғлиқдир.

Андижондаги маданий-маънавий муҳит

Андижон Фарғона водийи марказий қисмининг жануброғида жойлашган ва милодий асрлардан ҳам илгарироқ пайдо бўлган 2–3 та шаҳардан биридир. Бу кейинги йилларда Бобур номли халқаро жамғарма ташаббуси ва ҳомийлигида ўтказилган жиддий археологик топилмалар билан ҳужжатлаштирилди.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, Фарғона водийи, жумладан, Андижон атрофида, жуда қадимдан бошлаб суғорма деҳқончилик ривожланган. Андижон милодий сананинг бошлариданоқ, хусусан, турк ҳоконлиги даврида атрофида майда деҳқончилик қишлоқларини бирлаштирган ва ҳунармандчилик ривожланиб бораётган шаҳар сифатида маълум бўла бошлади. Қошғар орқали Эргаштом довонидан Фарғона водийига ўтган Хитой савдо қарвонларига Андижон аллақачон маълум эди. Зеро, шаҳар Ўзган орқали келган қарвон йўлининг устида жойлашганлиги туфайли ўрта асрлардаёқ унинг сиёсий, иқтисодий аҳамияти ортиб борган. Фарғона мулкида ҳукмронлик қилган қарлук туркларнинг (ҳоким)лари сўнгра ғолиб келишган. Араб ҳукмдорлари Хитой билан савдо алоқаларини ривожлантиришда айнан Андижонни қўлдан бермасликка уринганлар, унинг ҳимоясига таянганлар. IX–XI асрларда умуман Мовароуннаҳр, жумладан, Фарғона водийи ва унинг барча мавжуд шаҳарлари ҳам иқтисодий маданий жиҳатдан бирмунча ривожланган. Тарихдан маълум, XI–XII асрларда, яъни туркий қорахонийлар давлати ҳукмронлиги даврида Андижон улар пойтахти Ўзган шаҳрига яқин жойлашгани туфайли қорахоний ҳукмдорлар ҳам Андижонга алоҳида эътибор билан қараганлар. Кўплаб туркий қавмларнинг келиб ўрнашиш жараёни ҳам тезлашган.

Татар-мўғул истилолари даврида эса тараққиёт таъназулга учради. Лекин XIV аср бошларидан Анди-

жон Ўзгандан кейинги йирик стратегик шаҳар сифатида яна юксала бошлади. Айниқса, Дувахон тадбир билан иш тутиб, Кошғардан келадиган савдо йўлини ўз қўлида сақлаш учун Андижонга сиёсий жиҳатдан ҳам катта аҳамият беради. Қалъа деворларини тиклаб, шаҳарни обод қилдиради. Эътиборли Шарқ манбаларининг бирида ёзилишича, Андижон Фарғона вилоятининг марказига айланган¹⁶.

Шаҳарнинг бундай равнақи темурийлар даври билан боғлиқдир. 1377 йили Фарғона мулкида Мўғуллар ҳукмронлиги тугатилиб, Соҳибқирон Амир Темур Андижонни ва Ўзганни 12 та тумани билан бирга ўғли Умаршайхга беради. Абдураззоқ Самарқандийнинг маълум қилишича, Умаршайх Андижоннинг атрофига янгитдан қалъа деворлари олдириб, шаҳарни обод қилдирган¹⁷. XVI асрга келиб Андижон мавқеи янада кўтарилади. 1415–1450 йиллари Фарғона мулки ва Андижон айрим темурийзодалар орасида қўлдан-қўлга ўтиб туради.

Нихоят, Абу Саид Мирзо 1462 йили ўғли Умаршайх Мирзони ҳоким этиб тайинлагач, Фарғона мулкида нисбий тинчлик ўрнатилди. Андижон пойтахтлик мавқеини қайтадан тиклади. Албатта, Самарқандчалик равнақ топмаган, бинобарин, ўз замонасида жаҳонга унча маълум ва машҳур бўлмаган эса-да, Умаршайх Мирзо давридан бошлаб, ободонлашиб, ҳар томонлама тараққий топа борди, майдони кенгайди, қурилишлар амалга оширилди. «Бобурнома»да алоҳида таъкидланганидек, бутун Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кешдан сўнг учинчи машҳур шаҳарга айланди, ёшгина подшоҳ Умаршайх Мирзо Самарқанд подшоҳи, ўз акаси Султон Аҳмад Мирзога ҳавас қилиб ва отаси Абу Саид Мирзо кўмагида пойтахтга ўз даврининг олиму уламолари, фозил кишиларидан таклиф қилиб, улар-

¹⁶ Қаранг: Материалы по истории киргизов Киргизии. Вып. I. М., "Наука", 1973, стр. 116.

¹⁷ Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъус саъдайн ва мажмаъул баҳрайн. Т., 1973, 108-бет.

га ғамхўрлик кўрсатди. Саводи чиққач, унинг ўзи ҳам турли китобларни, Бобурнинг таърифича, айниқса, тарихий жангномаларни севиб ўқирди. Тез-тез уламолар суҳбатини уюштириб, унда шахсан иштирок этарди. Шоирликка укуви бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, нозиктаъб бўлиб тарбияланди.

Умаршайх Мирзо 32 йил ҳукмронлик қилди (1462–1494). Бу даврда Андижонда маданий ва маънавий ҳаёт юксала борди. Хусусан, қайнона Эсон Давлатбегим «Қўштегирмон»да қурилган чорбоққа кўчиб келгач, Андижонга ўз даврининг маданият арбоблари Самарканд, Ҳирот ва бошқа шаҳарлардан тез-тез келиб турадиган бўлдилар, ҳатто айримлари шу ерда истиқомат қилиб қолиб кетдилар.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бутун Шарқда бўлгани каби, Мовароуннаҳрда ҳам ған ва маданият, одоб-ахлоқ масалалари Ислом дини ва унинг қонунлари доирасида ривожланди. Бусиз маънавий ҳаётни умуман тасаввур қилиш мумкин эмас. Барча темурийзода султон у хонларнинг исломий пир-устозлари бўлган. Умаршайх мирзонинг ўзи эса машҳур Хожа Убайдулла Аҳрорга муридлик қилиб, у зотнинг суҳбатларига кўп марта мушарраф бўлгани маълум.

Андижонга бевосита дахлдор улуғ зотлардан Хожа Аҳрорнинг яқин муридларидан бўлмиш Хожа Абдулла (Мавлоно Қози) эди. У кишининг насаби, «Бобурнома»да келтирилишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) авлодларидан Шайх Бурҳониддин Қилич ва Султон (Санжар) Илик Мозийга етиб борар эди. Фарғона мулкидаги барча қозию бошқа устозлар улар авлодидан бўлганини Бобур алоҳида таъкидлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд сулукининг Фарғонадаги йирик вакили, улуғ мутасаввиф олим, ҳазрат Али ва Фотима (розияллоҳу анҳумо) авлодларидан бўлмиш Саид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний тарихда «Маҳдуми Аъзам» номи билан машҳур эди (1461–1542). У киши-

нинг илмий-амалий фаолияти ва ҳаёти ҳақида маълумот кам сақланган. Ваҳоланки, 30 га яқин турли асар ёзгани тарихдан маълум. XVI асрда яратилган «Музакири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») номли асарда кўрсатилишича, Бобур Фарғона тахти вориси бўлгач, Маҳдуми Аъзамни ўзига пир деб билиб, унга қўл берган.

Кейинги йилларда олиб борган тадқиқотларимиз натижаси Маҳдуми Аъзам маълум муддат Андижонда яшаганини исботламоқда. Бу ҳақда хотиралар ҳам сақланган. Кечган воқеаларга қараб, у киши 1490 йиллар бошида, Бобур тахтга ўтиргач, Андижонга кўчириб келтирилган ва тахминан 10 йилча шу ерда истиқомат қилган, дея хулоса чиқариш мумкин. Фикримизча, унинг таклиф этилиши, шубҳасиз, Бобур тарбияси билан боғлиқ бўлган¹⁸.

Бобур подшоҳ Ҳиндистонда эканида, 1529 йил декабр ойида Мовароуннаҳрдан ташриф буюрган махсус меҳмонлар шарафига Аграда шоҳона зиёфат уюштирган. Меҳмонлар орасида Хожа Аҳрорнинг Самарқанд ва Фарғонадан борган авлодлари ҳам бор эди. Уларга қимматбаҳо совғалар улашган. Пири Маҳдуми Аъзамга эса, бир бўлак олтин қуймасини қуйидаги форсча қитъа билан қўшиб юборган:

*Дар ҳавои нафси гумроҳ умр зое кардаем,
Пеши аҳлуллоҳ аз атвори худ шармандаем,
Як назар афкан ба сӯи мо, ки аз роҳи вафо.
Хажагайро мондаем, хожаг айро бандаем.*

Мазмуни: Адашган нафсимиз ҳавоси йўлида умрни зое қилдик, Аҳли дин олдида бу қилмишимиздан уятлимиз. Биз томонга бир назар солки, вафодорлик ила Хожага боғланганмиз, Хожага бандамиз.

¹⁸ Ҳозиргача Андижон шаҳридаги «Кенгаш» фуқаролар йиғинининг кичик бир қисми халқ оғзида «Маҳдуми Аъзам маҳалласи» деб юритилади. Бу маҳалла илгари у кишининг масжиди ва қорихонаси бўлган. Бироқ Исломга қарши бўрон йиллари вайрон қилинган. Ҳозирги Охунбобоев кўчасининг 63, 65, 67-хонадонлари ўша масжид ва қорихона ўрнига тўғри келади. Кўча бошидаги ариқ бўйида ўрта асрдан қолган бир кўҳна қабр ўрни ҳозир ҳам ихота қилиб сақланади. Хотираларда Маҳдуми Аъзам авлодларига тегишли дейилади.

Бу – Бобур Мирзо Фарғона мулки ва Андижонни эслаб, ёшликдаги ҳаётини, у ердаги илм-маданият арбобларини қўмсаганидан нишонадир.

Махдуми Аъзам ҳам маънавий шогирди Бобурга атаб бир рисола ёзгани маълум.

(Кейинча, 1504 йили Фарғона шайбонийларга ўтгач, ул зот улар қўлида қолди, Ахсида яшади, сўнгра Карманада, Бухорода истиқомат қилди. 1542 йили Самарқанд яқинидаги Дахбет қишлоғида вафот этди.)

Андижонда Умаршайх Мирзо даври маънавий ҳаётида маълум из қолдирган улуғ зотлардан яна бири Бобо Таваккул Лангарийдир¹⁹.

Бу номни бошқа воқеалар муносабати билан Бобур ҳам тилга олиб ўтади. Бобо Таваккул ҳақида ҳозирча манбаларда қўшимча маълумот учратмадик. Аммо Андижон Эски шаҳар қисмининг собиқ «Майдон» маҳалласида Бобо Таваккул номли қадимий қабристон ва масжид бор. Бу жой халқ орасида «Бобо Таваккул Азиз» деб аталади. Одамлар хотирасида сақланиб қолган хабарларга кўра, Бобо Таваккул Андижонда истиқомат қилган ва нақшбандия тариқатини халқ орасида тарғиб қилган улуғ шахслардан бўлган. XVIII асрда Кошғардан Офокхўжа авлодларидан Андижонга кўчиб келиб, ҳозирги Қаландархона мавзеида қолгани боис қаландарлар шу ерга тўпланадиган бўлганлар.

Андижонда ном қолдирган ва пойтахт маънавий муҳитида сезиларли ўрин эгаллаган улуғ зотлардан бири Шамсиддин Сарбароҳнадир. Бу зот ҳақида илмий манбалардан маълумот тўплашга киришмай туриб, Эсон Давлатбегим чорбоғини қидириш чоғида юқорида тилга олинган «Хўжа маҳалла»га борганимизда бетоб ётган Абдуллахон акадан Сарбароҳна ҳақида қуйидаги хотираларни ёзиб олган эдик.

Абдуллахон аканинг отасидан эшитганларига қараганда, Бобур даврида ва ундан олдинми, Андижонда

¹⁹ Ҳасанхожа Нисорий. "Музаққири аҳбоб". Тошкент. "Халқ мероси" нашриёти, 1993, 53-бет.

«Хиротдан келиб қолган» Шамсиддин Сарбароҳна исмли улуғ шайх яшаган ва шу ерда вафот этган. Қабри «Хўжалар» қабристонида деб ҳисобланади, аммо қабр 1937 йиллари бузилиб кетган. Касалманд Абдуллаҳон ака у зот ҳақидаги хотирасини Эсон Давлатбегим чорбоғига боғламоқчи бўлди-ю, бироқ саломатлиги яхши эмаслиги сабаб бир оз безовталиқ сезди. Бу ҳақда Мухтор қори Тожибоев билан суҳбатлашишни тавсия қилди-да, чой ҳўплаб оромга кетди. Шу билан суҳбатга нуқта қўйилгандек бўлди. Мухтор ака Қўшариққа тутах ҳозирги қурилишлар остида қолиб кетган эски «Тошкент» маҳалласидан бўлиб, аллақачон 80 ёшдан ошганига қарамасдан, тафаккури жойида, анча ёддош, тетиккина эдилар.

У киши билан суҳбатда маълум бўлдики, Шамсиддин Сарбароҳнадек улуғ зот ҳақида болалигида эшитган эканлар. Қори акамиз хотирасига қараганда, у зот Андижонга Хуросондан кўчиб келиб қолган. Шоиртабиат доно одамлардан бўлган, кўпчилик ҳурмат қилган. Энди бу оғзаки маълумотни аниқлаш керак. Бунинг учун эса, тегишли манбаларни қайта кўриб чиқиш, Андижонда кечган тарихий-маънавий ҳаётни синчковлик билан ўрганиш лозим. Яна «Бобурнома»га мурожаат қилдик.

Бобур Ҳусайн Бойқаронинг умаролари, шу жумладан, садирларини санаб ўтар экан, шундай ёзади: «Бири Сарбароҳна эди. Андижоннинг кентларидандир. Ғолибо мутасаййиддур (яъни, саййидлардан бўлса керак). Бисёр хушсуҳбат ва хуштаъб ва ширинкалом киши эди. Хуросон фўзалоси ва шуароси қошида аниқ дахли (яъни мулоҳазаси) ва сўзи мўътабар ва санад (яъни асосли) эди»²⁰. Бобурнинг бу битикларига изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Шундан маълум бўляптики, Мухтор қори акамиз хотирасида андак янглишлик бор экан: Демак, Сарбароҳна Хиротдан келиб қолган эмас, балки асли андижонлик бўлиб, тўлиқ исми Саййид

²⁰ «Бобурнома», 136-бет.

Шамсиддин Мир Сарбароҳнадир. Бошқа манбаларда, айтилишича, жумладан, Хондамир «Хулосатул ахёр» (Хайрли кишилар аҳволи ҳақида хабарлар хулосаси) номли асарида ёзишича, Сарбароҳна «ўткир зеҳнли, замон фозиллари ва даврининг зийрак кишилари орасида тамоман ажралиб туради. Сўзлари ширин, суҳбатлари ажойиб ва ғаройибдур». Мир Сарбароҳна кейинчалик Хиротга кетиб қолиб, у ерда «Андижоний» номи билан маълум ва машҳур бўлган. 1493 йили Хиротда вафот этган. Хондамирнинг ёзишича, Мир Сарбароҳна Хиротга келгач, аввалига Навоий хизматида бўлган.

Галдаги вазифамиз Навоийга мурожаат қилишдир. «Мажолисун нафоис» асарида муаллиф у кишининг хушфёълликларидан айрим мисоллар келтирган. Шамсиддин Сарбароҳна Навоийга қилган арзига кўра, асли саййидлардан (яъни, пайғамбар авлодидан), ёшлигида кўп ўқиган. Хушфёъллиги, шоиртабиатлиги, зийрак ва донолиги жиҳатидан барчанинг назарига тушган. Хондамир унга шундай таъриф беради: «Мир Сарбароҳна сўзлари мулойим, зийрак, ўткир зеҳн билан замон фозиллари ва даврининг зийрак кишилари орасида тамом ажралиб туради. Ҳамма вақт сўзлари ширин ва маъноли, ҳикоятлари ажойиб ва ғаройибдур».

Шундай одам Андижонда таваллуд топиб, улғайиб ва яшаб, сўнгра умрини Хиротда давом эттирди. Навоий туфайли тезда элга танилди ва катта обрўга эга бўлди. Кўп ўтмай Султон Ҳусайн Бойқаро назарига тушди ва Шайх Лукмон исмли улуғ зот мазорига садрлик лавозимига тайинланди²¹.

Шу нарса таажжублики, гарчи у зот Хиротда вафот қилгани манбада аниқ кўрсатилган бўлса ҳам, халқ орасида биз тўплаган хотираларга қараганда, «Хўжалар кабристони»даги қадимий бир қабр Шамсиддин Сарбароҳна номи билан боғланади. Текширишларимиздан ва маҳалла қариялари билан ўтказилган бир қатор суҳбатларимиздан шундай хулосага келиндикки, Мир

²¹ Алишер Навоий. Тўла асарлари, 2-жилд, 119-бет.

(Шамсиддин) Сарбароҳна Хиротга кетмасидан илгари Андижоннинг «Кўштегирмон» даҳасида истикомат қилган ва Умаршайх Мирзо хизматида бўлган. Хондамир ижодининг тадқиқотчиси, тарих фанлари доктори Дилорам Юсупованинг ёзишича, Хирот мадрасаларида дарс бериш учун хориждан, Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларидан, жумладан, Андижондан ҳам айрим олимлар таклиф қилинган. Балки у зот шу таклифга биноан Хиротга кетиб қолгандир. Умаршайх Мирзо саройида бўлгач, шубҳасиз, шахзода Бобур тарбиясида ҳам унинг иштироки бўлган.

XV аср иккинчи ярмида Андижонда бир қатор шоирлар етишиб чиққани ҳам манбалардан маълум бўлмоқда. Улардан айримлари бутун Мовароуннахрда машҳур бўлган эсаларда, ижодлари ҳаёти ҳақида ҳозиргача тўла маълумотга эга эмасмиз. Лекин Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» асарида андижонлик икки шоир ҳақида зикр қилиб ўтган. Бинобарин, улар Навоийга замондош бўлиб, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтгани шубҳасиздир. Шулардан бири Мавлоно Сафойи Андижоний бўлиб, Навоий ҳазратлари унинг тўлиқ номини келтирмаган. «Содда йигит эди», деб таърифлайди уни. Аммо оддийлигига қарамай, кўнгилчан, хушчақчақ бу йигит кутилмаганда ажойиб шеърлар битган. Навоий унинг гўзал мисраларидан намуна келтиради. Бироқ Сафойи Андижондан кетиб қолган ва Самарқандда вафот қилган. Лекин бу воқеалар қачон ва қандай юз бергани ҳозирча маълум эмас.

Пойтахт Андижонда камолга етган забардаст шоирлардан Мавлоно Юсуф Андижоний «Бадий» таҳаллуסי билан ғазаллар ёзиб, донг таратган. Манбада келтирилишича, Сафойи икковлари яқин дўст бўлишган. Навоий Хиротдан Самарқандга келиб истикомат қилганида (1467–1468) Бадий ҳам Андижондан бориб, улуг шоир билан учрашган ва доим бирга бўлишган. «Фақирдан (яъни, Навоийдан) ўзга киши анинг шеъри-

да сўз айта олмас эди», деб ёзади ҳазрат. Бадиий шоирлигидан ташқари юқори маълумотли, олийҳиммат, юксак ғазилатли киши бўлган. У Хуросонда – марказ Ҳиротда ҳам бўлиб, бу ердаги ғозилу шоирлардан кўп дўст-танишлар орттирган. Шу сифатлари қатори Навоий уни суҳбати ширин, нозик таъб, арузни яхши биладиган шоир сифатида таърифлайди, исботига ғазалларидан мисоллар келтиради.

Бобур Андижонда гўзал кишилар кўплигига ишора қилиб, мисолига мусиқага ҳам машҳур бўлган Хожа Юсуф номини келтиради. «Мажолисун нафоис»даги Юсуф Бадиий Андижоний ва «Бобурнома»даги Хожа Юсуф битта шахсми – бунини кўшимча манбалар асосида аниқламоқ лозим бўлади.

Фикримизча, улар битта шахс «Бобурнома»да жуда кўп воқеалар, айрим кишилар ҳаётининг тафсилоти берилмайди, бунини фақат мантиқан аниқлаш мумкин. Агар фикримиз тўғри бўлса, Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтганда, Юсуф Бадиий Андижоний ҳам она шахрига йўл олган ва бу ерда бир неча йиллар яшаб, Умаршайх Мирзо вафотидан (1494) сўнг бошланган сиёсий талотўплар оқибатида Андижондан кетиб қолган бўлади.

Булардан ташқари, Андижонда XVI аср биринчи ярмида яшаб ижод қилган ва Андижоний таҳаллуси билан шуҳрат топган тўрт нафар ва Фарғоний таҳаллусли икки шоир ҳақида ҳам маълумотлар сақланган (қаранг: Ҳасан Хўжа Нисорий. «Музаққири аҳбоб», Т., 1993). Нисорийнинг ёзишича, улар Андижонни ташлаб, Хуросон ва Машҳад томонларга кетиб қолишган. Фикримизча, бунга Фарғона мулкида ва унинг пойтахти Андижонда бошлаган сиёсий тангликлар сабаб бўлган.

XV аср иккинчи ярмида, яъни Умаршайх Мирзо подшоҳлиги даврида ҳукм сурган маданий-маънавий муҳит ҳақида фикр юритар эканмиз, қуйидаги тарихий ҳолатга ҳам эътибор қаратмоқ лозим. Яъни,

турли йиғинларда, шоиру уламолар анжуманларида, шунингдек, масжид ва мадрасаларда нутқ маданияти, яъни воизлик ҳамда зарофатга (сухбат, мунозараларда гўзал сўзлар, бадий ифодалар ишлатишга), зийраклик ва хуштабиатлик каби гўзал фазилатларга ҳам жиддий аҳамият берилган. Сухбатларда нозик таъблик ва ҳозиржавоблик умумий одат эди. Дўстона адабий-илмий мунозараларда, «илми маъоний» қоидаларига риоя қилиш тартиби шаклланган. Диний сухбатлар, шариат тартиб-қонунлари ҳақидаги мунозаралар, мадрасалардаги дарслар эса, «илми калон» қоидаларига асосан уюштирилган²².

Жума кунлари катта масжидларда тўпланган жамоат олдига чиқиб, асосан шариат ва имон-эътиқод масалаларидан ваъз-насиҳатлар қилувчи алоҳида воиз-нотиқлар тарбияланган.

Мана шу масалаларга доир ҳам махсус асарлар яратилгани маълум. Чунончи, XV асрда ўтган олим Абул Ҳасан Наср Марғилоний Махосин «Ал-калом ва бадойи ул низом» (Нутқ гўзаллиги ва бадийят қоидалари) номли китоб ёзган. Муаллифнинг ушбу асарида бадий ва гўзал нутқ маданияти ҳақида баҳс юритилади. (Китоб қўлёзмаси ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади. Қаранг: «Собрание восточных рукописей» АН.Уз ССР, 7-жилд, 167-бет).

Зайниддин Восифий ҳам (XV аср биринчи ярми – XVI аср биринчи ярми) машҳур «Бодоеъ ул-вақоеъ» асарида ўша давр зиёлилари табақасининг маданий ва маънавий савияси, одоб ва ахлоқ тарбияси нақадар юксак бўлганини тасвирлайди. Чунончи, олим ва шоирларнинг бир сухбатини таърифлар экан, Восифий ушбу байтни келтиради:

*Одоб тожист аст нури илоҳий,
Бинех бар сар, барав ҳар жо, ки ҳоҳи.*

²² Илми маъоний – анжуманларда, нутқларда, ташбех, мажоз, истиора, киноя ишлатиш қоидалари. Илми калом – оғзаки ифода қилинган диний-исломий масалаларни Қуръони карим талаблари билан асослаш ва аниқлаш қоидаси.

(Одоб илоҳий нурдан қилинган тождурки,

Уни кийиб ҳоҳлаган жойингга боравер – камлик кўрмайсан.)

Шайх Саъдийнинг бутун Шарқ оламига машҳур «Гулистон» номли дидактик асаридан икки марта (1490 ва 1497 йили) нусхалар кўчирилган. Бу шундан далолат қиладики, ўша даврларда ёшлар тарбиясида мактаб, мадрасаларда «Гулистон» ва шунга ўхшаш ахлоқ, одоб, умумий маданиятга доир асарларга эҳтиёж сезилган. Бобур эса «Гулистон»ни ёд олгани «Бобурнома»дан яққол сезилиб туради.

Шунингдек, Андижон Фарғона давлатининг пойтахтига айлангач, бу ерда ҳунармандчилик турлари ривожланган²³. Бозорларга ҳам катта эътибор берилиб, ҳунармандчилик маҳсулотлари туркуми ва хилига қараб, махсус ажратилган жойларда, фақат бир хил моллар сотиладиган дўкон-расталарда сотиш тартиби ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Шаҳар ички ҳаётида гузарлар ҳам аҳамиятли эди. Ўрта аср гузарлари асосан серқатнов кўчалар кесишган жойларда пайдо бўлиб, атрофдаги бир неча маҳаллани бирлаштирувчи ўзига хос кичик бир марказ ролини бажарган²⁴.

«Бобурнома»да ёзилишича, Андижоннинг учта дарвозаси бўлган. Улар тунда ёпилиб, эрталабки намоздан сўнг очилар, махсус тайинланган дарвозабонлар томонидан кўриқланар эди.

Шундай қилиб, Фарғона мулкининг пойтахти ўларок, Андижон Мовароуннаҳрда ўз даврининг нуфузли шаҳарларидан бирига айланган. Айниқса, XV аср иккинчи ярмида Умаршайх Мирзо мулкидаги бошқа шаҳарларга нисбатан бу ерда маданий ва маънавий ҳаётда сезиларли ўзгаришлар юз берган. Ёш ҳукмдор камолга етгач, 1470 йиллардан бошлаб Андижонга Ҳиротдан,

²³ Шаҳардаги маҳаллаларда «читгарлик», «кигизчилик», «жебачи», «дегрэзлик» каби ҳунармандчилик номлари ҳозиргача сақланиб қолгани ҳам бунинг исботидир.

²⁴ Ўрта аср шаҳар гузарларидан баъзилари Андижонда ҳам сақланган.

Самарқанддан (балки, бошқа шаҳарлардан ҳам) илм ва ижод аҳлини меҳмонга таклиф қилиб тургани ва меҳмоннавозликлар кўрсатгани шубҳасиз. Шу туфайли, юқорида баён қилинганидек, шаҳарда бир қатор олиму фозил кишилар, шоирлар яшаб ижод қилган.

«Бобурнома»да тавсиф этилган Умаршайх Ғазилатлари, унинг тез-тез Хўжа Аҳрор Валий суҳбатларига дохил бўлгани шундай деб хулоса қилишга асос беради.

Зеро, ушбу асарда қайд этилганидек, Мовароуннахрда Самарқанд ва Кешдан сўнг Андижоннинг муҳим шаҳар (қолаверса пойтахт) экани, бу қулай маданий-маънавий муҳитда, шубҳасиз, Эсон Давлатбегимнинг чорбоғи ва асрлар оша мавжуд бўлиб келган «Хўжа маҳалла»нинг ўзига хос ўрни бор эди. Андижонга келган олиму фозил кишилар, меҳмонлар аввало чорбоққа тушиб, «Хўжа маҳалла»да истиқомат қилаётган айрим улуғлар билан мулоқотда бўлишар эди. Умаршайх Мирзо саройидаги, Эсон Давлатбегим чорбоғидаги илмий-адабий, маданий ва маънавий қулай муҳит Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек инсон тарбияси ва маънавияти такомилига ижобий таъсир кўрсатган омил бўлгани шубҳасиздир. Бобур таваллуд топганида Андижонда ана шундай маданий-маънавий иқлим ҳукмрон эди.

Бобур ва унинг тарбиячилари ҳақида

Мана шаҳзода бир ёшдан ўтди. 1484 йилнинг эрта баҳори бошланди. Заҳириддин Муҳаммадни болалигидан «Бобуржон» деб аташга одатландилар. Уни тайинланган махсус энага эмизмоқда. Лекин у ҳали она кўйнида, бешикда катта бўляпти. Қутлуғ Нигорхоним аллақачон дармонга кириб кетган. Эгнига қўполроқ, аммо гулли матодан мўғулча қилиб тикилган узун ва кенг жун кўйлак кийиб олган. Эрта баҳор бўлганидан ҳавода ёқимсиз изғирин эсади. Шунинг

учун ҳам кўйлак устидан туя жунидан тўқилган, энги тирсагидан келадиган аёлларга хос гулли «аёлча жун чакмон» кийиб олган. Китоб мутолааси билан банд. Энага болани эмизиб бўлгач, хос тайинланган канизак алла айтиб, бешикни тебратади. Ўзидан хушбўй таратувчи «хиндистоний» деб аталмиш қора ёғочдан гул солиб ишланган нафис бешикка зарбоф матодан ёпқич қилинган. Бешик касавасига ўрнатилган кумуш ҳалқачага олтиндан ясалган жажжи қўнғироқчалар осилган.

Гоҳида ота – Умаршайх Мирзо кечки пайт мавкаблари (ўз яқинлари) билан бирга қайнонаси чорбоғига кириб келади. Тиззагача тушадиган узун кўйлак устидан ва гулли тоза матодан тикилган тоза камзул ёки зарбоф тўн кийган, бошида кўк рангли шоҳона симоби салла, салланинг олд томони юқорисига подшоҳлик белгиси бўлмиш олтин жиға қадалган. Умаршайх Мирзо машҳур Фарғона зотидан бўлмиш тўриқ отини миниб, чорбоққа келганида симоби салла ўрнига мўғулча бўрк-телпак кийиб оларкан, устидаги зарбоф тўнни ечиб, бешикда ётган севикли фарзандини чўкка тушганича узок эркалатар, бурнини «чимдиб» қўяр, отасига караб жилмайганида, энгашиб юзларидан ўпар эди. Сўнгра бунга ҳам қаноатланмай, Бобуржонни бешикдан ечиб олиб, бағрига босарди. Ҳа, биринчи ўғил фарзанд – Фарғона тахтининг меросхўри алоҳида ардоқда, шунинг учун ҳам ота ҳар куни ёки кунора айрим мусоҳиблар (яқин суҳбатдошлари билан бирга) чорбоққа келиб турарди. У ташриф буюрган кунлари хоналарга кираверишдаги узун айвоннинг сангфарш қилинган зиналарига қимматбаҳо гулдор поёндоз тўшаб қўйиларди.

Подшоҳ ҳазратлари Бобуржонни авайлаб-асрашни ва уч ёшига етгунча махсус тарбиясини қайнонаси Эсон Давлатбегимга топшириб қўйган. Шунинг учун чақалоқни вақтида эмизиш, вақтида бешикка белаб ухлатиш, қизи Қутлуғ Нигорхоним ҳолидан хабар

олиш, унинг пархезли емак-ичмагини таъминлаш ҳам онанинг ташвиши эди. У савдарлар (хос хизматкорлар)ни турли ишларга буюрар, кечки пайт бўлганда қандилдаги шамларни ёқтирар, тутагани ўрнига янги-сини қўйишни буюрар ва ва ҳоказо ишларни шахсан ўзи назорат қилар эди. Бобуржонни бешикдан ечганларида Қутлуғ Нигорхоним уйига олиб киришади. Уйни саранжом-саришта қилиб қўйиш ҳам катта онанинг назоратида. Эсон Давлатбегим бу ва бошқа ўзича зарур деб билган юмушларни амакиваччаси, чайиргина мўғул йигити Алж Дўстбек орқали қилдирар, шунинг учун бу йигит чорбоғда кўпинча она хизматида югуриб-елиб, тез-тез кўзга ташланиб турар эди.

Мана 1484 йилнинг эрта баҳоридан кейинги ҳамал оyi ҳам кирди. Атроф қир-адирлар ям-яшил, баъзи сайхон ерлар лолақизғалдоқлардан алвон-алвон ёнади. Чорбоғда ғир-ғир шабада, аста-секин кунлар ҳам исий бошлади. Ҳамал фасли ўтиб, тезда ёз ҳам келди. Умаршайх Мирзонинг оиласи савдарлару махсус тайинланган беклар билан биргаликда чорбоғдан тўққиз ёғоч масофада Сирдарё бўйидаги қадимий Аҳси шаҳрига кўчиб келиб, ёзни ушбу қароргоҳда ўтказдилар. Аҳси-га борганларида маълум бўлдики, шаҳарнинг дарё қирғоғидаги баъзи жойларни баҳор тошқини ювиб кетибди. Қутлуғ Нигорхоним бир ярим ёшга тўлаётган Бобуржон билан осойиштагина турадиган дурустрок жой-иморат йўқдек, бори эса, Эсон Давлатбегимга маъқул келмади. Бунинг устига дарё суви тунлари қирғоқни шалолатиб ювиб турибди, тунги сув шовқини чақалоқ уйқусини ҳам безовта қилаётир. Шу кўйи икки ойни андак безовталиқ билан ўтказдилар. Саратон оyi тугаб, асад оyi бошланганида дарё суви ҳам мўътадиллашди. Кундузи иссиқ, тунлари салқин.

Қовун капалар бузила бошлагач, Эсон Давлатбегим қизи ва хизматкорлари билан бирга яна Андижонга – чорбоққа қайтиб кетадиган бўлдилар. Бу фикрни Умаршайх Мирзога айтишган эди, подшоҳ қовоқларини

чимириб, «Зарураст-маъзур аст» (яъни, зарур экан, демак маъқул иш), деб қўя қолди.

Шундай қилиб, Эсон Давлатбегим ва Қутлуг Нигорхоним Андижонга чорбоққа қайтиб келишди. Аркони давлат ва хос кишилар эса, куз охиригача Аҳси қароргоҳида қолдилар.

Ёз ўтгани билиниб, чорбоғ ҳам киши безовта бўладиган даражада иссиқ эмас. Мусаффо ҳаво, зилол сувли мармар ҳовуз, салкин кўшк, ҳовуз бўйидаги тиллакори шийпон ҳавоси ёздагидек дим эмас, кечки пайт ғир-ғир шабада эсиб туради. Эсон Давлатбегимнинг хизматкори Бобуржонни бешиги билан шийпонга олиб чикиб беради.

Шийпонга қимматбаҳо матолардан қилинган алвон кўрпачалар солинган. Қутлуг Нигорхоним яшил шойи кўйлак устидан худди камалакдек етти рангда товланадиган матодан тикилган қабо кийиб олган. Сидирға оқ атлас кўйлак устидан узун камзул кийиб, бошига ҳарир дакана ўраган Эсон Давлатбегим ёстикқа ёнбошлаган, ёстик устида қандайдир китоб. Иккита хизматчи аёл навбатма-навбат елпиб туришибди.

Айни хурсандчилик кунлари, беташвиш тинчмасъуд шукрона дамлар бирин-кетин ўтмоқда. Кунлар ойларга, ойлар йилларга туташган. Ниҳоят, 1486 йил баҳори ҳам келди. Бобуржон муборак уч ёшга тўлди. Ажойиб тетик-диркиллаган, касаллик нималигини билмасдан, соғ-саломат ўсмоқда, кўзлари чақнаб турибди. Питирлаб бир жойда турмайди. Тетапоя бўлганидан бошлаб уй ўртасига қўйилган олти оёкли миз – стол устидаги бахмал ва чарм муқовали китобларга интилади. Довдираб аста юриб бориб, қозиқда осиглиқ турган қиличга қизиқиш билан қарайди, суяниб туриб уни олмоқчи бўлади, чираниб кўл узатганида йиқилиб тушади. Бошқа болаларга ўхшамайдиган, ҳайратга солувчи қилиқлари бор.

Шаҳзода Бобур шоҳона оилада, она қўйнида ана шундай ўғил бўлиб ўсмоқда. Энди унинг тарбияси-

га алоҳида эътибор бермоқ лозим. Шарқона таълим қоидасига кўра, уч яшарлигиданок бағрини илму урфон нури билан ёритиш тараддусига киришмоқ керак. Шу билан бирга соғлом танда соғ ақл деганларидек, шахзоданинг дуркун, бақувват бўлиб ўсишига ҳам алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Жисмоний тарбияга ку андак вақт бор, аммо Бобуржоннинг айна саводини чиқаришга киришмоқ вақти келди. Ислом динимиз қоидаси ҳам болани уч яшарлигидан бошлаб ўқитмоқни тақозо этади. Давр талаби шундайки, Ислом дини қоидасига биноан, савод чиқаришни Аллоҳнинг Каломидан, сўнгра араб тилидан бошламоқ лозим. «Қуръон эшитишга буюрганимизни эсла», дейилибди Аҳқоф сурасининг 29-оятида. Шунга биноан, Бобуржонни ухлагани ётқизишганида Эсон Давлатбегим тайинлаган қори кириб, бош томонида чўкка тушади-да, Қуръони каримдан аста кироат бошлайди, шахзода ухлагач, юзига фотиҳа тортиб, аста чиқиб кетади.

Шу йил қиш кириши билан алифбо ўрганишига бошладилар. Мана, махсус тайинланган биринчи муаллим алифбо ўргатишнинг анъанага айланиб қолган ибтидосидан бошлади:

*«Алиф, лом, забар – ал,
Хе, мим, забар – ҳам: ал ҳам.
Дол, печ – ду: Алҳамду...»*

Бу – «ҳа» араб алифбосидаги илк ҳарфларни ўргатиш ҳамда Қуръони каримнинг Фотиҳа сурасини ўқитиш қоидаси бўлиб, дастлабки савод чиқариш ибтидосидир. Бобуржон биринчи кунданок ўқитувчисини ортиқча қийнамади – ушбу қоида билан тезда «Алҳамду» калимасининг тўғри талаффузини ўрганиб олди, ҳарфларини таний бошлади. Аслида, ушбу талаффузнинг «зер-забар» қоидасини ўн марталаб такрорлаш лозим. Лекин зукко шахзода 3–4 марта қайтаришдаёқ ўрганиб олди, биринчи кундан бошлаб ўқитувчисининг иши осон кечди. Бироқ болани бездирмаслик учун

шошилмаслик керак. Суранинг иккинчи, учинчи оятларини ўргатиш кейинги кунга қолдирилди.

Эртасига ҳам ўқитувчи унча қийналмади – Фотиҳа сурасининг «...Лиллаҳи, раббил аламин» калималарини тажвид қоидаси билан тушунтирган эди, Бобуржон тез ўрганиб олди. Талаффузида деярли хатолик сезилмагач, ушбу суранинг навбатдаги калималари ҳам белгиланганидан ортиқроқ ўқитила бошланди.

Шу тарзда бир ҳафта ичида Бобуржон Фотиҳа сурасини тажвид (тўғри қироат) қоидаси билан ёд олиб улгурди. Ваҳоланки, одатга кўра, бунга бир ойча вақт сарфланар эди. Шаҳзоданинг қувваи ҳофизаси ниҳоятда кучли эканидан, ёш бўлса ҳам, ўқишга қизиқаётганидан барча хурсанд. Савод чиқариш қоидасига биноан, Қуръони каримнинг биринчи сураси ёд олингач, навбатдагилари фурсати билан ўрганилаверади. Энди араб тилининг «Сарф» ва «Наҳв» (фонетика ва морфология) қоидаларини ўргатишга киришмоқ лозим. Арабча феъл шаклларини ёд олиш керак: «фаъла», «фаъъала», «фоъала», «афъала»...

Бобуржон тўрт ёшга тўлганида араб тилининг «сарф» қисмидан хабар топди, ёзувини ҳам ўрганиб улгурди, анча-мунча китобларни ўзбошимчалик билан «таталаб» ўқишга-киришган эди, аммо ўқитувчиси бунга йўл қўймади – тартиб бузилмаслиги керак. Фақат «Қобуснома» ва «Калила ва Димна» каби тарбияга оид китобларнигина ўқитади, ундаги ҳикоялар асосида таълим беради, ўшанда ҳам оз-оздан. Бобуржон ушбу китобларнинг айрим бобларини ҳайрон қоладиган даражада тезда ёд ола бошлади. Отаси Умаршайх Мирзо аркдан чорбоққа келганида, баъзан ўғилчасининг билимини текшириб кўриш учун ўша «Қобуснома»дан, «Калила ва Димна»дан сўраса, бийрон тиллари билан дадил жавоб бермоқда. Ота хурсанд бўлганидан болани бағрига босади.

Ҳа, «Ал илму-фиссиғари, каннақши алал ҳажр» (Ёшлиқда олинган илм гўё тошга ўйилган нақшдир) деган

араб мақоли бекорга айтилмаган, кўнглидан ўтказди подшоҳ бир куни, ўғлини эркалатиб ўтираркан.

Энди бола жиддий равишда Куръон ўқишни бошласа бўлади, тажвиддан ҳам секин-аста ўрганиб боради. У мана 4 ёшга тўляпти, энди махсус устоз тайинланмоғи лозим.

1487 йилнинг кеч кузи эди, Тошкентдан нохуш хабар келди: анчадан бери фалаж ётган бобо Юнусхон вафот этибди. Фарғонанинг аркони давлати оёққа калқиди. Умаршайх Мирзо оиласи мотамда. Барча Тошкентга отланди... Шу муносабат билан ва мархумнинг дуофотиҳа кунлари шаҳзоданинг ўқишига эътибор камайгандек бўлди, вақтинча танаффус берилди...

Мана 1488 йил ҳам кирди. Энди Бобуржонга аста-секин ҳадис илми, шариат қонунларини ҳам ўргатишни бошламоқ лозим. Араб тили граматикасини-ку, ўрганиб боряпти. «Фаъала» феълини ёдлаб олган: унинг ҳаммаси бўлиб 14 та кўриниши бор. Бобуржон ҳаммасини «ипга тизиб» ёд олган, сўраган одамга адашмасдан бийрон тиллари билан айтиб беради.

Бобуржонни энди жиддийроқ ўқитиш вазифасини Эсон Давлатбегим чорбоғи ихтиёридаги «Хўжалар» маҳалласида истиқомат қилувчи асли андижонлик, келиб чиқиши саййидлардан бўлмиш «Бобурнома»да «бисёр хушсуҳбат ва хуштаъб ва ширин калом киши» дея тарифланган Мавлоно Шамсуддин Мир Сарбораҳнага топширдилар. Мавлоно Шамсуддин чорбоққа таклиф қилинди.

Умуман, юқорида айтилганидек, Умаршайх Мирзонинг 32 йил давом этган ҳукмронлик даврида пойтахт Андижонга кўплаб олиму фозил кишилар атроф шаҳарлардан келиб-кешиб туришган. Гўдаклик йиллари Бобуржон уларнинг кўпини кўрган. Зеро, бундай олиймақом меҳмонлар Эсон Давлатбегим чорбоғида бўлишган ва баъзилари биз тилга олаётган ўша «Хўжалар» маҳалласида истиқомат қилишган. Фақат шаҳзода ҳаммасининг исмларини билавермайди.

Эндиликда аниқланишича, бутун Шарқда «Махдуми Аъзам» номи билан маълум ва машҳур бўлган Саид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний ҳазратлари ҳам Бобурнинг гўдаклик йиллари Андижонга кўчириб келтирилиб, катта ҳурмат-эҳтиромлар билан чулганган.

Умаршайх Мирзо ҳазратга шаҳар ташқарисидан, калъанинг шимолидан махсус ҳовли-жой ажратиб, кейинроқ масжид ҳам қурдириб берган. Бизнинг ҳисобимизча, Махдуми Аъзам жаноблари Андижонда 15–16 йил истиқомат қилган (1484–1501) ва шубҳасиз, Бобуржон тарбиясида сезиларли из қолдирган. (Бобур бу зотни кейинча «пирим» деб йўқлагани ҳам бежиз эмас, албатта). Аммо Шамсуддин Мир Сарбароҳна шаҳзода тарбиясида иштирок қилгани шубҳасиз.

Мана Бобуржон 5 ёшга қадам қўйди. Энди одоб-ахлоқ жиҳатидан унинг тарбиясига жиддий киришмоқ лозим. Аввало, Ислом рукнларининг боши беш вақт намоз ўқишга ўргатдилар. «Кобуснома», «Калила ва Димна»дан олган дастлабки маълумотларини чуқурлаштирмоқ, гўдаклигида эгаллаган билимларига ҳаёт суви бермоқ, ақли-вужудига сингдирмоқ лозим.

Хўш, бунинг учун ишни нимадан бошламоқ керак?

Бу ишни Саъдий Шерозийнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) бутун Шарқ оламига манзур бўлган «Гулистон» асарини ўқитишдан бошламоқ лозим. XIII асрда ўтган ва Шайх Саъдий номи билан ислом оламига машҳур бўлган Муслиҳиддин ибн Мушрифиддиннинг Шерзода 1258 йили ёзилган ўша машҳур асари инсон тафаккурининг тоза гавҳарларини ўзида мужассам этган ноёб китоб саналар эди. Унда деҳқон, ҳунарманд, дарвешлар тимсоли орқали оддий меҳнаткаш халқ ҳаёти рўйирост талқин қилиб берилган. Мана шу усул билан муаллиф ўз таълим-тарбия қоидаларини ишлаб чиққан ва ҳукмдорларни ҳам халқпарвар, софдил, мард ва ростгўй бўлишга ундаган²⁵.

²⁵ Саъдий Шерозий «Гулистон»ининг тадқиқотчиси, озарбайжонлик олим Р.М.Алиев ушбу асарга таъриф берар экан, бундай деб ёзади: «Гулистон» жаҳон маданияти ҳазинасида ҳаққоний равишда фахрий ўринлардан бирини эгаллайди. У ибрат-

«Гулистон» форс тилида ёзилган. Аммо, араб тили ва имлосини яхшилаб ўзлаштирган Бобуржон домласи ёрдамида форс тилини ҳам қийналмай ўргана бошлади. Асарни ҳижжалаб ўқишга киришди-ю, маъносига асир бўлиб қолди. Донишманд домла дастлаб мана бу ҳикояни ўқиттирди ва маъносини биргалашиб талқин қилдилар: Бир ўқитувчи подшоҳзодага таълим бериш жараёнида бола унча тушунавермаса, ҳеч кўркмасдан уни урибди, қийнайверибди. Подшоҳзода отасига бориб ўқитувчисидан шикоят қилибди. Хукмдор ўғлига раҳми келиб, устозини чакиртириб дебди: «Ҳеч кимнинг боласига азоб бермай, нега менинг подшоҳзодамни азоблайсан?» Устоз жавоб қилибди:

– Одамлар умумхалқ, «авомуннос»дир. Уларга авомларга хос таълим берилади. Подшоҳзодалар тарбияси эса хос тарбиядир. Бас, шаҳзодалар ахлоқини тузатиш ва вояга етишлари учун уларга эътиборни ҳам зиёда қилмоқ лозим, деб ушбу китъани ўқибди (таржимаси):

Агар авом халқдан юзта айб келса, Дўстлари билмайди юздан бирини, Агар подшоҳдан битта айб келса, Иқлимдан-иқлимга элтар барини.

Подшоҳ ўғлининг устозидан мамнун бўлган экан. Буни ўқиб, устози ёрдамида маъносини ҳам тушунган Бобуржон ичида ўзича ўйланди: «Йўқ, мен ҳам шаҳзода, аммо ўқишда ўша подшоҳ фарзандидан фарқ қилишим керак, отам шаънига доғ бўлмасин». Беш яшар боланинг бундай ички кечинмаси тарбиятқунандасининг вазифасини бир оз бўлса-да енгиллатарди. Форс тилида ёзилган бўлишига қарамай, «Гулистон»нинг маъно ва мазмуни Бобуржонни аста-секин ўзига торта борди, у асардаги бутун-бутун ҳикояларни, шеърий китъа, байтларни тезда ёдлаб оладиган бўлди. Хаёлида келажак ҳаётида учрайдиган

ли-дидактик (яъни, насихатлар билан таълим берувчи) китоблар қаторига кирази. («Гулистон». Москва, 1959, 7-бет) Саъдийнинг ўзи эса бундай деб таъриф беради: «Гулистон»да «шифо берувчи насихатлар дури гўзал иборалар ипига тизилгандир» (8-бет) Бу асар барча Шарқ мамлакатларида 200 мартага яқин, Оврўпада эса, бир неча ўн марта нашр қилингани маълум.

барча мушкулотларни ечиш калити гўё «Гулистон»-да эди. Бора-бора ушбу китоб таҳсилага шундай берилиб кетдики, домласи берган дарсдан сўнг ҳам ётар пайтларда катта қандилда ёниб турган шамлар ёруғида ҳам ўқир эди, мулозим эса, Бобуржоннинг ухлашини кутиб, шамларни ўчиришга юраги бетламасди²⁶.

Бобуржоннинг ўткир зехни, ёддошлиги бора-бора атрофдагиларга ҳам маълум бўлди. Устозларининг унга тикилган синчков назарлари боланинг келажагини адашмасдан башорат қиларди. Баъзан Бобуржон мулозими Нўён Кўкалдош, опаси Хонзода бегим билан бир онани эмиб ўсган эди. Она қариндоши Ширим тоғойилар китоб қўлтиқлаб келаётган шаҳзодага қараб, унинг намоён бўлаётган истеъдодига ўзларича баҳо бериб, орқасидан мийиғида кулиб кўярдилар. Баъзан бола ҳақида бошқалар билан ўзаро суҳбатлашиб, унинг келажагини ўйлаб, хурсанд бўлардилар, «кўз тегмасин» деб, орқасидан ирим-сирим қилиб қўйишни ҳам унутмасдилар. Бобуржон эса, бунга эътибор бермайди – хаёли фақат китобда, ёд олаётган ҳикояларда. Устози ҳафтанинг маълум кунларида Ҳофиз Фирдавсий асарларидан ҳам ўқиб берарди. Опаси Хонзода бегим ҳам ўқишларида кўмакдош эди.

Шаҳзода Бобур 5 ёшга тўлганида тенгқурларидан гавдалироқ, анча тетик ва соғлом кўринарди. Бунга эътибор қаратган ота Умаршайх Мирзо ўғли шаҳзодага энди жисмоний тарбия бериш, аста-аста ҳарбий машқларни ўргатишга киришмокни ўйлар эди. Бунинг учун эса қулайлик бор. Катта бобоси улуғ Соҳибқирон Амир Темурнинг «Тузукоти темурий» асари тайёр қўлланма бўлиши мумкин. Унда тарбия тўғрисида, жангу жадал, баҳодирлик масалаларига бағишланган яхши ҳикматлар келтирилган.

²⁶ Дарҳақиқат, Бобур Саъдийнинг «Гулистон» асарини мустақил равишда кўп муталаа қилгани «Бобурнома»дан ҳам сезилиб туради. Ундаги баъзи ходисалар баёнида «Гулистон»дан ёдлаб олинган айрим таълимий ғазаллар, фикрлар мисол келтирилган.

1488 йилнинг баҳори эди, Эсон Давлатбегим чорбоғига Самарқанддан чопар келди. Бобуржоннинг амасиси, яъни Самарқанд ҳокими, Умаршайх Мирзонинг акаси, Султон Аҳмад Мирзо укасини тўйга айтиб юборибди, уйланад эмишлар. Аслида-ку, унинг учта хотини борлиги маълум. Улардан беш нафар киз фарзанди бор, аммо ўғли йўқ (кўрган ўғли бир ёки икки ёшида ўлиб кетган). Хон, султонларнинг бир умр орзуси – тахт вориси бўладиган ўғил фарзанд кўрмоқдир.

Шу боисдан бўлса керак, акаси Термиз хонлари авлодидан бўлмиш Хонзодабегим исмли гўзал қизга уйланадиган бўлибди. Бобуржонни ҳам Самарқандга, шу тўйга олиб боришмоқчи. Бу унга улуг бобоси Соҳибқирон Амир Темур макбарасини зиёрат қилиб, унинг харбий фаолиятига ошно бўлиш учун ҳам қулай имконият.

Кутлуг Нигорхоним ва онаси Эсон Давлатбегим Бобуржонни тўй совғалари билан амакисининг тўртинчи марта уйланиш тўйига жўнатишди²⁷.

Ўшанда Самарқандда беш ёшли Бобуржон ҳаётида унутилмас учта воқеа юз берди. Бири – янги келинчак юзини Бобуржонга очтириш маросими. Бу ҳақда Бобуржоннинг ўзидан эшитайлик: Келинчакнинг «ҳануз юз ёпуғи бор эди. Туркона расм билан менга буюрдилар, мен юзини очдим» («Бобурнома», 45-бет).

Дарҳақиқат, туркий халқлар одатига кўра, «юз очди» маросими тўйларимизда ҳамон сақланиб келяпти. Илгарилари келинчак юзидаги пардани пок нафасли, беғубор ўғил бола ният билан очиши шарт эди. Султон Аҳмад Мирзонинг эса ўғли йўқ. Шунинг учун, адибимиз Пиримкул Қодиров «Бобур» романида ёзганидек, «Бобурга подшоҳ оиласи ҳавас билан қарар эди». Янги келиннинг тўнғичи ўғил бўлсин деб, яхши ният билан қуда-андалар юз очишни Бобуржонга муносиб кўрдилар. У келинчак юзидаги ҳарир шойи пардани секингина тепага кўтариб қўйди. Йиғилганларнинг

²⁷ Ука – Умаршайх Мирзонинг тўйига борган-бормагани манбалардан маълум эмас.

шодлик овозлари бутун атрофни тутиб кетди. Бобур-жон билан бирга қўшиб келин устидан аввал тангалар, сўнгра турли қанд-курс, ширинликлар сочилди. Бу маросим умрбод ўчмас бўлиб, шаҳзода Бобур хотирасида мухрланиб қолди (кейинчалик «Бобурнома»да ҳам тилга олиб ўтилгани бунинг исботидир).

Ёддан чиқмас иккинчи воқеа амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг 4–5 яшар ўртанчи қизи Ойша бегимни Бобуржонга унаштиришга бағишланган «қулоқ тишлатти» маросимидир. Бу удум ўтган йили вафот қилган катта ота Юнусхон васиятига биноан уюштирилган, дейиш мумкин. Чунки подшоҳлар ётдан келин олмаганларидек, ётга қиз ҳам бермайдилар. Мана шу анъанага кўра, аёллар орасида зўр тантана бўлиб ўтди. Бу ҳам туркий халқларга хос қадимий урф-одат бўлиб, асосан ака-укалар ёки бир-бирини яхши биладиган кадрдон оилалар ўртасида яхши ният билан бажо келтирилади. Ушбу одатга биноан, бир-бирига қариндош ёки яқин икки оилада туғилган ўғил ва қиз фарзандлар ёшлигиданоқ эзгу орзулар билан ўзаро унаштириб, яъни «қулоқ тишлатти» қилиб қўйилади.

Бу ҳам туркий халқларнинг никоҳ маросимларига хос равишда ва шариат қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади²⁸.

Ойша бегимни Бобуржонга унаштиришга бағишланган ўша аёллар маросимида, удумга кўра, кўпни кўрган, элда ҳурмат-эътибор қозонган, ували-жували кекса аёллар иштирокида иккала болани келтириб, катта тоғорага ўтирғиздилар. Уларнинг орқа этакларини бирга қўшиб йиртишди ва Бобуржонга Ойша бегимнинг қулоғини аста тишлатишди. Сўнгра бола-

²⁸ Бу қадимий анъана турли жойларда турлича аталиб, ҳозиргача давом этади. Масалан, Фарғона водийида «қулоқ тишлатти», «этақ йиртти», баъзан оддийгина «унаштириш» деб ҳам аталади. Тошкент томонларда эса, «бешик кертти» деб юртилади. Айрим халқ достонларида, масалан, «Алпомиш» достонида «бешик кертти» деб ака-укалар фарзандларининг бир-бирига унаштирилгани ҳикоя қилинган. (Қаранг: «Мозийдан садо», 2007 йил, 4-сон, 32-бет.) Бобур Ойша бегим ҳақида хабар берар экан, «Беш ёшлигимда Самарқандга келганда манга кўлуб (яъни атаб қўйган) эдилар», деб ёзади («Бобурнома», 44-бет).

ларни тоғорадан кўтаришиб, устиларидан турли ширинликлардан «сочқи» қилдилар. Болалару қизлар тўс-тўполон, қий-чув остида ширинликлардан териб олдилар. Сўнгра кайвоний аёлнинг бошлаб бериши билан барча қўшилишиб лапар қўшиқлар айтишгач, навбат ўйин-кулгига берилди. Ниҳоят, маросим сўнгида Куръони каримдан тиловат қилинди, дуолар ўқиб, яхши фотиҳалар қилишди ва Аллоҳдан икки боланинг келажак бахтини тилаб, тарқалишди.

Ёшгина Бобуржон бу маросимга ўша пайтда эътибор ҳам қилмаган. (Бу ҳақда «Бобурнома»да ишора бор, холос. Лекин ота-оналар қилган аҳду паймонларига кўра, кейинча Бобурни Ойша бегимга уйлантиришган.) Шаҳзода Бобурнинг Самарқанд шаҳрига сафаридаги учинчи кундаги эсдан чиқмас воқеа улуг бобоси – Соҳибқирон Амир Темур қабрини зиёрат қилиш бўлди. Ушбу шаҳар шу киши туфайли бутун жаҳонга машхур бўлган. Бундан 87 йил илгари (1405) вафот қилган улуг бобосининг қабр-мақбараси ушбу шаҳарда. Бобуржонни махсус зиёрат қилдириш учун «Гўри амир» деб аталган маҳобатли мақбарага олиб боришди. Ушанда Эсон Давлатбегим бирга эди. У набирасига деди: Менинг Бобуржоним, шаҳзодагинам! Отанг томонидан катта бобонг бўлмиш улуг Соҳибқирон Амир Темур қабри шу, у қабр ичидан сенга боқиб: «Эй менинг наслим давомчиси, мендек бўлишга лаёқатинг борми ёки йўқми?» деб сўраб тургандир. Шунда Бобуржон деди: «Мен катта бобом даражасига етгудек лаёқат пайдо қилишга сўз бераман». Буви набираси жавобидан қувониб кетди. Кейин Амир Темур қабрининг бош томонига ўтиришиб, Куръон тиловат қилдилар, дуо-фотиҳа ўқишиб, хурсандчилик кўз ёшлари тўқдилар.

Мана, Самарқанд сафари ҳам тугади, Андижонга қайтишди. Айтилганидек, Заҳириддин ёшлигиданок зехни ўткир бола чиқди. Умаршайх Мирзо давлат ишларидан хотиржам бўлган пайтлари қайнонасининг чорбоғига келарди. Ўғлини эркалатар, нималарнидир

ўргатар, ота-бола ўзларича гаплашар эди. Сўнгра болани ўқитувчисига топшириб, ўзи Куръон тиловатига бериларди. Кўпинча ота Бобуржонни ёнига ўтқазиб олар, ўғил ҳам гўдаклик тасаввури билан отасининг тиловатига кулоқ солиб, ўзича муқаддас исломий қоидалар ва одатлар ҳақида ҳаёл сураб ва отасидек комил муслмон бўлиб ўсишни ўйларди.

Дарҳақиқат, Умаршайх Мирзо исломий эътиқоди мустаҳкам, ҳанафий мазҳабидаги подшоҳ эди. Ҳожа Аҳрор ҳазратларининг этагини ушлаган мурид ўларок, пири «суҳбатларига бисёр мушарраф бўлуб эди». Пири ҳам уни «фарзанд деб эрдилар» («Бобурнома»). Одати бўйича, у кўпинча Хисрав Дехлавий ва Низомийлар «Хамса»сини мутолаа қилар эди. Жалолиддин Румийнинг машҳур «Маснавий»си ҳам қўлидан тушмасди. Шунингдек, тарих китобларини севарди. Кўп ҳолларда Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини ўқир эди. Табиийки, отаси китоб мутолаа қилган онлари ҳам унинг ёнида бўлар, китобларга болалик кўзи билан термилар, гўдаклик ҳаёллари канотида узоқ келажакка парвоз қиларди.

Умаршайх Мирзода назм таъблик ҳам бор эди. Аммо, ўғлининг ёзишича, шеърятга бепарво эди. Лекин у шижоатли, шу билан бирга адолатли, ҳалол ва одил, олийҳиммат подшоҳ бўлгани шубҳасиз («Бобурнома»да унинг адолатпешалигига мисоллар келтирилган).

Мана шаҳзода Бобур 6 ёшга тўлди. Инглиз олими Херальд Лембнинг ёзишича, уни «ичкаридан», яъни аёллар хонасидан олиб чиқиб, эркакчасига тарбиялай бошладилар. Шаҳзода тарбияси билан энди кўпроқ эркаклар шуғулланарди.

Шундай қилиб, Бобуржон Андижонда ҳукм сурган қулай маънавий-маърифий муҳитда ўсиб улғая борди. Тайёрланган махсус мураббий уни мустақил равишда китоб мутолаа қилишга ўргатди. Дастлаб, айтилганидек, Шайх Саъдийнинг машҳур «Ғулистон»идан ёд

олиш, «Қобуснома» билан ошно бўлиш, айрим жангномаларни ўрганишга кўп вақт сарфлади. Мураббийлар унга қунт билан таълим бера бошладилар. Арабий, форсий, туркий тиллардаги адабиёт, айникса, шеърят билан таништирдилар.

Самарқанд, Хирот, Кундуз, Балх ва бошқа юртлардан ота қариндошлари, Мўғулистон томонлардан она қариндошлари Андижонга тез-тез меҳмонга келишар, катта она чорбоғига тўпланишар эди. Уларнинг ўзаро суҳбатлари зийрак Бобуржон қулоғига чалиниб, эшитган қизиқ-қизиқ саргузаштлари, янги-янги хабарлар, муҳим туюлган маълумотлар унинг гўдаклик тафаккурини кенгайтирар эди.

Юқорида ёзганимиздек, Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» асарида икки андижонлик шоир – Сафойи Андижоний ва Юсуф Андижоний ҳақида маълумот бериб ўтган. XV аср II ярмида яшаган бу ижодкорларнинг тавваллуд ва вафот йиллари ҳақида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Навоий ҳам бу ҳақда ёзмаган. Аммо Бобурда шоирлик истеъдоди шаклланишида уларнинг таъсири ҳам шубҳасиздир. Андижонда бўлганларидан бу шоирлар Умаршайх Мирзо саройига ҳам дахлдор эдилар. Балки, аввалроқ Абу Саид Мирзо ёш ўғли Фарғона подшоҳи хизматида бўлишини сўрагандир. Андижоннинг маданий-маънавий муҳитига оид бундай «майда, хусусий» тафсилотлар, афсуски, манбалаларда учрамайди. Бу ҳақда фақат тахмин қилиш мумкин.

Алишербек исмли хиротлик ёш шоир доврўғи Фарғонага – пойтахт Андижонга ҳам аллақачон етиб келганди. Эндигина 26–27 ёшга тўлган навқирон Низомиддин Алишер Навоий 1468 йили Самарқандга яшамокка келганидан хабар топган айрим андижонлик адиблар у билан танишгани зиёратига боришган. Улуғ шоир суҳбатларида бўлганларида Навоий ҳам ўз бобокалонлари юрти бўлмиш Фарғона, унинг пойтахти Андижон шоирлари ҳақида қизиқиб сўраб-суриштиргани ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Яна эҳтимолки, Навоий Ҳи-

ротга кайтиб келгунича (икки йил) улар ҳам устоз ҳузурида бўлишгандир. Эндиликда савол туғилади: Сафойи ва Юсуф Андижонийлар Ҳиротга Навоий билан кетдиларми ёки Андижонга қайтишдими? Фикримизча, улар она шаҳрига қайтишган. Чунки подшоҳ Умаршайх Мирзо ҳурмати шуни тақозо этарди. Аммо бу муаммолар кўшимча тадқиқот талаб қилувчи мавзулардир. Қолаверса, ўшанда Хуросонда кечаётган сиёсий воқеалар шундай эдики, Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини эгаллагач (1469), дўсти Навоийни Самарқанддан чакириб олар экан, улуғ шоир ҳам дабдурустдан Ҳиротта мухлису шогирдлари билан эмас, аввалига ўзи кетган бўлади. Бинобарин, иккала андижонлик шоир, таъкидлаганимиздек, Самарқанддан Андижонга қайтишган. Воқеалар тафсилоти шуни кўрсатадики, Умаршайх Мирзо Аҳсида кутилмаганда ҳалокатга учрагач (1494), пойтахт Андижонда парокандалик, бесаранжомлик бошланди, дастлаб қандайдир элавлашишлар юз берди. Бошбошдоқлик ҳукм сурди. Бунинг оқибатида кўпгина олиму фозил кишилар, айрим шоирлар ҳижратга кетиб қолишгани аниқ. Сафойи Андижоний Самарқандда, Юсуф Бадиий эса, Сарахсда вафот қилди. Афсуски, «Бобурнома»да ҳам, «Мажолис ун-нафоис»да, бошқа ишончли манбаларда ҳам тафсилотлар ўз аксини топмаган. Эндиликда бобуршунослик ва навоийшуносликда пайдо бўлаётган, бир қарашда «иккинчи даражали» кўринган бундай масалалар келажакда адабиётшуносликда ўз ечимини топади, деган умиддамиз.

Биз эса мавзуга оид баҳсимиз, яъни шаҳзода Бобур тарбияси ҳақидаги мулоҳазаларимиз баёнида давом этамиз.

Тасаввуримизга кўра, кунлардан бир куни (1487–1488 йиллари бўлса керак) икки шоир – Сафойи Андижоний ва Юсуф Андижоний Эсон Давлатбегим чорбоғига таклиф қилинадилар. Мақсад – шаҳзода Бобуржон тарбиясига уларни ҳам жалб қилиш, унга

шеъриятдан дарс бериш, адабиёт таълимотининг ибтидосини ўргатиш эди.

Навоий таърифидан биламизки, Сафойи Андижоний соддагина йигит, ўзига ўхшаганлар суҳбатини ёқтирарди. Юсуф Бадиий эса, кўринишдан чиройли ва кўркем, суҳбати ширин йигит эдию («Бот бузург маниш ва мутасаввур йигит... яхши суҳбати бор эрди»). Шу билан бирга арузни ҳам яхши биларди²⁹.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Навоий Самарқанддан Хиротга қайтиб кетгач, иккала шоир ҳам Андижонга қайтишган кўринади. Бобур таваллуд топган йиллари, шубҳасиз, улар Андижонда эдилар. Бобуржон 4–5 ёшга тўлганда, яъни 1487–1488 йиллари Умаршайх Мирзо уларни ўғлига шеъриятдан дарс бериш учун чорбоққа таклиф қилган бўлади. Уларнинг шаҳзодани шеърият билан ошно қилишдаги биринчи иши шундан бошландики, Алишербекнинг 5 яшарлигиданок айтган ва тарихларда келтиришича, устоз шоир Лutfийни ҳам қойил қолдирган ушбу мисраларни ёд олтирдилар:

*Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғач қуёш*

Беш яшар гўдакнинг ўз давридаги буюк шоирни ҳайратга солган ушбу ғазали шу ёшдаги Бобуржон хотирасида ҳам ўрнашиб қолди. Гарчи ғазал маъносини ҳозирча чуқур тушунмаётган бўлса ҳам, аммо ўзи тенги боланинг бундай шеър айтиши, шубҳасиз, унинг ғурурини қитиқлаган, Алишербекка ҳурмат, қолаверса, шеъриятга ҳавас уйғотгани шубҳасиз. Вақт ўтган сари бу ҳавас унда ишққа айланади. Устозлари эса, гўдак шогирдидан, унинг фавқулудда истеъдодидан беҳад мамнунлар. Улар Бобуржон қалбидаги бу истеъдод куртагини аниқ мақсад сари парвариш қилиб етилтиришга ва ғазал илмини алифбосидан бошлаб унинг қалбига жо қилишга, шу илм мазмуни ва моҳиятини ўргатишга киришдилар.

²⁹ Алишер Навоий. «Мажolisun nafois», 54,55- бетлар.

Аввало, Бобуржонга Шарқ ғазалиётида ишлатиладиган қофиялаш усулларида сабоқ бердилар. Бобуржон дастлаб «хазаж» баҳрини ўрганди. Сафойи Андижоний бу усулдаги туркий ғазаллардан мисоллар келтирди. Юсуф Бадиий эса, шогирдига шеър тузишдаги «эйҳом», «лаффи нашр» қоидаларидан кунт билан дарс берди. Шунингдек, устозлар ёш шогирдига шеъриятда ишлатиладиган бадиий воситалар: таносиб, тазот, ташбеҳ, истиора каби тушунчалар ҳақида сабр-тоқат билан маълумотлар, мисоллар келтиришди.

Орадан яна икки йил ўтди, шаҳзода етти ёшга тўлди. Бу орада Саъдийнинг «Гулистон» нини икки сидра ўқиб улгурди. Устози Бобуржонга форс тилида вазифа берар, бажаришга муддат тайинларди. Шогирд эса, вазифага қизиқиб кетиб, гоҳо икки ҳисса бажарар эди. Умуман, ёш бўлишига қарамай, шаҳзодада шеъриятга меҳр уйғонди. Халкнинг кундалик жонли тилида, туркона одми, шу билан бирга бадиий ўйноқи ғазаллар битиш сирларини ўргатдилар. (Кейин бошланган ижод йиллари устозларидан ўрганган усуллар ва қоидалар унга хилма-хил ва сержило лирик шеърлар яратишида ниҳоятда қўл келди. Шеърият бобида олган тарбияси ўзбекона рух ва тимсолларга бой ва нозик дидли ғазаллар яратишда ўз натижасини берди.)

Ўша давр табобат илмида болалар саломатлигини асраш муҳим масала эди. Қизамик, чечак, безгак, кўк йўтал каби касалликлар гўдаклар ҳаёти учун ҳаққоний офат эди. Шаҳзода бу дардларга чалинмаслиги учун чорбоғда махсус табиб ҳам истиқомат қиларди. Табиб удумга биноан ҳар йили маълум касалликка қарши «эмлаш» усуллари кўллар эди. Бобуржонни чечак касалидан сақлаш учун етти ёшга тўлганида мўғул табиб маслаҳати билан бўйнига кўк феруза тош осиб, кўлига ҳам боғлаб кўйдилар. Хайрият, шаҳзода касалликка учрамай, соғ-саломат ўсмоқда эди.

Кунлардан бир кун Бобуржон «Гулистон» нинг тарбия ҳақидаги еттинчи бобини ўқир экан, куйидаги ҳикоя унинг диққатини тортди:

Бир ҳоким ўғилларига шундай насиҳат қилибди: «Эй, ўғилларим, ҳунар ўрганинг, бу дунёнинг мулк-давлатига ишонманг. Сизларнинг бу мансаб-мақомингиз шаҳар дарвозасидан ташқарига чиқмас. Олтин, кумушлар доимо хатардадир, ўғри бир марта ўғирлаб кетар ёки эгаси оз-оздан сарф қилиб тугатар. Аммо ҳунар оқиб турган булоққа ўхшайди. Ҳунарманд давлатидан ажралса ҳам қийналмайди, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, кадр топади. Ҳунарсиз қайга борса, овқат сўрайди ва машаққат кўради».

Бобуржон ҳокимнинг ўғилларига қилган бу ҳаётий насиҳатини ўқир экан, болаларга хос ҳаёл суриб, андак толди, насиҳат унга ҳам таъсир килди чоғи, ҳа, ҳунар ўрганмоқ керак, ҳунар инсонга йўлдош, ҳар хил бойлик чўнтакдаю сандиқда туради. Ўрганган ҳунарингиз эса калладаю дастингизда, доим ўзингизга йўлдош бўлади. Унинг болалик онгида мана шу тушунча шаклланди.

«Гулистон»даги ҳикоятдан сўнг Саъдий ҳазратлари ушбу иккита ғазални келтиради (таржимаси):

*Шом шаҳрига фитна тушганда,
Хар ким уйин тарк этдилар.
Ақлли бир қишлоқини, подшоҳга вазир этдилар.
Вазирнинг ҳунарсиз ўғиллари-чи?
Гадо бўлиб қишлоққа қайтиб кетдилар.*

Шаҳзода Бобур буни ўқиб, ўзича хулоса қилди: «Ҳа, ҳунар ўрганишнинг хосияти улкан. Бу вазирнинг ўғиллари бирон ҳунарни билганларида эди, ночорликдан қишлоққа қайтиб кетмас эдилар».

Бобуржон етти ёшга тўлгач, унга янги тарбиятқунандалар тайёрланди. Отаси шаҳзодаларга хос айрим ҳунарларни ўргатишни тайинлади. Болани жисмоний жиҳатдан чиниқтиришга хизмат қилувчи лашкарлар ҳам шулар жумласидан эди. Ахир, унинг отаси Умаршайх Мирзо ҳам паҳлавон келбатли, баданлари пишик, жисмонан кучли киши эди. Унинг муштига анча-мунча

йигит чидаш беролмасди. Бас, шундай бўлгач, ўғил отасидек баҳодир, паҳлавон йигит бўлиб улғаймоғи лозим. Ота Фарғона тахти вориси бўлган ўғлининг бахтли келажаги ҳақида ўйланиб, яхши ниятлар билан тарбия қилдирмоққа киришган, шукр, бу мақсад йўлида ҳозирча дурустгина натижаларга эришмоқдалар. Шаҳзодани тез югуриш ва сувда сузишга ўргатдилар.

Энди навбат Бобуржонни ҳарбий ишлар сиридан огоҳ этишга келди. Тирандозлик – камонбозлик, қўлда қилич ушлаш, от миниш ва чопишга ўргатиш, тенгдошлар билан курашга тушиш, чавгон ўйнаш машқини олиш...Эҳ-ҳе, ҳарбий хунарнинг бу соҳаларини ўрганиш ҳали олдинда. Аввало, баҳодир, полвон йигит бўлиб отаси изидан бормоғи лозим. Шу ният билан устоз кузатувида ҳарбий ўйинларда қатнашади, курашга тушади, гоҳида йиқилиб, маъюсланади, йиқитганида эса, хурсанд бўлганидан, болалик эхтиросларини жиловлаш ҳақида ўйламасдан, қийқиради, мағрурланади.

Бобуржон етти ёшга тўлганида унга махсус рикобдор (узангибон, отга миндирувчи) тайинланиб, от миниш ва чоптиришга ўргата бошладилар. Бунга биринчи ўрганаётган бола, одатда, яйдоқ отнинг ўнг томонидан яқинлашиб, ёлидан маҳкам ушлаши керак. Йўқса, от хуркиб, дарҳол чопиб кетади. Ўшанда бола дарҳол ўзини ўнглаши керак. Миниб олиши билан йиқилмаслиги учун иккала тиззасини отнинг биқинига маҳкам босиб туриши лозим. Аввалига рикобдор устоз миниб, кейин эгар олдига Бобуржонни ўтқазди. Камчи урилиши билан от чопиб кетди. Рикобдор Бобуржонга деди: «Шаҳзодам, эгар қошини маҳкам ушланг, бошингизни баланд кўтариб, олдинга қаранг, кўркманг». Тулпор елдек чопиб кетди. Шу тарзда отда бирга чопиш бир неча марта қайтарилди...

Сўнгра рикобдор отга шаҳзоданинг якка ўзини мингазди. Унинг оёқларини узанги қайиши оралиғига маҳкамлаб, жиловни қўлига тутқазди. От секин йўргалаб кетаётганида кутилмаганда орқадан унга камчи

босди, от бирдан кескин олға ташлаганида Бобуржон ўзи билмаган ҳолда орқага қалқиб кетди, яхшиямки, оёғи узанги қайиши орасига маҳкам тиқилган экан. Мукки (учи юқорига қайрилган чарм этик) оёғининг қайиш орасидан чиқиб кетишига йўл қўймади. Хар куни пешингача от чопиш машқи бўлар, шу тариқа олти ой деганда Бобуржон баландроқ жойга отни етаклаб чиқиб, ўзангибонсиз ўзи миниб оладиган ва чоптириб кетадиган бўлди. От ҳам унга ўрганиб қолди. Бу машғулотни ўрганиб олгач, унга ёйдек эгикроқ, ихчамгина махсус бағдодий қилич ясаб бердилар ва алоҳида яроғбардор тайёрладилар. Шаҳзодани қилич ушлашга, унинг билан турли ҳаракатлар қилишга ўргатдилар. Аввалига у от чоптириб келишига тикка қадаб қўйилган биринчи ёғочга қилич солишга улгурмасидан, унинг ёнидан елиб ўтиб кетиб, зўрға иккинчи нишонга зарба беришга муваффақ бўлиб турди...

Зеҳни ўткир Бобуржон секин-аста от чоптириб чаққон ҳаракат қилишга ўрганди, ёғочларни беҳато чопиб ўтишнинг ҳавосини олди. Бора-бора бу «хунар»ни шундай ўзлаштирдик, отни тезроқ чоптириб, якка қўйилган биринчи ёғочни уради-да, отини иккинчи ёғочнинг у томонига буриб улгуради ва қилични чап қўлида ушлаб зарба беради, учинчи ёғочга эса, яна у томонга айланиб ўтиб, ўнг қўли билан зарба туширади ва ҳоказо. Шаҳзодани қилични иккала қўлида ушлашга, икки қўлида бирдек зарба беришга ўргатадилар. У санчилган ёғочларни беҳато кесганидан ўзи ҳам завқланиб, бошқа томонларга ҳам от чоптиришга, уни қаттиқ жиловлаб, ҳар қандай ҳолатда ҳам бемалол миниб юришга, умуман чавандозликка ўрганди.

Энди камон отишда маҳорат ҳосил қилиш навбати келди. Маълумки, тарихда порохдан ўқ ясаб отадиган милтиқ кашф қилингунига қадар камон (ўқ-ёй) бутун дунё ҳарбий ишида узоққа отадиган асосий қурол бўлиб келган. Аввалига бу махсус тирандозлар (мерганлар) иши бўлган, кейинчалик камон ҳар қандай

мамлакат армиясининг асосий узоққа отиш қуролига айланган. Урушда қилич ишлатиш учун ёвга якин бориш керак. Камонда эса қарши томонга узоқ масофадан туриб талафот етказиш мумкин. Бобуржонни ёшлигидан камондан отишга ўргатдилар. Бунинг учун ёй ипини мумкин қадар қаттиқ тортиш лозим. Қанча қаттиқ тортилса, камон шунча кўп эгилади-да, қўйиб юборилганда унга тираб турилган ўткир учли ўк ҳам шунча узоқдаги мўлжалга бориб тегади. Бу соҳада моҳирликка эришиш учун устоз тирандоз шогирдини икки нарсага ўргатмоғи лозим. Бири – камон ипини иложи борица қаттиқ тортиш ҳисобига ундан куч оладиган ўкни узоққа отиш бўлса, иккинчиси – аниқ мўлжалга уриш, яъни мерганликдир.

Биринчисига куч керак. Иккинчисига эса, мўлжални аниқ кўра билмоқ, асабларни қўлга олиб, мумкин қадар ўзида хотиржамлик кайфиятини пайдо қилмоқ лозим. Ўшандагина отилган ўк мўлжалга аниқ бориб тегиши мумкин. Камонни-ку, ҳар ким кучи етганча эгиши ва ипга қадалган ўқини шунга қараб узоққами, яқингами отиши мумкин. Лекин, муҳими – отилган ўкни аниқ мўлжалга теккизиш. Камонбозликда энг муҳими мана шудир.

Аввалига, 7–8 яшарлигида Бобуржон камонни куч билан яхши эголмасди, бинобарин, шунга яраша, ўк ҳам унча узоққа учмасди. Куч-ку болада секин-секин пайдо бўлар. Шунинг учун уни белгини якинроққа қўйиб, мўлжални тўғри олишга ўргата боришди.

Шаҳзода секин-аста камондан отиш машқига ҳам ўрганиб кетди. Энг муҳими, мўлжални аниқ олиш ва уни ўк билан уриш. Аммо аниқ мўлжалга олиш, яъни мерганлик зийракликка ва аниқ-равшан кўра билишга боғлиқ. Устози мана шунга эътиборни қаратди ва шаҳзодани аниқ мўлжалга олишга, яъни мерганликка ўргатди. Бу анча қийин иш шогирддан бутун эътиборни тўплашни талаб қилса, устоздан шошилмаслик, сабр-токатни, шогирд хато ҳаракатлар қилганда асаб-

ни қўлга олиш ва эринмасликни талаб этарди. Зотан, устоз шунинг учун ҳам устоз-да. Хатто мерганликка ўрганишда бир кишининг боши устига олма ёки нимадир қўйиб, уни мўлжаллаб уришни ҳам машқ қилдирдилар.

Бобуржонни мерганликка ўргатиш кўп вақт ва муттасил машқ ўтказишни тақозо этарди. Ўқишдан кейин, кечки пайтлар ҳам камондан отиш машқига чиқишарди, кейинчалик, чавгон ўйнашга ўргатилганда ҳам камонбозликка вақт ажратадиган бўлдилар. Айниқса, от чоптириб кетаётиб, камон отишни ва мўлжалга уришни ўрганиш анча қийин кечди ва кўп вақт талаб қилди. Лекин муттасил машқлар, сабр-қаноат, аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар оқибатда ўз самарасини берди. Отган ўқлари хато кетмайдиган бўлди. Хатто от чоптириб кетаётганда ҳам камондан ўқ отиб, мўлжалга уриш машқини эгаллади.

Айтишларича, отаси Умаршайх Мирзо мерганликда маҳорат кўрсатолмаган. Бу ҳол кейинчалик «Бобурнома»да: «(отам) ўқни ўрта чоғлик отар эди», деб қайд этилишига сабаб бўлганди. Аммо ўғил кўп машқ қилиниши натижасида мерганликда, чамаси, отасидан ўтиб кетди. Машғулотларда маҳорат кўрсатиб, ҳаммани лол қолдирадиган бўлди.

Иқтидорли ёзувчимиз Пиримқул Қодиров «Бобур» романида гўдак шахзоданинг от чоптириб кетаётганда камондан отиб мўлжалга уриш машқидан бир лавҳа келтиради. Мана ўша лавҳа мазмуни (қисқартириб олинди):

Катта онасининг чорбоғида Бобуржон чавандозлик машқлари ўтказмоқда. У четдаги ялангликдан от чоптириб чикди-ю, бирдан жиловни қўйиб юборди ва камонга чаққонлик билан ўқ ўрнатди-да, чошиб кетаётган от устида нишонга отди. Ўқ нишон ёғочига «тақ» этиб урилгани атрофга эшитилди. Буни кузатиб турган бек атка (балоғатга етмаган шахзода Бобурга подшоҳ тайинлаган масъул ҳомий бек) нишонга яқинлашди-да,

отини кайтариб келаётган шаҳзодага мўлжални андак баландроқ олганини айтди, аммо зарбингиз ғоят яхши, деди. Бек атка сопиға садаф қадалган ёй ўқини нишондан суғуриб олиб, қанчалик чуқур ботганини бармоғи билан ўлчаб кўрди ва билагингизда куч бор, амирзодам, деб мамнунлик билдирди. Бобуржоннинг тенгдош-кўкалдош (яъни бир онани эмиб улғаяётган) ўртоқлари ҳам нишонни кўздан кечирдилар ва ёш шаҳзода исмига яраша шерпанжа бўлиб ўсаётганини эътироф этдилар. Бобуржон мақтов гаплардан сўнг ўзини ноқулай сезгандек бўлди...

Ўша йиллари рамазон ойи ёз кунларига тўғри келган эди. Бобуржон толиқиб қолмаслиги учун Бек атка Мазитбек пешиндан кейин ифтор вақтигача мутолаа қилишни маслаҳат берди. Бобуржон машқ майдонидан чиқиб кетаётганида кўнглида бир истак уйғонди ва отни тўхтатиб орқасидан келаётган навкарни чақирди-да, от эғари маҳкам урилганини текширгач, навкарга нарироқ боришни ва отдан тушиб жilовини секин етаклаб юришни буюрди. Навкар ҳайрон, аммо шаҳзоданинг гапи – буйруқ эди. Атрофдагилар ҳам ҳайрон – шаҳзода яна машқ қилмоқчимиз?

Навкар, Бобуржон айтганидек, эллик қадамча бориб отдан тушди ва уни секин етаклаб юра бошлади. У орқа томондан отни чоптириб навкарга етди-да, қамчисини узангисидан бўшатди, мақсади отдан-отга сакраш эди. Оти навкариники билан жипслашган заҳоти бор кучи билан унинг отига сакраб ўтиб эғарига ёпишганида навкар оти хуркиб чоғиб кетди. Яхшиям эғарни маҳкам ушлаб олгани, йиқилмади-ю, аммо салласи бошидан учиб ерга тушди. Навкар отини тўхтатиб олгунча Бобуржоннинг оёқлари ерда судралиб борди. Атрофда бу нохуш ҳолни кузатиб турганлар шаҳзоданинг ўзи ўйлаб топган машқ – отдан-отга сакрашни эртага қолдиришни маслаҳат бермаганларидан, уни эҳтиёт қилолмаганларидан ҳижолат чекдилар. Лекин бир янгиликнинг гувоҳи бўлдилар. Шаҳзоданинг билаклари

анча кучга тўлибди, судралиб кетаётибди-ю, аммо эгарни маҳкам ушлаб, қўйиб юбормади. Навкар қайтариб келган отига минаркан, индамасдан унга қамчи босди ва чорбоғ дарахтлари орасидан елдай учиб кетди.

Бобуржон орқадан кузатиб келаётганларга кўзи тушиб, бирдан кулиб юборди ва навкарга қараб: «Сизда айб йўқ», деди. Ҳамма елкасидан оғир юк тушгандек енгил нафас олди – хайрият, шаҳзода улардан хафа бўлмабди. Шу тарзда шаҳзодага куннинг биринчи ярмида турли машқлар ўргатишар, иккинчи ярмида – дам-ором, кечки пайт ифторлик олдидан эса илмий машғулот, бир оз китоб мутолааси.

Ҳа, Бобуржонни шаҳзода сифатида олий мақсадларни кўзлаб мерганликка, от чоптиришга, қиличбозлик каби подшоҳларга зарур бўладиган ҳарбий ҳунарларга ўргатишар эди. Бу ўйинлару машқларда ҳам у тенгқурларига нисбатан моҳирлик кўрсатарди. (Катта олим ва шоир Мақсуд Шайхзода Бобурга бағишланган бир мақоласида холислик билан шундай ёзади: «Бобур болалик вақтидаёқ ҳарбий машқларда катта маҳоратлар кўрсатиб, замондошларини лол қолдираар эди».)

Шаҳзода бу ўйин-машқларини тугатгач, муздеккина ариқ сувида юз-қўлларини ювиб артинаётганида ҳузурига савдар қўл қовуштириб келиб, дарсхонада мударрис кутаётганини айтди.

Дарвоқе, бугун машқлардан сўнг шарият илмидан дарс олиш керак. Мударрис-устози ҳузурига кириб борганида аср намозига азон айтилди, кечикибди. Бугунги дарс шом намозидан, ифторликдан кейинга қолдирилди. Унда асосий масала Бурҳониддин Марғинонийнинг ҳанафий мазҳаби таълимотидан энди ўқув ёшига етган болалар учун асосий қўлланма ҳисобланган китобидан сабоқ олишдир. Ундан кейин шу олимнинг «Китоб ал-Ҳидоя» сини ўқишга ўтилади³⁰.

³⁰ Бурҳониддин Марғиноний (1123, Марғилон–1197, Самарқанд) Шарқ оламида машҳур фикҳ олими, ислом ҳуқуқшуноси, унинг энг муҳим асари бўлмиш «Китоб ал-Ҳидоя» («Ҳидоя») Мовароуннаҳрдагина эмас, балки бутун ислом Шарқида маълум ва машҳур бўлиб, бир неча тилларга таржима қилинган. Ундан ҳозиргача ис-

Бобуржон савод чиқара бошлаган йиллари ушбу асар яратилганига 300 йилча бўлганди. Бу китоб суннийликнинг ҳанафий мазҳабидагилар учун асосий шариат қўлланмаси (ҳозирги тилда айтганда кодекс) ҳисобланар эди.

Шаҳзодани «Хидоя»нинг 1-жилди асосида, яъни мусулмончиликнинг дастлабки қоидалари бўлмиш таҳорат ва амалий ибодатлардан намоз ўқиш, 30 кун рўза тутиш қоидаларига аллақачон ўргатишган. Эндиги дарс мавзуи амалий ибодатларнинг кейингилари, яъни закот ва рўза фитри бериш, ҳаж қилиш масалаларига бағишланади. Мударрис режасига кўра, ушбу мавзудаги дарслар Рамазон ойи ичида тугатилади. Сўнгра «Хидоя»нинг навбатдаги икки жилдига, яъни бола тарбияси, никоҳ, оила, талоқ ва бошқа масалаларга ўтилади. Умуман, тўрт жилддан иборат ушбу асосий дарслик китоб Куръони карим суралари, Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадислари, дастлабки тўрт халифа, саҳобалар ва тобеинларнинг ривоятлари, суннийлик асосидаги тўртта мазҳаб асосчиларининг таълимотларига таянган ҳолда яратилган жуда мукаммал асардир. Ушбу китоб яратилганидан буён Бобуржон туғилган давргача, ҳали-хануз барча фикҳ олимлари ва ҳукмдорлар диққатини ўзига тортиб келади. Катта бобоси улуғ Соҳибқиронга ҳам Ислом таълимоти ва шу асосда давлатни бошқариш масалаларини ушбу мўътабар китоб воситасида ўргатишган. Ул зот ўз ҳаётида унга тўла амал килган. Эҳ-хе, шаҳзода Бобур ҳам бу китобдан кўп нарсa ўрганиши керак. Бундан ташқари, тахтга меросхўрлигу давлатни бошқариш, давлат ходимлари, вазиру вузаролар, олиму пир-устозлар, баҳодиру навкарлар, айллари бошқа хизматчиларга муомала-муносабат масалалари... Ҳали олдинда ўқиб-ўрганадиган масалалар кўп.

лом ҳуқуқшунослиги бўйича асосий қўлланма сифатида фойдаланилади. «Хидоя» 4 жилддан иборат. Биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиш мустақиллик даврида бошланди. Китобнинг 1-жилди 2000 йили нашрдан чиқди.

Тарбия дарсларида янги мавзуларга ўтилганда сабоқ берувчи муаллим-мударрислар ҳам алмашади. Бунини Бобуржоннинг бек аткаси Мазидбек ёки ундан деярли 10 ёш катта бўлган қариндоши Нўён кўкалдош (албатта, катта онаси Эсон Давлатбегимнинг маслаҳати билан) бошқаради. Шаҳзоданинг тарбияси бобида ҳам ҳали қилинадиган ишлар бисёр. Кундуз кунлари яна турли машқлар бор...

Дарвоқе, булар орасида чавгон ўйинига ҳам ўрин берилган. Чавгон (форсчасига учи эгри таёқ дегани) от миниб тўп сурадиган ўйин тури. Аслида, чорвадор халқлар орасида урф бўлган. Кейинчалик отлиқ аскарлар машғулотига айланган. Абдураззоқ Самарқандий «Матлаус саъдайн ва мажмаъул баҳрайн» асарида ёзишича, бу ўйин Мовароуннаҳрда кенг урф бўлган. Йиллар ўтиши билан темурий шаҳзодалар ўртасида ҳам жозибали от спорти турига айланиб кетган.

Чорбоғда тарбия топаётган Бобуржон от миниб ва чавгон ўйнаш машқлари билан ёз ойлари навкарлар ва тенгдош-кўкалдош дўстлари билан кўпинча аср намозидан сўнг, баъзан кечки овқат олдидан шуғулланишар эди. Қадимдан машҳур бўлган бу ўйинда саккиз отлиқ қатнашиб, икки нафари икки томондаги устун-дарвозаларни қўриқлашади, олти отлиқ учи эгри ёғоч таёқ билан тўпни от чоптириб суриб кетади. Ким уриб-суриб, орқасидан ҳеч кимнинг қувиб етишига қўймай, тўпга олдин етиб бориб, сайхон қирғоғидаги дарвозагача от чоптириб, тўпни икки устун ўртасидаги дарвозага киритса, ўша «ғолиб» ҳисобланади. Ўйиндаги энг қизиқ ҳолат – худди улоқ чопишдаги каби: ташлаб берилган тўпга олдин етиб бориш учун олти отлиқнинг тенг от чоптириши, «ур-сур» билан тўпни қувиб етиб, уриши ва кетидан барча ўйин қатнашчиларининг от суриб бориб, тўпга «хужум қилиши». Атрофда ўйинни томоша қилиб турганларнинг қийқириқлари, олдинда тўп суриб кетаётганни қўллаётган олқишлар, қамчиланаётган отларнинг бир-бирига ишқаланиб, тўпга то-

мон интилишлари – буларнинг барчаси ўйин давомида эҳтиросни жўш урдирувчи энг завқли ҳолатлардир.

Бобуржон тўққиз-ўн ёшидан бошлаб чавгон ўйи-нида қатнашар экан, энг муҳими – от чоптиришни, эгарда маҳкам ўтирган ҳолда энгашиб, қўлдаги чавгон тайёкча билан тўпга ташланиш ва уни мўлжалга олиб уришни яхши ўрганиши кераклигини яхши биларди. Ҳаммадан тез от чоптириш, тўпни олдинга суриб, «рақибига» бермасдан, тезлик билан олиб бориб дарвозага киритиш – мана шу вақтдаги чаққонлик, отда туриб мўлжални аниқ олиш ва орқадан бировнинг қувиб етишига имкон бермаслик – булар ўйиннинг асосий шартлари ҳисобланарди. Аммо болалар учун хавфли бўлгани сабаб (чанг-тўзонда кўзга бирор нарса кириши бор) кўп ҳам рухсат этавермас эдилар. Атрофдаги қийқириклар эса ўйинга алоҳида фойза, қизиқиш бахш этарди.

Мана шом чўкиб, бугунги чавгон ўйини ҳам тугади. Бобуржон бир четда отдан тушаётганида мулозимларидан бири дарҳол уни қўлтиғидан олди ва отнинг жиловидан ушлаб етаклаб кетди. Шаҳзода ювиниш учун ариқ томонга бурилди. Бундай пайтларда тенгдошлари ўзларини бўлғуси тахт ворисига хизмат қилувчи энг яқин дўстлари сифатида тутишар ва унга самимий меҳр-муҳаббат билан қараб, бу билан фахрланишар эди.

Шундай қилиб, тарбиянинг асосий мазмуни шаҳзода Бобуржоннинг келажакда подшоҳлик курсисиде ўтириши учун зарур бўлган ҳунар-фазилатларни болалигиданок ўргатишдан иборат эди. Мана шу асосий мақсадга секин-аста эришмоқдалар.

Аввало, эртароқ унинг саводини чиқариб ўқитдилар. Бунда Умаршайх Мирзо ҳузуридаги маълум ва машҳур мулла устозлар муаллимлик қилишди. Биринчи навбатда, бу иш тепасида обрўли, эътиборли киши, Бобуржонга энг яқин бўлиб қолган Хожа Абдулла ва, таъкидлаб ўтилганидек, Шамсиддин Сарбароҳна тургани эътиборга молик эди.

Бобуржон болалигиданоқ оқилона таълимий гапларни, устозлар насиҳатини мўминлик ва одоб билан тинглаш одатига ўрганди. Бунга зўрлаш, мажбур қилиш билан эмас, ишонтириш йўли билан эришдилар. Одоб-ахлоқ ҳақидаги таълимотларни ўзлаштиришда унга кўпроқ Саъдийнинг «Гулистон» асарини ўқитдилар. Давлат, уни бошқариш ҳақидаги дунёвий таълимотларни аввал машҳур «Қобуснома»дан, сўнгра «Амир Темур тузуклари»дан, шариат таълимотларини эса, «Ҳидоя»дан ўргатдилар. Бу жабҳада олган билимлари кейинчалик тахтга ўтиргач, бутун умр бўйи унга қўл келди. (Ҳаётининг энг ташвишли кунлари тоғ кезиб юрганида Шайх Саъдийнинг «Гулистон»идан айрим парчаларни ёддан тошларга ўйиб ёздириб қўйгани ҳам шундан далолат беради.)

Бобуржонни шеърят илмига ҳам эртароқ ўргатдилар, унинг ўзида бу соҳа машқиға қизиқиш ҳам барвақт уйғонди. Кейинчалик Навоий ғазалиётига билдирган муносабати унинг шоирлик истеъдоди болалигидаёқ бошланганидан гувоҳлик беради. Бу таҳминан унинг ўн ёшлик даврига тўғри келади. Афсуски, болаликдаги барқ ура шеърларидан сақланмаган. Эрскиннинг таъкидлашича, ўн уч – ўн беш ёшида ёзган форсча ғазалларидан айрим намуналар мавжуд. Албатта, улар нафислиги жиҳатидан мақтовга арзигулик бўлмаса ҳам, лекин муаллифининг ёшига қараганда, маъқул шеърлардир. Бобуржон отаси Умаршайх Мирзонинг кўп ижобий ғазилатларини ўзига анча эрта юктириб олиб, уларга эътиқод билан итоат қилди. Ота феъллидаги кўпгина хусусиятлар, одатлар шаҳзода вужудига аста-секин сингиб, тарбиясида гўзал тарзда акс эта бошлади. У соғлом, нурлигина йигит бўлиб ўсмоқда эди. Отасидан ўтган айрим феъллари унинг ҳар томонлама ғазилатли инсон бўлиб етишувида ҳал қилувчи тағзамин бўлди.

Шундай қилиб, Бобуржондаги кейинча номоён бўлган хушхулқлик ва саховатпешалик, табиатан хуш-

чақчақлик, инсонпарварлик, дўстона базмларни эъзозлаш, кундалик ҳаётда бетакаллуфлик ва шу билан бирга олийҳимматлик каби кўплаб яхши хислатларнинг биринчи тамал тоши Эсон Давлатбегим чорбоғида олган тарбиясидаёқ қўйилган эди. Подшоҳ Умаршайх Мирзо шаҳзода тарбияси устидан назоратни ва уни ёмон кўзлардан сақлаб, авайлаб асрашни Эсон Давлатбегимга, сўнгра Мазидбекка топшириб қўйди. Чорбоғ тартиботи барча хизматкорлари билан бирга катта она тасарруфида эди. Хусусан, Бобуржоннинг тарбияси ҳам унинг бевосита назорати остида кечарди.

Шаҳзода Бобуржон ўн ёшга тўлганидаёқ ота-бола от миниб атрофни сайр қилишга чиқадиган бўлишди. Айниқса, баҳор кезлари мулозимлар билан қир-адирлар оша отда сайр қилиб юрган пайтларда шаҳзода қалбида ота юрти – гўзал Фарғона водийи ва киндик қони тўкилган Андижонга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари уйғона бошлади. Юртга бўлган фарзандлик хис-туйғулари кейинча ватан, улус ҳақидаги ғазалларининг асосий мазмунини ташкил қилди.

Умаршайх Мирзонинг Бобурнинг онаси Кутлуг Нигорхонимдан ташқари яна Улус оға, Фотима Султон бегим, Қора кўз бегим исмли уч нафар шаърий хотини бор эди. Улар қаерда истиқомат қилсалар ҳам, Бобуржонга қандай муносабатда бўлишларидан қатъи назар, шаҳзода кундошлар ўртасидаги оилавий алоқаларга эътибор бермас, зотан турмушнинг бундай томонларини тушунмас ҳам эди.

Бобуржоннинг бир онадан туғилган опаси Хонзода бегим ҳам Андижонда Эсон Давлатбегим чорбоғида 1478 йили дунёга келган ва укасидан 5 ёш катта эди. Уларнинг кейинги йиллардаги бир-бирига меҳрибонлиги ва ўзаро иззат-хурматларидан Хонзода бегим гарчи ёш қизалоқ бўлса ҳам, укасини опалик муҳаббати билан севиб ардоқлагани аён бўлади. Уни боқиш, тарбиялашда катта она Эсон Давлатбегим ва ўз онаси Кутлуг Нигорхонимга доимо кўмакдошлик қиларди.

Шахзоданинг бошқа онадан туғилган ука-сингиллари ҳам бор эди. Ўғил укаси Жаҳонгир Мирзо икки ёш кичик – 1485 йили таваллуд топган. Унинг онаси мўғул аёлларидан бўлиб, исми Фотима Султонбегим эди. Икки йил ўтиб, 1487 йили яна бир ўғил ука Носир Мирзо Умаршайх Мирзонинг андижонлик Умида исмли канизагидан дунёга келди.

Булардан ташқари, Бобуржонинг она бошқа тўртта эгачиси ҳам бор эди. Ўғай опаси Меҳрибону бегим шахзодадан икки ёш катта, яна бир синглиси Носир Мирзо билан бир туғишган, яъни Умидабонунинг қизи. Яна бири – Шаҳрибону бегим ҳам Умиданинг қизи, Бобуржондан саккиз ёш, Носир мирзодан тўрт ёш кичик (кейинги эгачилари Руқиясултон бегим ва Қора кўз бегим иккови ҳам Умаршайх Мирзо вафот этган йили туғилдилар). Шундай қилиб, шахзода Бобур подшоҳ Умаршайх Мирзонинг саккиз фарзандидан (уч ўғил ва беш қиз) энг каттаси бўлгани учун Фарғона мулкининг қонуний меросхўри эди. Шу сабабли унга бўлғуси подшоҳ деб алоҳида эътибор бериларди. Устозлари шахзодага бор меҳрини қўйдилар. Ўн ёшга тўлганидан бошлаб нафосат давраларига, шоиру олимлар мажлисларига олиб борадиган бўлдилар. Шахзода ҳам илм аҳлининг бундай гурунгларида устозлар ва катта олимлар суҳбатларини мароқ билан тингларди. Бу ўтиришлардан ўзаро муомала ва суҳбатдаги нозик таъблик, бирор мавзу мунозарага сабаб бўлиб, шахсий фикрлар «тўқнашуви» юз берса, эътирозларни ўта андишалик, ғоятда босиқлик, ўзаро ҳурмат билан изҳор қилиш одобини болалик идрокига сингдириб борарди. Бундай ҳол ўзаро муомала маданиятининг шарқона усул-одатларидан эканини идрок қиларди. Бобуржон муйсафид Шарқнинг инсонга ҳурматдан иборат бу одобини болалигиданок яхши ўрганиб олиб, умр бўйи ҳаётида унутмади. Ўн-ўн бир ёшидан бошлаб мустақил мутолаага ўрганди.

Унинг доимий сирдоши китоб эди. Китобга ошно бўлиш билан олам ва ҳаёт, инсон ва жамият, давлат

ва давлатдорлик, подшоҳ ва раият, умумун, дунё сирасрорини инкишоф этиб, бу тушунчаларни аста-секинлик билан болалик шуурига сингдириб борди. Шаҳзода гўдаклигидан ўқий бошлаган турли китоблар унинг умри давомидаги бир ойдин йўл эди. Бу йўлни аста-секин босиб бораркан, 11–12 ёшларида дунё ҳаётининг оқу қорасини яхши фарқлайдиган закий, кўнгли тоза, маърифатни кадрловчи, шу билан бирга шижоатли ва баҳодир ўсмир бўлиб етишдики, бунда ўша турли жисмоний машқлару китоб мутолааларига тўла болалик йиллари ҳал қилувчи аҳамиятини намоён этди. Айни шу йиллари унда шеърятга нисбатан аввалига ҳавас, кейинча муҳаббат уйғонди ва мурғак калбида шеър завқи борлигини англаб етди. Бу соҳада турли машқлар, китобхонлик оқшомларидан сўнг баъзан якка байтлар, тарқоқ мисралар, ўтли сатрлар битадиган бўлди. Ниҳоят, ухлашга ётганида дунё, ҳаёт ва одамлар ҳақидаги болалик ўйлари чуваланиб, кўзлари илинганини билмай қоларди. Эҳтимол, ана шу ҳаёлот жараёнида унда илк маротаба жамики халқлар бир ота-онадан тарқалгани ҳақидаги фикр-андишalar пайдо бўлгандир. Осмону коинот, дунёнинг яратилиши ҳақидаги адоқсиз ўй-фикрлар уйғонгандир. Айнан мана шу фикрлар унда риёзиёт ва фалакиёт ҳақидаги китобларни ўқишга майл уйғотгандир. Бобуржонга ҳозирданоқ муносиб давлат маслаҳатчиси тайин қилмоқчи бўлишиб, отасининг баъзи амирлари исмини тилга олдилар, бироқ шаҳзода уларнинг ҳеч бирини ўзига маъқул кўрмади ва давлат ишлари масаласидаги маслаҳатлар бобида ҳам энг холис ва доно киши бувиси Эсон Давлатбегим эканига ишонч ҳосил қилганди. Дарҳақиқат, катта она, кейинча «Бобурнома»да ҳам таъкидланганидек, оқила ва тадбирли аёл эди. Аммо улуғлар аёл киши давлат ишларида муносиб маслаҳатчи бўлолмайди, деб рад қилдилар. Катта онанинг камтарона феълини ҳисобга олиб ва шаҳзода розилиги билан унга давлатдорлик сирларини ўргатиш учун алоҳида устоз тайинладилар.

Бир куни устози «Темур тузуклари» китобини қўлга олиб, Бобуржонга кўрсатди. Шаҳзода бу катта бобоси улуғ Соҳибқирон Амир Темур ёзган асар эканидан андак хабари бор, аммо китобни биринчи кўриши эди. Китоб тўқ қизил чарм муқовали, араб ёзувининг настиълиқ хатида, эски ўзбек (чиғатой-туркий) тилида ёзилган. Тож соҳибларига кўпроқ зарур бу китоб ҳам Умаршайх Мирзонинг шахсий кутубхонасида бор эди³¹.

Шаҳзода Бобуржон устози орқали «Тузуклар» билан биринчи марта танишар экан, ҳазрат Соҳибқироннинг подшоҳлик ҳаёти, давлат тузуми, қўшинларининг ташкил топиши ҳақида фавқулодда муҳим дастлабки маълумотлар ола бошлади. Ва билиб олдики, давлатни идора қилишда вазирлар, шунингдек, вилоятларда ўтирган ноиблар катта мавқега эга. Бинобарин, улуғ Соҳибқирон ҳам уларни танлаш, синаш ва тегишли вазифаларга тайинлаш ишига алоҳида аҳамият берган. Бобуржон булар ҳақида янги билимлар олар экан, ўзини гуё подшоҳлик тахтида ўтиргандек сезар ва давлатни бошқариш йўллари ҳақида болаларга хос ҳаёлий тасаввурлар оғушида қолар эди.

Кунлардан бир кун устоз-муаллимнинг тоби қочиб, машғулотга кела олмади. Бобуржон «Тузуклар»ни қўлга олди-да, варақлай бошлади. Дастлабки саҳифаларда битилган мана бу сўзларга нигоҳини қаратди: «Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса, қилич билан бажо келтирилишини англадим».

Қандай одил ва донишманд подшоҳ сўзлари. Ҳазрат Соҳибқирон қандай доно одам-а? Бобуржон мана шундай инсоннинг наслидан! Шаҳзода шуни ўйлаб «Тузуклар»ни варақлар экан, қуйидаги сатрларга кўзи тушди: «Менга Қочувли Баҳодир ва Қобулхон томонидан битилган аҳдномани кўрсатди. Мен улуғ боболаримизнинг

³¹ Бу китобнинг бошқа номлари: «Малфузоти Темурий» (Темурнинг айтганлари) «Воқеоти Темурий» (Темур ҳақида хотиралар).

сўз ва номаларини қабул қилиб, сипоҳсоларлик қилишга рози бўлдим». Шаҳзода шуни англадик, демак, Қочувли Баҳодир деганлари Соҳибқирон Амир Темурнинг улуғ боболари экан-да. Хўш, улар қачон ўтган? «Тузуқлар»да бу саволларга жавоб йўқ. Шаҳзода қизиқиб қолди ва буни муаллимдан сўрашга жазм қилиб, китобни ёпди-да, ҳовлига чиқди.

Уч кундан сўнг муаллим тузалиб чиқиб, дарсни давом эттирди. Бобуржонни эса, катта бобосининг аждодлари қизиқтирарди. Муаллим шаҳзоданинг саволига жавоб беришни келаси кунга қолдирди. Эртасига ўзи келтирган бошқа китобни қўлга олди. Маълум бўлдики, Қочувчи Баҳодир ва Қобулхонлар эгизаклар экан. Қобулхон машҳур Чингизхоннинг учинчи бобоси, Қочувли Баҳодир эса, Бобуржонга бешинчи бобо бўлмиш Соҳибқирон Амир Темурнинг саккизинчи бобоси экан. «Ана холос, – таажубга тушди шаҳзода Бобур, – демак, тарихда ўтган икки буюк шахс – Чингизхон ва Амир Темур иккита ака-уканинг зурриёти экан-да. Улуғ Соҳибқирон «Темур тузуқлари»да бу икки ака-укани «улуғ бобокалонларимиз» деб атаганини Бобуржон энди тушунди³². Ота томондан ҳам, она томонидан ҳам авлод-аждодининг улуғлиги шаҳзодада қандайдир ички ғурур уйғотди ва бир дақиқа ўтган аждодлари ҳақида ўйланиб, болаларча ҳаёли чуваланиб, ўзида баҳодирлик кайфиятини сезди, ғайрати жўшиб кетди. Муаллим «Темур тузуқлари»дан дарс беришни кейинги кунлари ҳам давом эттирди.

Муаллим Соҳибқироннинг катта ҳаётий тажрибаси ҳақида гапирар экан, унинг довюраклиги, баҳодирлиги, мажлисларда изҳор бўлган билими, жанглардаги шижоати ҳақида мисоллар келтириб гапирар эди. Шундай қилиб, Фарғона подшоҳи бўлмиш Умаршайх Мирзонинг тўнғич ўғли, катта онанинг ҳам бутун яхши орзу-умидларини уйғотган Бобуржоннинг тавал-

³² Кейинча Қочувли Баҳодир барлос қабиласининг биринчи етакчиси бўлиб қолган (Қаранг: «Темур тузуқлари». Т., 1996, 29-бет 2-изох)

лудидан бошлаб мурғак ҳаёти, гўдаклигию болалиги, шунингдек, ҳар томонлама тарбияси катта она Эсон Давлатбегим чорбоғида, унинг шахсан назари остида кечди.

Бундан ташқари, бутун чорбоғ, қўшқу айвонлар, меҳмонхонаю дарсхона, хобхоналару жиловхонага алоҳида хизматчилар тайинлаш, боғбонлар ишини назорат қилиш ҳам катта она ихтиёрида эди. Шаҳзода тарбиясига жалб қилинган муллаю баҳодирлар, шоиру муддарислар доимо чорбоғда бўлишар, бугунгача номи сақланиб қолган «Хўжалар» маҳалласида истиқомат қилишар эди. Бобуржон чорбоғда тарбияланар экан, бу ерда бўлган кўплаб шоиру фозил кишилар билан кўришди, кўпларини таниб олди, суҳбатларида қатнашди. Бу ҳаётий ҳақиқат оқибат-натижада унинг шахсий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатди. Шаҳзода ёшига нисбатан анча етук, оқил, фаросатли ва хушхулк, ўзида таъби назмлик сифати пайдо қилган ва ҳамма нарасага қизиқувчан бўлиб тарбияланмоқда эди.

Ўн икки ёшни қаршилаганда

Шундай қилиб, Фарғона тахти ва аҳди ворисининг деярли ўн-ўн бир йиллик тарбияси такомиллашиб, кўнгилдагидек ўтмоқда эди. Дастлабки савод чиқаришу от минишни ўрганиш, от чоптириш, китобларга ошно бўлишу камон отишда мерганликни машқ қилиш, шеърятдан дарс олишу ибтидоий-ҳарбий машқларни ўташ; дарёда сузиш, шунингдек, чавгон ўйинлари, олиму шоирлар суҳбати, мударрис насиҳатлари – буларнинг барчасидан сабоқ олган Бобуржоннинг болаларга хос ақлий тафаккури ўсди-бойиди, кўп ҳаётий воқеаларни ўз фикри доирасида мушоҳада қиладиган бўлди, бўлғуси тахт вориси эканини шууридан ўтказди. Бу йиллар мобайнида жисмонан ҳам камол топди. Ўз тенгқурлари, кўкалдошлари орасида анчагина пишиқ-тетик, ёшига нисбатан гавдалигина бўлиб камолга етмоқда.

Бир сафар камон отиш машқларидан бирида отилган ёй ўқи нишонга қанчалик чуқур ботганини ўлчаб кўрдилар-да, шаҳзоданинг билагида куч тўпланаётганига ишора қилишиб, уни «шерпанжа» деб эркатдилар. Отасининг боласи-да: Умаршайх Мирзо ҳам паҳлавонкелбат йигит эди. Анча-мунча баҳодир унга бас келолмасди. Бобуржон ҳам, иншааллох, отасидек паҳлавон йигит бўлиб ўсади.

...Турли машқлар ва ўйинлар қаторида ўтиладиган дарслар мавзуи бир неча йилга чўзилди ва шаҳзода ўн бир ёшга қадам қўйганида умумий тарбия бобидаги дарс ҳозирча якунига етди. Унинг тарбияси хатти-ҳаракатлари, муомалаларида ўз аксини топа бошлади. Бу унинг ташриф буюрган меҳмонлар, тоғаларию амакиваччалари, ўртоқларию хола, амма каби аёллар даврасида ўзини тута билиши, одоби, хуштавозелигида яққол кўзга ташланадиган бўлди.

Унга болалигиданоқ турли мажлис-анжуманларда, шоирлар, олимлар даврасида ўзини тута билишга доир одоб қоидаларини ўргатдилар. Гапирганда зарофатга, яъни, суҳбатларда гўзал сўзлар, бадиий ифодалар ишлатишига эътибор бердилар. Зийраклик ва хуштабиатлик каби фазилатлар ҳам шаҳзода тарбиясида муҳим ўрин тутар эди. Шу боис унга нозик таъблик одоблари ҳам сингдириб борилди.

Бобуржонга илми маъоний қоидаларини (яъни, илмий анжумаларда ташбех, мажоз, истиора ва киноялар ишлатиш), шунингдек, диний суҳбатлар, шариат аҳкомлари ҳақидаги мунозараларда илми калом қоидаларини (яъни, оғзаки ифода қилинган диний масалаларни Қуръони карим талаблари билан исботлаш) ўргатиш ҳали олдинда турган вазифалардан эди.

Суҳбатлашиш одобига бағишланган бундан кейинги дарслар ҳам ёш Бобуржон учун ниҳоятда мароқли ўтарди. Давраларда ўзини тута билиш, билганини изҳор қилишдаги шарқона одоб, билмаганда эса, сукут сақлаш ва ўзгалар фикрини эшитиш одоби ҳақидаги

таълимотни дурустгина ўзлаштирди. Булар ҳақида ҳам Шайх Саъдийнинг «Ғулистон»да таълимий хикоятлар келтирилган.

Чунончи, Саъдий ўрнини топиб гапириш ва лозим бўлганда сукут сақлаб ўтириш ҳақида ушбу байтни келтиради:

*Ду чиз тийраи ақл аст: дам фру бастан,
Ба вақти гуфтан, гуфтан ба вақти хомуши.*

(Эркин таржима: икки нарсa, яъни, гапирадиган вақтда индамай ўтириш ва индамай ўтирадиган вақтда гапириш ақллилик ўлчовидир).

Бобуржон дарсдан кейинроқ бу хикоятни бошдан-оёқ ёдлаб олди, маъносини болалик шуурига сингдиришга ҳам улгурди. Ўзи иштирок этган давраларда сукут сақлаб ўтириш, суҳбатга аралашган кишиларнинг, умуман, суҳбат иштирокчиларининг гапириш ва тинглаш одобини мана шу «қолип»га солиб кўрадиган бўлди.

Бир куни бекорчи вақтида «Қобуснома»ни қўлига олиб, гапириш одоби ҳақидаги бобни очиб ўқиди. Форс тилидаги матндан шуни тушундики, гоҳида ишониш қийин бўлган ҳақиқатни гапиришдан ҳақиқатга ўхшаган ёлғонни гапириш тўғрироқ бўлади. Бунга ҳаётий мисол ҳам келтирилибди. Демак, – ўзига хулоса қилди Бобуржон, – сингмаган жойда ҳақиқатни гапирмаслик керак.

Махсус дарс бўлмаган яна бир куни Бобуржон «Қобуснома»ни варақлаб, овқатланиш одоби ҳақидаги бобга кўзи тушиб қолди. Саводи етганича форсча ўрганган билимлари доирасида «таталаб» ўқиб, куйидагиларни тушунди: Овқатланиш вақтига рия қилмоқ лозим. Доно кишилар ва подшоҳзодалар ҳар иш учун маълум вақт ажратадилар, жумладан, овқатланишга ҳам. Масалан, кечқурун эртароқ овқатланган маъқул. Ҳарбийлар эса қачон вақтлари бўлганда овқатланадилар. Доно кишилар ва подшоҳлар оиласида маълум тартиб бўла-

ди. Чунончи, эрталаб озрок одамлар даврасида (иложи бўлса якка ўзингиз) пешин вақтда хоҳлаган кишингиз билан бирга бўлинг. Овқатни шошмасдан емоқ лозим. Ёнингиздагилар билан очиқ чехрада суҳбатлашиб ўтиринг. Бировнинг овқатланишига эътибор берманг – бу одобдан эмас (бунга бир ҳикоят ҳам келтирибдилар).

Донолар овқатни аввал ёнидагиларга кўйишни, сўнгра ўзига олишни буюрадилар. Бу ўзгаларга ҳурмат белгисидир. Овқат вақтидаги суҳбатда мунозарарга берилманг. Ушбу боб шаҳзода учун ўзига хос яна бир дарс бўлди. Бунини муаллимга айтган эди, домласи унинг мустақил ўқиб тушунганидан хурсанд бўлди.

Ўша заҳотиёқ «Қобуснома»нинг шароб ичиш одоби ҳақидаги кейинги бобини бирга мутолаа қилдилар. Мутолаа охирида устози Бобуржонга: «Умуман ичмаслик икки дунё саодатидир, Аллоҳ сендан рози бўлади. Умуман ичмасликни одат қилсангиз, мен хурсанд бўлардим», деб «Қобуснома»ни ёпди-да, шаҳзода билан хайрлашди.

Энди навбат подшоҳлик одобини ўрганишга келди. «Ўлистон»нинг шу масалага бағишланган боби 42 та ҳикоятдан иборат экан. Подшоҳзодалар тарбиясида бу ҳикоятлар махсус дарс ҳолида ўргатилади. Бобуржон аввалига битта ҳикоятни ўзи мустақил ўқийди, сўнгра устоз билан бирга муҳокама қилишади. Бу ҳикоятлардан ярмини ўқиб муҳокамадан ўтказиш, сўнгра ҳулоса қилиш учун олти ойча вақт кетди. Бобуржон ҳар бир ҳикоят муҳокамасидан ўзича ҳулоса чиқарар ва маълум маъно олгач, ўзини андак тетиклашгандек ҳис қилар, фикрлашда бир қадар дидллашиб қолар эди.

Саъдийнинг бу ҳикояларидан Бобуржонга кўпроқ таъсир қилгани, айниқса, қуйидагилар бўлди:

3-ҳикоят (қисқача мазмуни): Бир подшоҳзода акаларига қараганда калта бўйли, хунук юзли, аммо ақлли ва хушёр экан. Бир куни отаси унга таҳқир билан менсимасдан қаради. Ўғил буни фаҳмлаб, отага деди:

«Отажон, қиска бўйли доно, баланд бўйли нодондан яхшидир. Баҳо қоматда эмас, қийматдадир». Отаси ўғлининг бу гапини эшитиб, хурсанд бўлди. Лекин акаларидан ранжиди. Ўша кунлари подшоҳга қарши бир кучли душман ҳужумга ўтди. Катта ўғлининг аскарлари қоча бошладилар. Бирдан ҳалиги пакана ва хунук башара ўғил ўз аскарлари билан ҳужумга киришиб, душманга ғорат келтирди ва қочаётганларга қараб: «Эй эркаклар, аёл кийимини кийманглар», деди. Ўша куни душман устидан ғалаба қозондилар. Подшоҳ келиб, ўғлининг юз-кўзидан ўпди ва бағрига босди. Бу ўғлига муҳаббати ошди ва уни ўзига валиаҳд ва аввалига қўшинга бош қўмондон этиб тайинлади. Акалари ҳасад қилиб, укасини ўлдирмоқчи бўлдилар ва таомига захар қўшдилар. Буни кўриб қолган синглиси эшик орқасидан ишора қилди. Ақл-фаросатли ука дарҳол таомдан қўлини тортди. Воқеадан хабар топган подшоҳ маънос бўлди ва барча ўғилларини олдига чақириб, панд-насихатлар қилди. Ўртадаги низо кўтарилсин деб, хазинадан ҳар бирига тегишли миқдорда ҳиссаларини бўлиб берди. Аммо низо низолигича қолаверди. Саъдий ҳикоят сўнггида қуйидаги мақолни келтиради: «Ўнта дарвеш бир палосда иттифоқ, икки подшоҳ бир иқлимда минг нифоқ».

Бобуржон бу ҳикоятни ўқиб, маъносига эътибор берар экан, ўз укаларини ўйлади ва иттифоқлик ҳосяти ҳақида ўзича ҳаёл сурди. (Бу ҳикоятни ёшлигида ёд олган Бобур кейинчалик бир воқеа муносабати билан «Бобурнома»да Саъдийнинг ана шу мақолини келтириб ўтади.)

Ёки, мана бу ҳикоят мазмуни ҳам Бобуржонга қаттиқ таъсир қилди: Ажам подшоҳларидан бири қайси йўл билан бўлса ҳам, халқ қўлидаги мол-давлатни олишга тadbир қилибди. Меҳнаткаш авом подшоҳнинг бу зулмидан безиб, бошқа юртларга кўчиб кетибди. Натижада, давлат хазинасига даромад келмай, тезда бўшаб қолибди. Бундан воқиф бўлган қўшни мамлакат под-

шоҳи унга ҳужум қилибди. Аҳвол ниҳоятда танглашганда доно вазирлардан бири:

– Подшоҳ халқни бездирмасдан, ўз атрофига тўплаши, норози қилмаслиги керак, – деб ҳукмдорига маслаҳат берибди.

Хўш, нима қилайин, – сўрабди подшоҳ. Вазир жавоб килиб:

Аввало, сахий бўлинг, сахий атрофига халқ тўплади. Иккинчиси, раҳм-шафқат. Шунда авомуннос давлат томонида бўлади, – дебди.

Вазирнинг бу сўзлари подшоҳга ёқмабди ва уни зиндонбанд қилибди. Орадан кўп ўтмай, подшоҳнинг амакиваччалари бобосидан қолган мулкни талашиб, ҳужум бошлабдилар. Бундан хабар топган муҳожирлар (яъни, подшоҳ зулмидан қочиб кетганлар) аммакиваччаларига қўшилишибди. Оқибатда, салтанат йиқилиб, подшоҳ тахтдан маҳрум бўлибди. Бу ҳикоятни Саъдий мана бу байт билан якунлайди:

*Яхшилик қил халқингга, душманинг-ла тинч ўтир,
Чунки одил подшоҳга халқ лашкари ҳамроҳ бўлур».*

Бобуржон «Гулистон»нинг подшоҳлар одоби бобида келтирилган ҳикоятларнинг энг таъсирчанларидан деярли кўпларини ёдлаб олди. Чунки бу ҳикоятларнинг маъно-мазмунини шаҳзода Бобурнинг беғубор кўнглига маъқул бўлиб қолган эди. Уларнинг моҳияти ҳақида ўйлар экан, вақти келиб подшоҳлик тахтига ўтирганида ақлан йўл кўрсатувчи ва яқин маслаҳатгўй бўлмоғига ишонч ҳосил қилди.

Саъдий ҳикоятларидан ўн тўртинчиси ҳам унга каттиқ таъсир қилди. Мана унинг мазмуни: «Бир подшоҳ мамлакат халқига эътиборсиз бўлган ва лашкарларига, уларнинг бошлиқ, баҳодирларига ҳам дағал муомала килиб, отларига берадиган емдан ҳам қисиб қўйган. Бир йили кучли душман бостириб келганида лашкару баҳодирлар ҳаммаси подшоҳдан ранжиб, орқага ўгирилиб олибди. Душман эса урушда ғалаба

қилибди. Ҳикоят сўнгида Саъдий ушбу фардни келтиради:

*Баҳодирга олтин бергин, берар бошин,
Гар бермасанг, сендан олиб кетар бошин».*

Бобуржон ҳикоят мазмунидан шуни тушундики, давлатнинг кучли бўлишини истаган подшоҳ халқ холидан огоҳ бўлмоғи ва лашкарию лашкарбошилари-нинг эҳтиёжини доимо қондирмоғи лозим.

Шу тарзда «Ғулистон»нинг подшоҳлар одобига бағишланган бобидаги 42 та ҳикоятнинг ярми дарс қилиб ўтилди, уларда келтирилган якуний байтлар, фард ва маснавийларни Бобуржон деярли ёдлаб олди. (Кейинчалик уларни бутун умри давомида кўрган ҳаётий воқеаларга мисол тариқасида эслаб юрди, баъзиларини ёзиб қўйди.) Булардан ташқари, шаҳзодага машҳур Ҳофиз ғазалларидан ҳам ўргатдилар.

(Тоҷик олими А.Мухторов юқори Зарафшондаги тоғлик Маччоҳ қишлоғида Бобурнинг Афғонистонга кетаётиб, тошларга Саъдийдан ва Ҳофиздан баъзи воқеабанд ғазалларни ўйиб ёзиб қолдирганини аниқлаган ва бу ҳақда илмий мақолалар эълон қилган. 2008 йили Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги махсус илмий экспедиция ҳам шу томонларга бориб, тошларга ёзилган ушбу лавҳалардан нусхалар кўчириб келди.)

Давлатдорлик ишлари масаласида «Қобуснома»нинг шунга бағишланган махсус бобини ҳам мураббий алоҳида дарс қилиб ўтди. Ўша дарслардан шаҳзода Бобурнинг англагани ва хотирасида сақлаб қолгани шу бўлдики, подшоҳ барчадан доно ва ақлли бўлмоғи лозим, вазирларнинг энг яхшиси ўз ақлингдир. Подшоҳ доим ҳақиқатни гапириши, аммо озроқ сўзламоғи лозим. Ҳукмдор буйруғини кимдир назар-писанд қилмаслигига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда, ундай одам ўзини ҳам ҳурматламай қўяди. Подшоҳ валломатлигининг ҳам чегараси бўлмоғи даркор. Шоҳона ҳаётдан талтайиб кетмаслик керак. Подшоҳда олтита феъл

бўлмоғи лозим: қаттиққўллик, одиллик, олийҳимматлик, ёддошлик, сабр-тоқатлилик ва ҳаққонийлик. Қайсики подшоҳ мана шу олтита қоидага риоя қилмабди, ҳукмдорликдан талтайиб кетади, ақли-ҳушини йиғиб олгунча эса «ғишт қолипидан кўчади». Подшоҳ доимо буюк ишларни ўйламоғи лозим. Фақат буюк ишларгина ҳукмдорга шону шараф келтиради...

Дарсдан сўнг булар ҳақида ўйлар экан, шаҳзодада қандайдир куч-ғайрат, алоҳида тетиклик ҳислари ўйғонди. Ўша тунда ҳаёлга берилиб, уйқуси ҳам қочиб кетди.

Шу тарзда 1494 йил ҳам етиб келди. Бобур 11 ёшга тўлиб, 12 ёшга қадам кўйди. Баҳор палласида у даврларда Андижон атрофи ғоят гўзал, дов-дарахт, боғроғлар, оқар сувлар ниҳоятда сероб. Қир-адирлар кўкаламзорлашиб, лолақизғалдоқлар билан қопланган. Иламиш дарёси (яъни Қорадарё) шарқдаги тоғ-адирларга ёққан қору ёмғирлар сувидан тўлиб-тошиб лойқаланиб оқади. Бундай кезларда от миниб сайр қилиш қандай яхши.

Бир гал Рамазон ойи олдидан подшоҳ Умаршайх Мирзо пешин намозидан сўнг «Қўштегирмон»га – қайнонаси Эсон Давлатбегим чорбоғига кириб келди. Таҳсилдан дам олишга чиққан ўғли Бобуржонни бағрига босиб, қўришди, эркалатди. Ўқишларидан сўроқ-савол бўлгач, ота-бола сайрга чиқишга қарор қилдилар. Бобуржонга ва унинг икки-уч нафар дўстига ҳам от тайёрлаш буюрилди. Мазидбек ва Нўён Кўкалдош, шунингдек, шаҳзоданинг икки тенгдош ўртоғи – ҳаммаси бўлиб олти киши сайрга отландилар. Ариқ бўйлаб юриб, шимол томонга – «Андижон руди» (Бобур ифодаси, яъни Ўшдан келаётган Оқбўра дарёси) қирғоқларига чиқишди.

Сўнгра, дарё бўйлаб Андижоннинг шарқ томонига юришиб, дарёдан сув олувчи «Тўққиз тарнов» тўғон бошисига (бугунги «Тўққиз ариқ» маҳалласи) келдилар. Дарёга ташланган сепоя тўғонлардан шаҳарга сув

арикларга бўлиниб, шарқираб окмоқда. Ариклар бўйлаб лойқа сувда чўмилаётган ўзига тенгдош болаларни кўрган шахзода ҳам чўмилгиси келди. Бироқ ўрнимас – катталар, отажони бирга кутиб қолишади.

Тўғон юқорироғидаги кечик орқали «Андижон руди»нинг ўнг қирғоғига ўтдилар ва қирғоқ бўйлаб дарё оқими томон ғарбга юрдилар. «Кўштегирмон» рўбарўсида дарёга солинган ёғоч кўприкдан ўтишиб, Бобуржонни ва бирга юрган иккита ўртоғини Нўён Кўкалдош билан бирга чорбоғда қолдирдилар, ўзлари эса «Банди солор» йўлига чиқиб, шаҳар қалъаси томон юрдилар. «Мирзо дарвозаси»га келганларида шом азони чакирилди. Ўн бир пахсали девор билан ўралган шаҳар қалъаси ёнгинасидаги чоққина масжидда шом намозини ўқишиб, дарвозадан шаҳар арки томон юрдилар. Аркда Умаршайх Мирзони Андижон ҳокими кутмоқда эди. Подшоҳ у билан зарур ишлар ҳақида гаплашиши ва эрталаб бомдод намозидан сўнг Ахсига кетиши керак. Ёз ойлари бошланяпти, подшоҳ, одатдагидек, ёзни Ахсида – Сирдарё бўйидаги қароргоҳида ўтказди.

Мана, хижрий 899 (милодий 1494) йилнинг Рамазон (июн) ойи ҳам кирди, саратоннинг дастлабки жазирма кунлари бошланди. Рамазон – муқаддас ой, унинг рўзасини тутмоқ эса фарз, барчага бўжорилган. Ҳар қандай қийинчилик, оғирлик бўлса ҳам, Аллоҳ таоло учун бу фарзни бажармоқ лозим. Шу муносабат билан Бобуржоннинг ўқишига-ю, турли машқлар ўтказиш вақтларига ҳам ўзгартишлар киритилди. Чунончи, дарслар ва китоб ўқишлар саҳарликдан кейин, бомдод намозигача бўлган вақтга кўчирилди. Намоз ўқилгач, ҳамма одатдаги нонушта вақтигача уйқуга ётади. От чоптириш, камондан отиш-мерганлик ва бошқа жисмоний ҳаракат-машқлар, шунингдек, баъзи ўйинлар эрталабдан пешин намозигача ўтказиладиган бўлди. Чавгон ўйини бекор қилинди. Пешиндан кейин аср намози пайтигача ҳамма яна дам олади. Асрдан сўнг эса ифторликка тараддуд кўрилади. Ётар олди – хуфтон

намози билан таровех намози ўқиш учун ёшу қари барча эркаклар масжидга чиқишади.

Рамазон ойининг бешинчи, ҳафтанинг сешанба кунини чошгоҳга яқинлашганда Бобуржонни от чоптириш машқи учун одатдагидек алоҳида кийинтирдилар. Исик кунда шаҳзода энсиз жияк тикилган ва баданига ёпишиб турадиган кифтаки кўйлак кияди, бошида ўзига ярашган дубулға. Пойчаси кенг чолвори учли этигининг кўнжини ёпиб турибди.

Жиловбардор Бобуржонни отга миндириб, чорбоғ четидаги майдонга етаклаб олиб чиқди. Эгар қошига садафлар кадалиб махсус ясалган камон ёйи осиглиқ. Чап томонида камон ўқлари солинган садақ. Бобуржон чап томонига андак эгик ясалган махсус бағдодий қилич осиб олган.

Бугун от чоптиришда ва камондан отиш – мерганлик машқида ўзига хос мусобақа бўлади. Шунинг учун томошага аёллар ҳам чиққан. Қутлуг Нигорхоним ва қизи Хонзода бегим бир чеккадаги терак соясида ўтиришибди. Онасининг сочидан фарқ очилган жойи ва чала оқарган соч толаси рўмол остидан кўриниб турибди. Эғнида сидирға сарик атлас кўйлак. Остларига Ҳиндистон матосидан қилинган кўрпача солинган, ёнларида яна икки аёл ҳам бор. Ундан нарироқда зира беқасамдан авра-астарли (юпка) тўн кийган Мазидбек ўз мусоҳиблари (яқин кишилари) билан чордана қуриб ўтирибди. Ундан этакроқда Бобуржоннинг тенгдош-кўкалдошлари ва ўртоқлари тикка турибдилар, бир-бирлари билан гаплашиб, «чуғурлашмоқдалар».

Бобуржоннинг яроқбардори – йўғон гавдали, келбатли йигит отни етаклаб чиқди-да, унга қараб:

— Шаҳзодам, «Зимардони жаҳон марди биёмуз» (яъни, мардликни жаҳон мардларидан ўрган) деганлар. Бугун чавандозлик ва мерганликда, отда туриб олишувдаю курашда алоҳида машқлар ўтказамиз. Буз диллик (эчки юрак, кўрқоклик) асло сизга ярашмайди, бардам бўласиз, Бобуржон, деди-ю, унинг отига ку-

тилмаганда қамчи босиб юборди, от кескин олға интилди. Шаҳзода орқага бир қалқиб кетди-да, дарров ўзини ўнглаб олиб, юганни бўшатиш билан отнинг елдек учишига қўйиб берди. Ҳа, бугун алоҳида кўрик машқлари куни. Пешингача улгуришлари керак. Шаҳзода от чоптиришда анча тажриба орттирган, чавандозлик расамадини олган.

Шу тарзда кун пешин намози пайтига яқинлашди. Машқлар тўхтатилди, барча таҳорат олиш учун масжид томон йўналди. Жиловбардорлар отларни етаклаб, отхона томон кетдилар.

Пешин намозидан кейин асргача дам олинади. Ҳамма ўз хоналарига жўнади. Иссиқ кунларга тўғри келган рўзанинг ўзига яраша жисмоний қийинчиликлари ҳам бор. Хусусан, чанқоқ ҳаммани қийнайди. Аммо чидаш керак. Чорбоғнинг ич-таши пешиндан сўнг жимжит бўлиб қолди. Бобуржон ҳам бугунги машқлардан сўнг анча чарчади, дам олгани ўз хонасига кириб кетди. Ширин хаёллар оғушида ўйланиб ётиб, кўзи уйкуга кетганини сезмай ҳам қолди. Чарчаганидан, оз фурсат бўлса ҳам, қаттиқ ухлади.

Қанча вақт ўтди, билмади. Бирдан ташқаридан эшитилган от дупуридан уйғониб кетди. Шу чоғ аёл кишининг кутилмагандаги алам билан йиғлаётган овози эшитилди. Бу катта онаси Эсон Давлатбегимнинг овози экан. Бобуржон сакраб ўрнидан турди, турди-ю, эшикка отилиб, катта онанинг хонасига кирди. Қутлуғ Нигорхоним ҳам шу ерда, у ҳам онасига суяниб, пиқ-пиқ йиғламоқда. Эшик остонасида отасининг энг яқин бекларидан бўлмиш келбатли Қосимбек қавчин деган турибди. Бемаҳалда юз берган нохушлик сабабини Бобуржон энди тушунди. Қосимбек Ахсидан ҳеч кутилмаган ёқимсиз хабар олиб келган: бугун эрталаб Умаршайх Мирзо бомдод намозидан сўнгги уйқудан тургач, таҳоратини янгилабди. Хуш кайфият билан вақт ўтказиш баҳонасида каптарларидан хабар олиш учун шундоққина жар қирғоғидаги каптархо-

нага кириб, каптарларга дон сепибди. Жониворларнинг «кур-кур»лашиб дон чўқишларини завқ билан кузатибди-да, сўнгра каптархона эшигини очиб барчасини учуриб юборибди. Ўзи каптархона томига чиқиб, (ишқибозлик-да) баъзи қўнган каптарларни ёғоч билан хайдаб «киш-киш»лаб учурибди. Пастда эса Сирдарё бўтана сувга тўла, бешик-бешик бўлиб, тўлқинланиб оқмоқда. Шу чоқ, ҳеч кутилмаганда, мудҳиш ҳол юз беради: тез ва тўлқинланиб оқаётган сув зарбидан жарлик бирдан ўпирилиб (ниҳоятда аламли ҳол), каптархона ҳам дарёга ағдарилиб тушади. Подшоҳ эса каптархона томида эди...

Бу шум хабарни тезда пойтахтга етказмоқ лозим. Бандисалор номли Аҳси – Андижон йўли тўққиз ёғоч (яъни, юз чақиримга яқин). Дарҳол иккита от тайёрландилар. Қосимбек қавчин бир баҳодир йигитни ёнига олиб, Андижон томонга от чоптириб кетди. Дам олмасдан йўл юриб ёки йўлда отларга андак дон ва озуқа бериб, мана, куннинг иккинчи ярмида аср намози олдида чорбоққа кириб келдилар. Қосимбек чарчаганидан (рўза оғиз) мадорсизланиб, Эсон Давлатбегим хонасида деворга суянганича мотамсаро ўтирибди. Ҳаммаёғи чанг, дастрўмоли билан кўз ёшларини артади.

Шу пайт хонага кириб келган Бобуржонни кўрди-ю, ўрнидан туриб, олдида дарҳол тиз чўкди, сўнгра ўзини тутолмай ҳўнграб юборди ва уни бағрига босди. Қосимбек ўзини ўнглаб олгач, шаҳзода энди барчанинг пушти паноҳи эканини йиғи аралаш изҳор қилди. Вақт эса нозик: атрофдан пойтахтга аллақачон ҳужум бошланган. Дарҳол шаҳар аркига бориб, тахтни эгаллаш лозимлигини шаҳзодага тушунтирган бўлди. Лекин бу гаплар ҳозир Бобуржоннинг қулоғига кирмасди. Аввалига шаҳзоданинг кўз олди коронғилашди, беихтиёр ичидан тўлқинланиб келган қандайдир куч «отажон» деган чинқириқ овозга айланди, ташқарига отилди. Эсон Давлатбегим набирасини тўхтатиб, бағрига олди ва рўмоли билан кўз ёшларини артди. Лекин ўзини

тутолмай, яна йиглаб юборди. Кутлуғ Нигорхоним эса уй бурчагида ёстикқа юзтубан бош қўйиб йигламоқда. Иккала она ўзини йўқотаёзган Бобуржонни бири қўйиб, бири олиб бағрига босдилар. Пик-пик йиғи овози бемаҳалда чўккан жимликни бузиб турар эди.

Ниҳоят, Қосимбек ўзига келиб, эшикка чиқди ва уст-бошидаги чанглари қоқиш ёдига тушиб, ариқча бўйида юз-кўзларини ювди. Шу чоқ қаердандир Мазидбек етиб келди, унинг ҳам авзоида ташвиш. Икковлари Эсон Давлатбегим хонасига кирдилар. Ҳамон она кучоғида ўтирган Бобуржон уларни кўриб, дарҳол ёнидаги кўрпачага чўкка тушиб олди. Иккала бек катта онага тавозе билан салом бердилар, сўнгра шахзода олдига тиз чўкиб, жиддий оҳангда гап бошладилар... Вақт эса ифторликка яқинлашмоқда. Бу ҳолда ифторлик ҳам татимайди.

Ҳа, сўз билан ифода қилиш қийин, кулоққа эшитилса, асло ишониб бўлмайдиган мудҳиш воқеа юз берди. Фарғона мулкининг ҳукмдори, замонанинг ишончли темурийзодалардан ҳисобланмиш Умаршайх Мирзо 39 ёшида айни йигитлик чоғида ёруғ дунёдан кўз юмди. Йўқ, ўз ажали билан кўз юммади, кутилмаган ҳалокат юз берди. Ҳар қандай етук ақл эгаси ҳам ҳалокатнинг бундай турини асло қабул қилолмайди. Ўлим-ку ҳақ, бандаси буни тан олади. Аммо подшоҳнинг ҳеч ким ўйлаб, муқоясасини тополмайдиган ва ўлимига сабаб бўлган ҳалокатини ақлига сиғдира олмайди, афсус. На-чора, тақдири илоҳий. Лекин ҳозир аза тутиб, кўз ёши тўкиб ўтирадиган вақт эмас. Азани кейинга қолдириб, ҳозир давлат тақдирини ўйламоқ лозим.

1494 йилнинг ёз ойида Фарғона мулки – унинг пойтахти Андижон тарихида шундай давр эдики, икки томондан ёғий бостириб келмоқда. Бир тарафдан, марҳумнинг қайин оғалари, бошқа томондан, Самарқанд ҳокими, Умаршайх Мирзонинг бир туғишган акаси Фарғонага, Андижонга кўз олайтиришиб, қўшин тортиб келмоқдалар. Андижонда эса мотам – давлат хи-

моячиси бўлмиш подшоҳ энди йўқ. Душманга айланган туғишганларга қарши ҳимоя кучи бош раҳбаридан жудо бўлди. Вақт эса ниҳоятда танг.

Нима килиш керак! Эсон Давлатбегим хонасида Мазитбек, Қосим қавчин ва онахон учовлари шу ҳақда маслаҳатлашдилар. Қайнона Эсон Давлатбегим кўз ёшларини яширинча артар экан, совиб қолган чойдан бир хўплади-да, бирдан сергак тортди, бекларга қараб аза кайфиятига берилмасдан, дарҳол ҳокимият ишларини қўлга олмоқ лозимлигини айтди. Бунинг учун улар ҳеч фурсатни бой бермасдан, ҳозироқ чорбоғни тарк этиб, пойтахт аркига бормоқлари, аркони давлатни тўплаб, тантана билан шаҳзода Бобурни отаси ўрнига Фарғона мулки тахтига ўтказмоқлари лозим. Сўнгра зудлик билан аскарни тўплаб ёғийга қарши кўтармоқ, шаҳар мудофаасини ташкил қилмоқ зарур. Ҳа, аза тутиш ўз йўлига, Фарғона давлати, улус ҳақида ўйламоқ лозим. Онахоннинг бу маслаҳатларида хонларга хос катъийлик ва давлатдорлик оҳанглари сезилиб турар эди. Унинг юз-кўзларида, нигоҳида, гап оҳангларида сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган алоҳида салобат сезилар эди. (Кейинчалик Бобур воқеабанд асарини ёзганида катта онаси оқила, доно аёллигини, барча давлат ишлари унинг иштирокида ҳал бўлишини алоҳида таъкидлашида ҳақ эди.) Аркка тўпланган беклар ҳам Эсон Давлатбегим гапларини жон қулоқлари билан тинглар эканлар, унинг маслаҳатларини буйруқ деб қабул қилдилар.

Еш Заҳириддин ғам-андухдан ўзини беҳол сеза бошлади. Тоғасию амакиси Фарғонаю Андижон томон хужум қилиб келаётганини ҳеч ақлига сиғдира олмасди. Ахир, амакининг укаси, тоғанинг жияни ўлиб турса-ю, нега булар аза тутиш ўрнига... «Ажаб дунё-ку, ит-мушук бўлиб кун кўришдан не фойда! Нахотки, марҳум юзига аёқ қўйсалар-а?!» Бобуржон бўлаётган воқеаларни болалик ақлига асло сиғдира олмаяпти. Шунинг учун кайфияти ниҳоятда бузук. Хонага шах-

зоданинг яқин маслаҳатгўйи, суянчиғи Мавлоно Хожа Абдулла кириб келди. Умаршайх хизматида унга содик бўлган бу киши доно ҳамда мард одам. Унинг холисона фикрларини шахзода бажонидил қабул қилади.

– Амакимнинг муроди не экан? – ўзини тўхтатиб сўради Бобуржон.

– Менинг ҳам Султон Аҳмад мирзога қарашим бошқача эди. Бу шоҳларнинг нияти бузуқ экан, бўтам!

– Мен бунга йўл қўймайман, – деди Бобуржон жиддий равишда. Уларга зарба берурман. Устози подшоҳлик дунёдаги энг мушкул ва масъул мақом эканини уқтириб, эртанги жангу жадалларда қон тўкилиши, оналар, бегуноҳ норасидалар қарғиши, вайроналикларни кўз олдига келтирмоқни маслаҳат берди.

– Мен бундай йўлдан бормаёман, – деди шахзода қўлларини мушт қилиб. Шу онда «Қобуснома»дан, «Ғулистон»дан шоҳлар ҳақида ўқиган-эшитганларини эслади ва ғотиҳа олиш учун катта онасининг хонасига кирди. Эсон Давлатбегим набирасига нусрат тилаб, Яратган эгамнинг паноҳида бўлмоғини сўраб, дуо қилди.

Дарҳол шахзода Бобурни отга миндиришиб, Андижон кўрғони томон йўл олдилар. Шаҳар кўрғонини сиртидан ўраб турган кенг ва чуқур ҳандак сувга тўла, шаҳарнинг Мирзо дарвозаси олдида қурилган кўприкдан ўтишиб, дарвозадан шаҳарга кирдилар. Шахзода Бобур беклар ўрамида от чоптириб кетаётиб, ўзига хос султонлик даври бўлмиш болалиги тутаганини ҳис қилди. Энди у Бобуржон эмас, шахзода Бобур. Отда кетаяпти-ю, барибир бола-да, меҳрибон отасини энди умрбод кўра олмаслигини эслаб, кўзига яна ёш келди, болаларча дод деб йиғламоқчи бўлди. Аммо орқадаги навкар унинг сал секинлаб қолган отига қамчи урганида яна ҳушёр тортди, ичидан тўлқинланиб келаётган йиғини ютиб, Қосимбек ва бошқа навкарлар билан бирга арк томон от чоптириб кетдилар.

Хотима ўрнида

Шундай қилиб, ҳеч қутилмаганда нохуш воқеа юз берди. Шаҳзода Бобур катта онаси чорбоғида ҳам ўйнаб, ҳам махсус тайинланган муаллимлар билан ўқиб, бошқа муррабийлару навкарлари билан турли машқлар қилиб, чопиб-югуриб, чавандозлик машқлари ўтказиб юрган давр адоғига етди. Эндигина шеърят сирларини ўрганиб, давлатни бошқариш тартиб-қоидаларига ошно бўлиб юрган дамлар ўтди-кетди. Болалик – гўдаклик ҳаётининг энг ташвишсиз ва оромбахш йиллари эди. Эндигина 11 ёшдан ўтиб, 12 га қадам қўйганда унга Фарғона давлатини бошқариш вазифаси юкланди.

1494 йилнинг июни – ҳижрийда 899 йилнинг муборак Рамазон ойи эди. Отадан қолган мерос юрт тинч эмас. Шаҳзоданинг амакиси султон Аҳмад мирзо, бир томондан, ва тоғаси Мўғулистон хони Султон Маҳмуд, иккинчи томондан, бамаслаҳат Фарғона мулкига ҳужум бошлашган. Шундай танг ҳолда подшоҳ Умаршайх Мирзо, унинг яқинлари, амалдорлар қўшинга бош бўлиб, ғанимга қарши эл-юрт ҳимоясига отланиш ўрнига ўз шахсий оромини бузишни хоҳламадилар. Подшоҳ давлатни душмандан ҳимоя қилишдек муҳим ишни кимларгадир топшириб, ўзи ёзги қароргоҳида ёш боладек каптарлари билан машғул бўлди. Унинг калта ўйлаш оқибати бўлган бу қилиғи, очиқ айтиш керак, эл-юрт, улус тақдирига лоқайдликдан ташқари, ҳали гўдак, бизнингчасига ҳисоблаганда, эндигина 5–6-синф ўқувчиси ёшидаги шаҳзода Бобур бошига қутилмаганда ажаб савдолар, не-не кулфатлар ёғилишига сабаб бўлди.

Тўғри, Бобуржон қонуний тахт меросхўри – валиаҳд. Вақти-соати келиб тахтга ўтириш маросими, яъни отадан мерос қолган мамлакатга подшоҳ тайинлаш маросими шарқона одатларга кўра, тантановор, бай-

рамона тарзда ўтиши лозим эди. Йўқ, ундай бўлмади. Рўзанинг тўртинчи, душанба куни тасодифий воқеа содир бўлди-ю, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, ақлга сиғмайдиган мусибат юз берди, маълум муддат ақл ҳам ишламай қолди. Ўйин-машқлар чинакамига ҳарбий иш билан алмашди, болалик уст-боши ўрнига умум тартибга биноан шоҳона кийим кийдирдилар. Кундалик машқларда унга «ақл ўргатаётган» навкару мулозимлар энди қўл қовуштириб, ундан буйруқ кутмоқдалар. Ёнига махсус соҳиб қадам, яъни қурол-яроғини олиб юрувчи ҳамдам аскар тайинладилар. Бобуржонда бир куни келиб бундай ўзгариш бўлишига ички руҳий тайёргарлик йўқ эмасди, албатта. Лекин ўзгаришнинг қўққисдан рўй бериши ўша кунлари уни ҳам эсанкиратиб қўйди. Бошланган талотўплар, ур-йикитлар боиси шунда эди, булар ҳақида тўхталиш, кейинги воқеалар баёни ушбу ишимиз мазмунига кирмайди.

Ҳа, энди шаҳзода Бобуржон расмий подшоҳ. Ғарблик олим Вилиям Эрскин «Осиёлик шахзодалар ичида Бобур ёнига қўйиладиган лойиғини топа олмаймиз», деб ёзганида, балки унинг ҳеч кутилмаганда тахтга ўтиргани, бунақаси ҳали тарихда учрамаганини ҳам назарда тутгандир. Кейинча Бобур «Вақоъе» («Бобурнома») асарини ёзишга киришар экан, уни дабдурустдан шундай бошлайди:

«Тенгри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чоҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба куни Рамазон ойининг бешида тарих саккиз юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум».

Чукур Исломий эътиқод юзасидан баён қилинган муҳим тарихга доир ушбу жумланинг ўзига хос маъномоҳияти ҳақида бобуршуносликда ҳозирча фикр билдирилган эмас. Бизнинг англашимизча, Бобурнинг бу жумласида мустаҳкам эътиқодли комил мусулмоннинг рўй берган нохуш воқеадан аввалига ўкинчли,

сўнгра эса, Яратганнинг инояти билан азалий лавҳада битилган тақдирга тан бериш ва насиб этган экан, ёш бўлишига қарамай, подшоҳлик тожини кийишга розилик аломати сезилади. Энди у ҳукмрон. Шу кундан эътиборан Бобуржон подшоҳ эканини бутун вужуди билан ҳис қилади ва унинг тақдирига битилган ўкинчларга тўла яна ўттиз олти йиллик беҳаловатлик ҳаёти бошланади.

«Катта мўғол» қишлоғига сайёҳат

Ишимизнинг «Чорбоғ ҳақида» бўлими сўнгида ушбу қишлоққа бориш вазифаси пайдо бўлганига эътибор қаратган эдик. Ҳа, тарихий «Икки сув ораси» мавзеидаги бизнинг замонгача сақланиб қолган замонавий ушбу қишлоқ билан танишмасак, мўлжалдаги ишимизга нуқта қўйилмас. Баҳсимиз мавзуи тақозоси ҳамда топонимик, этнографик текширишлар юзасидан ҳам ушбу қишлоқ билан танишмоқ зарур эди. Шу боис икки марта сафар қилинди. Аввало, биринчи сафаримиз ҳақида.

1990 йилнинг эрта куз кунлари Андижон вилоятининг Избоскан туманига қўшни Ҳаққулобод қишлоғига ўтдик. Қишлоқ марказидаги чойхонада андак дам олгач, сўраб-суриштириб асосий муддао «Катта мўғол»га етиб бордик. Қишлоқ Ҳаққулобод – Учқўрғон катта йўли устида жойлашган. Ҳозирги одатга кўра, кўча юзида қишлоқ номи ёзилган катта кўрсаткич лавҳа қўйилган. Кейинроқ суҳбатлардан маълум бўладики, йиллар ўтиб «Мўғул» номи халқ оғзида «Мўғол» аталиб кетган қишлоқ бошланади. Бир-бирига туташ қишлоқлар.

Аввало, ёдингизга солиб ўтайлик: юқорида таъкидланганидек, Умаршайх Мирзонинг қайнонаси Эсон Давлатбегим Андижоннинг «Қўштегирмон» мавзеидаги чорбоғида истиқомат қилган йиллари катта она ҳамда қизи (бўлғуси Бобур мирзонинг онаси) Қутлуг

Нигорахонимга қарашли, улар ҳимояси учун бўлса керак, махсус мўғул навкарлари ажратилган эди. Бу ҳақда Бобур шундай деб ёзади: «Менинг онам қошида минг беш юз, икки минга ёвуқ мўғул улусидин бор эди» («Бобурнома», 60-бет). Улар ўз оилалари билан кўчиб келиб, Андижоннинг шимоли-ғарбидаги «Работак» урчинига қарашли «Икки сув ораси» (яъни, Норин билан Қорадарё ўртаси) деб аталмиш кенг ўрмонзор ўтлоқ ҳудудда жойлашганди. Мўғул навкарлари, зарур бўлганда, Фарғона ҳукмдорига, яъни Мўғулистон хонининг кўеви бўлмиш Умаршайх Мирзога ҳарбий жиҳатдан ёрдам ҳам беришар эди.

Бобур таърифича, «Икки сув ораси» ов учун ниҳоятда қулай жойлар эди. «Бу навоҳи яхши овлок ерлар бўлур, Иламиш дарёсининг (яъни Қорадарёнинг яқинидаги қалин чангалзорларда буғу, марал ва тўнғиз кўп бўлур, ушоқ-ушоқ чангалларида, (яъни, майда чакалакзорларида) қирғовул ва товушқон (қуён) қалин бўлур. Пуштасида тулкиси бисёр бўлур» («Бобурнома», 65-бет). Бобурнинг ўзи ҳам бу ерларда кўп бўлган ва чангалзорларни оралаб бир неча марта ов қилган. Андижонга таъриф берганида, дарё бўйлариини назарда тутиб, «Қирғовуллар беҳад семиз бўлур», деб ёзади «Бобурнома»да.

Истиқомат қилаётган мўғул навкарлари шу ерларда овчилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланишган. Зарурат туғилганда, дарҳол қуролланишиб, Умаршайх Мирзога, кейинча Бобур Мирзога ёрдамга оланишган. (Шу билан бирга Бобур уларнинг интизомсизлиги, талончиликка мойиллигидан ҳам кўп шикоят қилади.)

Ушбу қишлоққа уюштирилган биринчи сафаримизни бизга тавсия этилган кишимиз билан биргаликда бошдан-оёқ қишлоқни айланиб чиқишдан бошладик. Дуч келган қария билан танишиб, суҳбатлашдик. Оёқ устида туриб берган саволларимизга жавобларидан маълум бўляпти, қариялар ўз хотира-

ларида илгари ўтган катта боболарининг аجدодларини ўша кўчиб келган ва кейинча шу ерда яшаб қолган айрим мўғул навкарларнинг кейинги авлодлари билан боғлайдилар. Шу билан бирга бир-бирини инкор қилувчи айрим маълумотларни ҳам эшитдик. Дастлабки учрашувдаёқ олинган хабарларга қизиқиб, қишлоқдаги танишимизникида бир кеча ётиб қолишга тўғри келди. Зеро, маълумотларда тарихий ҳақиқатга тўғри келадиган «ушоқ парчалар» ҳам бор эди.

Эртасига «Катта мўғол»да истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Фозилжон Ирисов деган одам билан таништирдилар ва у киши илтимосимизга биноан бир гуруҳ қарияларни тўпладилар. Мана уларнинг исми шарифлари: Камолиддин Ҳасанов, Мелиқўзи Ҳошимов (пахта заводининг собиқ ишчилари), Эргашали Муҳаммадиев, Собиржон Мансуров (собиқ педагоглар), кўшни «Кичик мўғол» қишлоғидан Боймирза Хўжамуродов (деҳқон.) Уй эгаси Фозилжон Ирисов эса собиқ колхоз ҳисобчиси экан. Чой устида суҳбат бошланиб, анчагина маълумотлар олинди, уларнинг хотираларини бирма-бир ёзиб бордик.

Суҳбатимиз қизигандан-қизиди. Бундай суҳбатларда кўпинча олинган маълумотлар аралаш-қуралаш, тартибсиз бўлиб кетади. Суҳбатдошлар бир-бирларининг гапларини тасдиқлаб, тўлдиришади, гоҳ инкор ҳам қилишади ёки аниқлик, қўшимчалар қириштишади. Бизнинг вазифамиз эса, суҳбат маъносидан ўзимизни қизиқтирган масалага жавоб олиш ва унга сайқал бериб, мантиқан «ишга тизиш»дан ва хулоса қилишдан иборат.

Мана, ўша суҳбатлардан умумлашма айрим парчалар: Қишлоқдагиларнинг бундан ақалли 200 йил илгари ўтган ота-боболари орқали баъзи маълумотлар оғиздан-оғизга ўтиб сақланиб қолган. Ўшандай маълумотлардан биз учун муҳими – мўғул уруғларининг хотираларида қолган номлардир. Масалан, Фозилжон Исроиловнинг айтишича, бу қишлоқдагиларнинг бир

қисми «Келегей мўғол», «Улу қийра». «Кичик қийра», «Бўғанак» каби аллақачон ўзбеклашиб кетган 10 тача майда мўғул уруғидан тарқалган. Аммо «ўрис келди»-дан сўнг (XIX аср назарда тутилмоқда), хусусан, XX аср бошидан халқлар миграцияси жонланиб кетиб, атрофларга «кўч-кўч»лар авж олди. Натижада, кўп хўжаликлар қишлоқни тарк этишди, атрофдан бошқа қавмлар кўчиб келиб, туб жойли бўлиб ўрнашиб қолдилар. Фозилжон Ирисовнинг энг катта боболари Отбоши (Хозирги Қирғизистоннинг Норин вилояти) атрофидаги «Улу қийра» авлодидандир. Улар кейинча қирғиз уруғи билан аралашиб кетган.

Фозилжон ота «боболарим рўйхати» деб, бизга бир дафтарни кўрсатди. Дафтар фақат номлар рўйхатидан иборат бўлиб, «Катта мўғол»да яшаб ўтган аجدодларининг исмларини шажара тарзида ёзиб, «отамдан қолган», деб сақлаб юради. Ушбу «шажара» – рўйхат кейинча қирғизлашиб кетган Алағар исмли энг катта бобоси номи билан бошланади. Дафтарда «Алағар баҳодир» деб ёзилган. Албатта, бу хонадонга тегишли ҳужжат. Уни ишончли манба деб, илмий истеъмолга киритмоқ учун қиёсий ўрганмоқ, солиштирмақ лозим. Аммо рўйхатни оилада таббарук ёдгорлик деб сақлайдилар.

Фозилжон Ирисовнинг хомаки ҳисобича, шажаранинг бошланиши «400–500 йилга боради». Бу сана ҳам диққатга сазовор – айнан Работак урчини, яъни «Икки сув ораси»га мўғул оилалари кўчиб келиб қолган даврга тўғри келади. Лекин Фозилжон отанинг айтишича, қишлоқда бундай «томир отган» оилалар жуда кам қолган. Кўпчилиги ўша талотўп йилларида атрофга кўчиб кетган. Сухбат чоғида юқорида тилга олганимиз Шерпошша табиб қизи Моҳирахон хола ва унинг фарзандлари ҳақида сўз очгандик, ўтирганлардан бири отасидан эшитган қандайдир табиб кампирни эслади-ю, аммо аниқроқ бир нарса қўшимча қила олмади.

Шундай қилиб, иккинчи куни кечки пайт қадимий «Мўғул» қишлоғига сафаримиз ниҳоясига етди. Аммо яна бир бор келишга, суҳбатни давом эттиришга ваъдалашиб, оқсоқоллар билан хайрлашдик. Хайрлашув чоғида Фозилжон тоға кутилмаганда ҳазил оҳангда сўради:

– Домла, бу эски гаплардан бизга ҳам бирон фойда тегадими? Мен ҳазиломуз бу саволга нима деб жавоб берганим ҳозир ёдимда йўқ, аммо Фозил тоғага: «Шажарани эҳтиёт қилинг, биз яна учрашамиз», дедик.

Ҳа, тарихий номлар ёзилган бу дафтар, фикримизча, элшунослар учун алоҳида тадқиқот манбаидир. Афсуски, қишлоққа кейинги боришимиз бошқа ишлар боис узоққа чўзилиб кетди.

2007 йил 1 июл куни Бобур номли халқаро хайрия жамғарма ташкил топганининг 15 йиллиги нишонланиб, хусусий суҳбатлар чоғида «Шаҳзода Бобур» мавзуида асар яратиш масаласи кўтарилиб, яна хаёлимизни Эсон Давлатбегим чорбоғи, «Катта мўғол» қишлоғининг тарихи чулғаб олди.

Ниҳоят, ўша йили 17 июл куни «Катта мўғол»га иккинчи марта юриш қилиб, кадрдон бўлиб қолган қишлоққа бордик. Таниш-билишлар орқали бу сафар олдиндан хабар бериб, бизни кутаётган шу қишлоқлик Акмалжон Тожибоевни излаб топдик. Бу галги суҳбатларимиз шу йигит хонадонида уюштирилди.

Акмалжон Тожибоев ёши 50 дан ошган олий маълумотли иктисодчи, «Кўғай» пахта заводининг масъул ходимларидан. Аммо ачинарлиси шуки, 1990 йили биз учрашган ва суҳбатлашган отахонлар олди 80, кети 95 ёшларда оламдан ўтиб кетибдилар, (уларни Аллоҳ раҳматига олсин). Акмалжон ишимиз юзасидан укасини қаёккадур жўнатди, кимларгадир телефон қилди.

Кечки соат 5 ларда Акмалжон хонадонига иккита қишлоқни бирлаштирувчи фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари Абдумажид Исомиддинов, «Катта мўғол» маҳалла оқсоқоли, собиқ педагог Ғайратжон

Арапов ва собиқ ширкат хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаган кекса фахрийлардан Турдали Отамирзаевлар тўпланишди. Энди аниқлашимизча, «Катта мўғол» қишлоғи Ҳаққулободдан 16 км, Учқўрғонга эса 10 км масофада, шундоққина «Кўғай» темир йўл бекатида жойлашган экан.

Чой устида суҳбатни ўзимизни таништиришдан бошладик ва қишлоқ тарихидан гап очиб, бу ерлар Норин дарёси билан Қорадарё ўртаси (Учқўрғоннинг юқорироғидан бошлаб иккита дарё ўзаро бирлашиб Сирдарё ҳосил бўлган Мингбулоққача ерлар) «Икки сув ораси» деб аталганини кўлимиздаги «Бобурнома»дан ўкиб бердик ва 1990 йилги сафаримиз маълумотлари билан таништирдик. Акахонларимиздан бирон гап чиқшини кутиб, чойлашиб ўтирдик. Акмалжон жонимизга оро кириб Бобурдан гап очди ва ўзи қизиққан баъзи воқеаларни сўрай бошлади. Шу баҳона ўтирганларга кенгроқ ахборот бериш мақсадида суҳбатимизнинг «кириш қисми» сифатида Бобурнинг катта бувиси Эсон Давлатбегим ва туққан онаси Қутлуг Нигорхоним ҳақида, уларнинг икки мингга яқин мўғул навкарлари оилалари билан шу атрофда яшагани, овчилик ва чорвачилик билан шуғулланганлари, зарурат туғилганда, қуролланиб, подшоҳга ёрдамга келганлари ҳақида гапириб бердик.

Турдали бува Мирзаев барча қатори қулоқ солиб тинглар экан, чиндан ҳам бу ерлар илгари қалин тўқайзор бўлгани ҳақида ёшлигида қариялардан эшитганларидан гап очди. Буванинг айтишича, яқингинада ҳам бу атроф бутунлай қамишзор ва қўғай ўсадиган зах ёки ботқоқли ерлардан иборат бўлган. Одамлар Қўқон хонлиги даврида ҳам атрофдаги баланд жойларга қапа қуриб яшаганлар, чунки ернинг тағ замини зах бўлганидан иморатни кўтармас эди.

Йиллар ўтиб кўл ва қамишзор, чакалакзор атрофларидаги нисбатан баландроқ жойларда дастлабки қишлоқлар пайдо бўла бошлаган. Норин туманига

қарашли бугунги «Чўжа» қишлоғидан то иккита дарё қўшилгунча, яъни Мингбулоққа қадар бўлган мавзе зах ва ботқоқ жойлар бўлгани учун халқ оғзида «Билқиллама» деб аталар эди. (Масалан, тарихий манба бўлмиш Мирза Олим Мушрифнинг «Ансоб ас-салотин ва товариҳул ҳавокин» асарида 1853 йилги қипчоқ-ўзбек жанжаллари «Билқиллама уруши» деб аталади.

«Катта мўғол» таркибига кирган «Оқ том», «Бештепа», «Пичан тўпи», «Бегмат тўпи» каби қадимий майда маҳаллалар ҳам капалардан ташкил топган қишлоқчалар эди. Сухбатимиз гоҳ узоқ тарихга бориб тақалар, гоҳ яқин ўтган оқсоқоллар номларини эслаш билан андак тўхтаб ҳам қоларди.

Тўрт соатча давом этган гурунгимиз мавзуи Бобур Мирзодан тортиб Қўқон хонлигию «ўрис келди» гача ўтган даврни қамраб олди. Сухбатимиз якунида Турдали бува эртасига Умарали Кодиров деган фахрий собиқ тарих ўқитувчиси билан ҳам суҳбатлашишни тавсия қилди, бу таклифни бошқалар ҳам маъқулладилар. Кечки овқатдан сўнг суҳбатдан ҳосил бўлган таассуротларимизни тартибга солиб, бош мавзу атрофида якуний хулоса қилдик.

Эрталаб Умарали Кодировга «элчи» юбордик. Уйи яқинроқда экан, осонгина топилди. 80 ёшга кирган Умарали акамиз қачонлардир Андижон Давлат педагогика институти тарих факултетининг сиртқи бўлимини битирган эканлар, таниш чиқиб қолдик.

Умарали домла ҳам шу қишлоқда туғилган кўпни кўрган дарғалардан. Ўлка қишлоқ тарихи билан баҳоли қудрат шуғуллангани тапидан маълум бўлиб турибди. Мана у киши билан бўлиб ўтган суҳбатимиздан айрим парчалар: «Катта мўғол» қишлоғининг тарихи қадимий эканини, кечаги суҳбатимизда таъкидланганидек, бу атрофлар тўқайзор, қамишзор бўлганини Умарали домла ҳам тасдиқлади. «Аммо қишлоқ тарихи мўғуллар билан боғлиқлиги хаёлимга келмаган экан», деб қўшиб қўйдилар. Қўлимиздаги «Бобурнома» дан

«Икки сув ораси»га дахлдор сатрларни акамизга ҳам ўкиб бердик ва «Менинг энам қошида минг беш юз, икки мингта ёвуқ мўтул улусидин бор эди», деган жумлани алоҳида таъкидлаб ўқидик. Шундан сўнг Умарали домла нимадир ёдига тушиб, «Эгамберди эгарчи» деган уста ҳақида гап бошлади ва ўзи ҳам анча хушёр тортгандек бўлди.

Унинг болаликда кексалардан эшитгани Худоёрхон даврида ушбу кишлокда Эгамберди эгарчи бува деган ўтган. Уста эгар қоши ва орқа суянчиқ томонини ясаб, ўтирғич қисмига ёғоч ўрнига туянинг бўйин терисидан қирқиб, михлаб чиқар экан ва бу «мўғулча эгар» деб аталар экан. Ниҳоятда қаттиқ, пишиқ бўлгани учун илгарилари бундай «мўғулча эгар»лар фақат туянинг бўйин терисидан ясалган. Умарали ака бу ҳақдаги ҳикоясини якунлаб, эгар номида ҳам «Мўғол» кишлоғи тарихига доир маълумот борлигига эътиборини қаратди. Эгарчининг насл-насаби эса маълум эмас.

Умарали Қодиров хонадонидаги суҳбатимиз авжи қизиган чоғда бизни йўқлаб бир йигит кириб келди ва ўзини Абдулхай Умаров деб таништирди. Собиқ хўжалик раҳбарларидан бири экан, ёши 55 да, кўриниши ва қарашларидан ҳар нарсага қизиқувчанлиги билиниб турибди. Анча билимдон, хотираси ҳам яхши. «Қишлоқ тарихи билан қизиқувчи бир домла келибди», деб эшитибди-да, кўришгани шошилибди.

Хол-аҳвол сўрашгач, суҳбатимизга аралашди-да, ўтганларни эслаб, шундай деди: «Катта отасининг оталари, яъни уч авлоднинг каттаси бўлмиш Эсонбой бува ўғли Саримсоқбойга: «Бизнинг авлод бу ерларга Чотқол томондан келиб қолган экан», деган. Бу гапни Абдулхай Умаров болалик йилларида ўз отасидан, яъни Саримсоқбойнинг ўғли Шерматполвондан эшитган. Бу маълумот ҳам биз учун муҳим, баҳсимиз мавзусига бевосита дахлдор, хулосаларимизга албатта, ойдинлик киритади. Аммо Абдулхайнинг отасидан эшитганига кўра, «Чотқолдан келганлар»нинг авлодлари ҳам «бе-

саранжомлик» йиллари тирикчилик деб бошқа томонларга кўчиб кетиб қолишган.

Умарали Қодиров суҳбатга «гап қистириб», бошқа бир мавзуга эътиборни қаратди. Айтишича, ҳозир бузилиб кетган «Куюк тепа» номли қадимий ёдгорликни ленинградлик Горбунова деган археолог 1970 йиллари ковлаб текшириб, XVI асрга оид қишлоқ харобаси деб хулоса қилган. «Куюк тепа» бугунги «Мўғол» қишлоғининг чеккасида баландликда жойлашган эди. «Пахта якка ҳокимлиги» авж олган йиллари уни бузиб, ўрнини пахтазорга айлантиришган. Суҳбатимиз мавзуи бора-бора кейинги даврга кўчганини ўзимиз ҳам сезмай қолдик.

Қишлоқда ўтган 80-йиллари «Ўзбекистон» номли йирик жамоа хўжалиги бор эди. Ҳозир унинг ўрнида ўнлаб фермер хўжалиги тузилибди. «Катта мўғол»да бугунги кунда 620 хонадон истиқомат қилади, аҳоли сони тўрт минг кишига яқин. Уларнинг кўпчилик қисми янги ташкил топган фермер хўжаликларида банд. Йигитларнинг бир қисми иш истаб кетиб қолишган.

Шундай қилиб, «Мўғол» қишлоғига қилган иккинчи сафаримиз 19 июл куни якун топди. Бу сафар ҳам янги танишлар орттирдик, самимий суҳбатлар ўтказиб, қўшимча маълумотлар тўпладик, тадқиқот мавзуимизга янада ойдинлик киритилди, мамнуният билан хайрлашиб шаҳарга қайтдик. Шаҳзода Бобур таваллуд топган ва дастлабки тарбияси ўтган жой бўлмиш Эсон Давлатбегим чорбоғи ўрнини қидириш муносабати билан бизга кутилмаганда «Қўшимча иш» бўлиб туюлган «Катта мўғол» қишлоғига икки марта қилган сафаримиз ҳақида эринмасдан ахборот берар эканмиз, бундан кутилган бош мақсадимиз шуки, ўша қишлоқ тарихини хотиралар асосида бўлса ҳам, ўрганиб, тиклаб қўйиш, унинг Эсон Давлатбегим чорбоғи тарихига муносабатини аниқлаш эди. Сафарларимиз, умуман, бу жабҳада бошлаган ишларимиз якун топиши олдидан мана бу маълумотни ҳам қўшиб қўймоқни лозим топдик:

«Бобурнома» асари ёзилганининг 450 йиллигига бағишлаб 1991 йил баҳорида Андижонда илмий анжуман ўтказилди. Анжуманга ташриф буюрган меҳмонлар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, бобуршунос олима Сабоҳат Азимжонова ва яна бир атоқли олимамиз Фозила Сулаймонова ҳам бор эди. Илмий мажлислардан сўнг уюштирилган хусусий суҳбат чоғида ҳурматли Фозила опамиз Эсон Давлатбегим чорбоғидан сўз очиб қолдилар. Суҳбатга Сабоҳат Азимжонова ҳам қўшилиб, Қутлуғ Нигорхоним Бобурга ҳомиладорлик ойларини онасининг ёнида ўтказган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги шахсий фикримизни маъқуллаган бўлдилар. Биз чорбоғ масаласи билан шуғулланаётганимиз, унинг ўрнини топганимиз ва изланиш давом этажаги ҳақида ахборот бердик. Олима опахонларимиз масалага қизиқиб қолдилар ва ўша ерларни бориб кўришга хоҳиш билдирдилар. Бироқ анжуман иши якун топгач, у ерга боришга вақт тополмадилар.

Аммо иккала олима ҳам бу масалани ёритиш ва ўрганиш ишини давом эттиришни маслаҳат бердилар ва 1993 йили Бобурнинг бўлажак 510 йиллик юбилейига келганларида албатта бориб кўришлари ҳақида келишиб олдик. Турли сабабларга кўра, ўша юбилей маросимлари баҳордан декабр ойига кўчирилгани боис меҳмонларга чорбоғ ўрнини кўрсатишга об-ҳаво шароити имкон бермади. Хайрлашув чоғида ҳурматли олималаримиз ўз шахсий фикрларини билдириб, шундай деган эдилар: «Эсон Давлатбегим чорбоғи масаласи бобуршуносликнинг муҳим бир жузъий қисмидир. Бу борадаги текширув ишларини давом эттирмоқ лозим. Шаҳзода Бобур таваллуд топган жой сифатида бирон хотира – ёдгорлик мажмуи ҳақида ҳам ўйлаш керак».

Мустақиллигимизнинг дастлабки маънавий неъмат сифатида Президентимиз махсус фармонига биноан, Бобурнинг 1993 йили ўтказилган 510 йиллик юбилейи олдидан кенг қўламдаги тайёргарлик ишларига

урғу берилиб, чорбоққа доир қидирув ишларимиз ҳақида юбилей комиссиясининг мажлисларидан бирида ахборот ҳам берган эдик. Ўшанда юбилей комиссияси раиси (вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари) тақлифи билан Бобур юбилейига атаб вилоят миқёсида қилинажак ишлар режасининг лойиҳаси тузиладиган бўлди. 14 банддан иборат шу режанинг бир бандида Эсон Давлатбегим чорбоғини қидириш иши ҳам кўрсатилди ва навбатдаги йиғилишда тасдиқланди. Бу орада Бобур номли халқаро хайрия жамғарма ташкил қилинди ва шаҳримиз жанубидаги Боғишамол оромгоҳида Бобур ёдгорлик комплексига асос солишдек муҳим ишлар қизғин бошлаб юборилди. Эндиликда маълумки, бу ишлар бобуршуносликнинг янги саҳифаси ўлароқ муваффақият билан якунланди. Бироқ турли сабаблар боис, умуман, кундалик янги вазифалар орасида Эсон Давлатбегим чорбоғи ҳақидаги масала унут бўлиб кетди.

Нихоят, шаҳзода Бобурнинг Фарғона тахтига ўтиргунига қадар ҳаётини ўрганиш муносабати билан бу ишга мана қайтадан кўл урилди ва чорбоққа доир қидирув ишлари ўз якунини топди. Унинг бир қисми сифатида «Катта мўғол» қишлоғи ҳам ўрганилди.

* * *

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Шахзода Заҳириддин Муҳаммаднинг дунёга келиши	6
Бобур аждодлари ва Фарғона диёри	6
Бобур таваллуди	12
Чорбоғ ҳақида	21
Андижондаги маданий-маънавий муҳит	38
Бобур ва унинг тарбиячилари ҳақида	49
Ўн икки ёшни қаршилаганда	83
Хотима ўрнида	98
«Катта мўғол» қишлоғига саёҳат	100

4000 с.ч.

Адабий-тарихий нашр

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ

ШАҲЗОДА БОБУР

Муҳаррир Шариф ХОЛМУРОД

Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ

Мусахҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ № 146. 2009. 14. 08.

Босмахонага 2013 йил 15 ноябрда берилди. Босишга 2013 йил 20
ноябрда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 $\frac{1}{32}$.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 4,69. Шартли б. т.: 7,0

Адади: 1000 нусха.

295-сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movaqounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: m-nashr@yandex.ru.

Тел: (8-371) 227-34-30

“КО’НИ NUR” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси 44-уй.